

АЛИҚУЛОВА М.М.

# ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИКА

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2012

**Алиқулова М.М.**

Ушбу услубий қўлланма талабаларни ўқитиш жараёнида тренинглар, очик мунозаралар, якка, жуфтликда, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлашни ташкил қилишда янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган тавсиялар ва педагогик маслаҳатларни ўз ичига олган.

Услубий қўлланмада баён қилинган янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган машғулот жараёнида ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзи ўқитаётган фани ва предметининг мазмуни, мақсади шунингдек, шароити, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ижодий ўзгартириши ёки ўқитиш жараёнида фойдаланган янги педагогик технологиялар асосида ўзининг муаллифлик услубий қўлланмасини яратиши ва уларни дарс жараёнида қўллашни тавсия қилиши мумкин.

Мазкур услубий қўлланма олий таълим муассасаларида педагогика ва психология мутахассислиги бўйича таълим олаётган бакалаврлар, магистирлар, тадқиқотчиларга мўлжалланган.

***Тақризчилар:***

**Н.Ҳ.ҲАКИМОВ,**  
**фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Ш.Қ.МАРДОНОВ,**  
**педагогика фанлари доктори, профессор**

Услубий қўлланма Жиззах давлат педагогика институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган. 31 декабрь 2011 йил №\_\_\_\_\_ сонли баённома.

**ISBN \_\_\_\_\_**

© Иқтисодиёт унверситети  
“ТДИУ” нашриёти, 2012

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бораётган бир пайтда педагогик олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳар томонлама етук, ислохотларда фаол иштирок этадиган баркамол инсонни тарбиялаш, юқори малакали педагог мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир.

Мамлакатимиз ривожланишининг, модернизациялашувининг муҳим шарти замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожланишида педагогик кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини амал қилишига эришишдир.

Олий таълимнинг бугунги асосий вазифаларидан бири талабаларни кун сайин мураккаблашиб бораётган ахборот - таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилona фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиш зарур.

Педагогик олий таълимнинг самарадорлигини ошириш ва талабаларнинг ўз ихтисосликлари бўйича билимларни тўла эгаллашларига эришиш, шахснинг диққат марказида бўлишини ва ёшларнинг танлаган мутахассисликларига монанд, мустақил, чуқур билим олишларини таъминлаш учун олий таълим муассасаларига юқори малакали ва ўз соҳасидаги зарур билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари, замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда самарали фойдалана оладиган профессор-ўқитувчилар керак. Бунинг учун педагогика-психология йўналишида таълим олаётган бўлажак ўқитувчиларни инновацион педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ҳамда билимларини бойитиб бориш лозим.

Талабалар ўз мутахассисликлари бўйича эгаллаган билимлари қаторида педагогик ва психологик билимларни ҳамда технологик ёндашув асосидаги

ўқитиш услубиётларини ҳам эгаллаган бўлишлари зарур. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда, уларнинг инновацион педагогика соҳасидаги билимларини оширишда қуйидаги масалалар муҳим деб белгиланади:

- ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;
- ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;
- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятлари давомида фойдаланиладиган услубий тизимига хос бўлган педагогик технологияларни ўзлаштириш.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш, узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва педагогик тажрибага таянган ҳолда туб ислохотлар ўтказилишини кўзда тутати. Бунинг учун, аввало, олий таълим тизими муассасаларида таълим жараёнини илғор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган янги замонавий услубий қўлланмалар билан таъминлаш лозим. Талабаларга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, таълимда фан-техниканинг илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш, уларни дарс жараёнига сингдириш бугунги олий таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими орқали шахснинг ҳар тамонлама баркамол бўлиб етишишини кўзда тутати. Шахс эса узлуксиз таълим шароитида кадрлар тайёрланишида таълим хизматларининг истеъмолчиси, педагоглар тайёрлаш жараёнининг иштирокчиси сифатида намоён бўлади.

Шахс, таълим хизматларининг ишлаб чиқарувчиси сифатида билим ва тажрибани талабага тушунтиришда, моддий ишлаб чиқариш муҳити шароитида, шунингдек, фан, маданият ва хизматлар кўрсатиш соҳаларида ҳам фаол иштирок этади. Шу сабабли, таълимнинг белгиланган вазифаларидан бири талабаларни юқори савияда ўқитишни таъминлаш ва малакали кадрларни замонавий таълим дастурлари асосида ўқитишдан иборат. Таълим муассасаси ўсиб келаётган шахсни ўқитиш жараёнида уларга бўлажак мутахассисликлари

бўйича таълим олиш шароитларини яратади. Талабаларнинг педагогик ва психологик билимга бўлган эҳтиёжлари ва қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг бош мақсадга йўналтирилган бўлиши профессор ўқитувчи фаолиятининг маъсулиятини оширади. Олий таълим муассасаси ўқитувчисининг малакаси махсус ва педагогик фанларни ўрганиш натижасида вужудга келадиган икки қиррага эга бўлиши лозим ва доимо: “Нима учун ўқитиш керак?”, “Қандай ўқитиш керак?” деган саволларга жавоб излаши, топиши, шунингдек, таълим-тарбия хусусиятлари эътиборга олинган махсус билимларга асосланган бўлиши лозим.

“Инновацион педагогика” курсининг дастури ва ушбу фан машғулотида фойдаланиланиш кўзда тутилган педагогик услубий тавсияларнинг мазмуни ва дарс жараёнида қўлланилиши, педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларида, педагогик ва психология мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиладиган интерфаол дарсларни ўтишда ижодий фойдаланиш мумкин бўлган тақдимот материаллари келтирилган

# **I БОБ. МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ ВА ПЕДАГОГИК МУАММОЛАР. ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ**

## **1.1. Таълимда инновация**

Режа:

1. Таълим жараёнида янги педагогик технологияларининг самарадорлиги
2. Таълим тизимида инновация
3. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ҳамкорлик
4. Технологик ҳаританинг аҳамияти

*Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси*

И.А.Каримов

Шу давргача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган эди. Бундай усул талабаларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликни сўндирар эди.

Ҳозирги кунда олий таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини оширишга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормокда. Замонавий педагогик технологиялар қўлланилган машғулотларнинг мазмуни, талабалар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто мустақил хулосаларни чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, ташкилотчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида талаба асосий фигурага айланади.

Педагог - олимларнинг педагогик тажрибаси давомида олий педагогик таълим тизимида:

Нега ўқитамиз?

Нимани ўқитамиз?

Қандай ўқитамиз? саволларига жавоб излаш билан бир қаторда, қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш мумкин? - деган саволига ҳам жавоб қидирдилар.

Бу эса, профессор ўқитувчиларни ўқув жараёнини технологиялаштиришга, яъни ўқитишни ишлаб чиқаришга оид аниқ қафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш мумкин, деган фикрга олиб келди. Бундай фикрнинг туғилиши педагогика фанида янги педагогик технологиялар йўналишшини юзага келтирди.

Ҳозирги даврда олий педагогик таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётганининг асосий сабаби қуйидагилардир:

Биринчидан, янги педагогик технологияларда шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш ва бўлажак педагог мутахассисларни тайёрлаш имкониятининг кенглигида. Шунинг учун ҳам “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да олий педагогик таълимни такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Иккинчидан, янги педагогик технологиялар олий педагогик таълимдаги ўқув-тарбия жараёнига тизимли ёндашувни чуқур жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан, янги педагогик технология профессор ўқитувчиларни таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб, ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Тўртинчидан, янги педагогик технология замонавий таълим воситалари ва ахборот усулларини ўқув жараёнида қўллашга асосланганлиги

сабабли, улардан самарали фойдаланиш “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини амалга оширишни таъминлайди.

Ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг ўқув жараёнига кенг жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишини талаб қилади. Бу эса талабадан ўқув материалларини ўзлаштиришда кўпроқ мустақил фикрлашни, ижодий ёндашувни ва иродавий сифатларни талаб этади.

Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда, талабага ким дарс бераётганлиги ва профессор ўқитувчи кимларни ўқитаётганига боғлиқ.

Янги педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар талабаларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини эътиборга олиб, уларни ижодий фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини илмий асослашга имкониятларини кенгайтиради.

Ҳозирги даврдаги олий педагогик таълимдаги инновацион жараёнларда, таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун талабаларнинг янги ахборотлардан унумли фойдаланиши ва ўзлаштирган билимларини мустақил баҳолашга қодир, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар зарурияти вужудга келди. Шунинг учун ҳам, олий педагогик таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий фаолиятида замонавий ўқитиш услублари - интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Янги педагогик технология ва уларнинг педагог мутахассислар тайёрлашда қўлланишига оид махсус билимлар, педагогик тажриба талабаларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновация (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгилик демакдир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол (“Inter” - бу ўзаро, “act” - ҳаракат қилмоқ) - ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқатда бўлишни англатади. Бошқача сўз

билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари - билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни, қисман талабаларнинг фаолиятини дарс мақсадларига йўналтиришга олиб келади.

Бу педагогик услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда ижодий фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб уларга:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга жалб этилиши;
- талабаларнинг дарс жараёнида ўрганилинаётган фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши;
- талабаларнинг ўқитилаётган фанга бўлган эътиборларини мустақил равишда ҳар бир мавзунини ўрганишга ижодий ёндошган ҳолда кучайтирилиши;
- педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини мунтазам равишда ташкил этилишлари талаб қилинади.

Янги педагогик технология масалаларини ва таълим муаммоларини ўрганаётган баъзи профессор ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология – фақат ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланилиши зарур бўлган ўқитишнинг замонавий техник воситалари, компьютер, проектор ёки бошқа техник воситалардан иборатдир. Бизнинг фикримизча, педагогик технологияларнинг асосий негизи – ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан кўзланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган педагогик усулларга боғлиқ. Ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кутилаётган натижага эришишда қўлланиладиган педагогик таълим технологияси, ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилиб, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув

жараёнида талабалар мустақил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб таҳлил этиб, ўзлари хулоса қилсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо берса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит яратса, бизнинг фикримизча, ана шу – янги педагогик технологияни қўллаш асосида ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси мавжуд. Ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва қафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, услуб, шакл, воситага, яъни провард натижада педагогик технологияга боғлиқ.

Ўқитувчи ва талабанинг дарс жараёнида мақсаддан натижага эришишида қандай педагогик технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган бўлиб, бунда талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб, фойдаланиладиган педагогик технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун балки, фильм (ёки тарқатма материал, чизма ва плакат, ахборот технологияси, ўқув услубий адабиётлар) зарур бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи ва талабаларга боғлиқ.

Шу билан бирга ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, энг асосийси, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжини ва ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак. Шундагина керакли қафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқача айтганда, талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Технологик ҳарита. Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини

лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи учун бўлажак дарсни технологик ҳаритасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик ҳаритаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Технологик ҳаритани тузиш осон иш эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услуб ва усулларни билиши керак. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик ҳаритасига боғлиқ.

Дарс технологик ҳаритасини қай кўриниш (ёки шакл)да тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик ҳарита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши керак. Технологик ҳаританинг тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай ҳаритада дарс жараёнининг ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятининг барча қирралари ўз аксини топади.

Мисол тариқасида қуйидаги меҳнат иқтисодиётига доир “Ишсизлик сабаблари, хусусиятлари ва уни камайтириш йўллари” мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик ҳаритасини ҳавола қиламиз.

#### Технологик ҳарита

| <b>Мавзу:</b>     | <b>Ишсизлик сабаблари, хусусиятлари ва уни камайтириш йўллари</b>                                                                                                                                         |
|-------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Мақсади:</b>   | Талабаларда таълим жараёнида ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни камайтиришнинг моҳияти, аҳамиятини тушунтириш.                                                                                     |
| <b>вазифалар:</b> | <ul style="list-style-type: none"> <li>Талабаларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларда ишсизлик сабаблари хусусиятлари ва уни камайтиришга бўлган қизиқишни уйғотиш, уларда мавзу асосида</li> </ul> |


|                                                  |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
|--------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                  | <p>билим ва кўникмаларини шакллантириш ва кенгайтириш</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мавзуга оид тарқатма материалларни талабалар томонидан яққа ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш, уларнинг билимини баҳолаш.</li> </ul>                                                                                                                                                 |
| <b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>                  | <p>Ишсизлик ҳақида умумий тушунчалар. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари. Ишсизлик таснифи. Ишсизликни камайтиришнинг асосий йўллари. Ўзбекистонда ишсизлик муаммосининг айрим хусусиятлари.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                            |
| <b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b> | <p><u>Метод</u>: Оғзаки баён қилиш “Чархпалак”, “Ассисмент” технологиялари</p> <p><u>Шакл</u>: Суҳбат-мунозара, амалий машғулот, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлаш</p> <p><u>Восита</u>: Тарқатма материаллари, матнлар, тақдимот, слайдлар</p> <p><u>Усул</u>: Тайёр ёзма материаллар ва чизмалар асосида</p> <p><u>Назорат</u>: Оғзаки назорат, савол-жавоблар, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш.</p> <p><u>Баҳолаш</u>: Рағбатлантириш 5 балли тизим асосида баҳолаш</p>                                 |
| <b>Кутиладиган натижалар</b>                     | <p><u>Ўқитувчи</u>:</p> <p>Мазмуни қисқа вақт ичида барча талабалр томонидан ўзлаштиришга эришилади. Талаба фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бир машғулот жараёнида барча талабаларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Талабалар томонидан ёзма ахборотни мустақил ўрганиш, уни хотирада сақлаш, бошқаларга етказиш, савол бериш ва саволларга жавоб беришга ўргатади.</p> <p><u>Талаба</u>:</p> <p>Янги билимларни эгаллайди. Яққа ҳолда ва гуруҳ</p> |

|                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |
|-----------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                     | бўлиб ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади ва ўзини баҳолай олади                                                                                                                                                                                                                                                                                   |
| <b>Келгуси режалар<br/>(таҳлил,<br/>ўзгаришлар)</b> | <p>Ўқитувчи:<br/>Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзунини ҳаётининг воқеалари билан боғлаш. Педагогик маҳоратини ошириш.</p> <p>Талаба(ёки ўқувчи):<br/>Матн билан мустақил ишлашни ўрганади. Билим ва кўникмаларини ўстиради. Нутқини оширади. Мустақил фикрлаш шаклланади. Ўқитувчидан кўрсатма ва йўриқнома олади. Жамоа фикрини таҳлил қилиб бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилади.</p> |

Ўқитувчи ўқитаётган фанининг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузган технологик ҳаритаси, унга фан (ёки предмет)ни яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашишга, тушунишига (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик ҳаританинг талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга ва бу билан ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имконият беради.

Ўқув жараёнида талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий услубларнинг қўлланилиши, талабаларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни ҳис қилиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини, шунингдек педагогга нисбатан ҳурматини кучайтиради.

Таълим-тарбия жараёнларида янги педагогик технологияларни қўллашда Ўрта Осиёда яшаган ва ижод қилган алломаларимизнинг педагогик мазмундаги ғоя ва қарашларидан фойдаланиш талабаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг самарали бўлишини таъминлайди.



Бундай натижага эришиш ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни, улардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Педагогик технологиялар жуда хилма-хилдир. Биз улардан баъзиларини ташкил этиш ва уларни дарс жараёнида фойдаланиш ҳақида тўхталамиз. Талабаларда мантикий, ақлий, ижодий, танкидий, мустақил фикрлашни

шакллантиришга, уларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис сифатида шаклланишларига ҳамда мутахассисга зарур бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам берадиган тавсияларимизни берамиз.

Келтирилган тавсиялардан фойдаланувчилар ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳавола этилган педагогик технологияларни худди шу тартибда дарсда қўлламасликлари ҳам мумкин. Ҳар қайси ўқитувчи бу технологиялар асосида уларнинг умумий мазмунидан ижодий фойдаланиб ўзларининг дарс ўтиш технологияларини яратишлари, тавсия қилинган педагогик технологияларнинг баъзи бир босқичлари, элементларини ишлатишлари мумкин.

### **Талабаларнинг билимларини баҳолаш турлари ва уларнинг афзаллик ҳамда камчиликлари.**

Баҳолаш - таълим жараёнининг маълум босқичида, у кун мақсадларига эришганлик даражасини олдиндан белгилаб қуйилган мезонлар асосида белгилаш, ўлчаш, таҳлил қилиш жараёнидир.

#### **Беш баллик баҳолаш**

| <b>Афзаллиги</b>                                                                            | <b>Камчилиги</b>                                         |
|---------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|
| - таълим олувчи рағбатлантирилади;                                                          | - баҳолашнинг нисбийлиги;                                |
| - таълим олувчининг фаолиятини тезкор назорат қилиш имкониятини беради;                     | - ёзма нутқда хатоларни тўғрилаш имкониятининг камайиши; |
| - таълим берувчининг вақти тежалади;                                                        | - баҳолашнинг субъективлиги.                             |
| - таълим олувчининг яқуний билими баҳоларнинг сонига қараб эмас, сифатига қараб баҳоланади; |                                                          |
| - баҳолаш қулай бўлади;                                                                     |                                                          |
| - расмийлаштириш ҳужжатлари кам бўлади.                                                     |                                                          |

## **Баҳолашнинг рейтинг тизими**

### **Афзаллиги**

- ҳаққоний баҳолаш;
- ёзма нутқнинг ўсиши;
- ёзма нутқда хато ва камчиликларни аниқлаш имкониятларининг мавжудлиги;
- таълим олувчининг билимга бўлган иштиёқининг сезиларли даражада ошиши;
- таълим олувчини мунтазам шуғулланишга ундаши;

### **Камчилиги**

- таълим берувчи таълим олувчи билан ишлаганда кўп вақт сарф қилади;
- балларни ҳисоблаш кўп вақт талаб қилувчи мураккаж араёнлиги;
- баҳолаш усулларига қараб таълим олувчининг оғзаки нутқин пасайиши;
- ажратилган вақтнинг етарли эмаслиги;
- таълим олувчини баҳолаш назоратининг мураккаблиги ва ноқулайлиги

## **Мезонга асосланган баҳолаш**

### **Афзаллиги**

- ўқув мақсадига мувофиқ баҳоланади;
- таълим олувчининг билимини баҳолаганда унинг йўл қўйган хатолари яққол кўрсатиб берилади;
- баҳоланувчи таълим олишга йўналтирилади;
- баҳоланувчиларнинг баҳолава-ётган соҳадаги кучли ва кучсиз томонлари ҳолисова аниқлаб берилади, уларнинг ўз билими ва малакаларига бўлган ишончи оширилади;
- ҳамма учун бир хил билим ва малака талаблари ўрнатади;
- таълим мазмуни аниқлаб берилади;

### **Камчилиги**

- мезонларни ишлаб чиқиш кўп вақт талаб қилади;
- мезонларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги ва аниқлигини кўрсатишга нисбатан талабаларнинг қўплиги;
- ижтимоий фан йўналишлари бўйича мезонлар ишлаб чиқишда қийинчиликларга дуч келиниши;

- баҳоланувчиларнинг ўз фаолияти натижаларига бўлган масъулияти оширилади.

### Меъёрий (нормага асосланган) баҳолаш

#### Афзаллиги

#### Камчилиги

- |                                                                                                                                  |                                                                                                                                    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқитувчи ортиқча вақт сарфламайди;</li> </ul>                                           | <ul style="list-style-type: none"> <li>- баҳолашда билим билан ҳулқни баҳолаш аралаштириб юборилади;</li> </ul>                    |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>- турли шарт-шароитга осон мослаштириш мумкин;</li> </ul>                                 | <ul style="list-style-type: none"> <li>- баъзан ҳулқни баҳолаш билимни баҳолашни чеклаб қўяди;</li> </ul>                          |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>- баҳо бўйича кўрсаткичлар умумий тарзда олинади;</li> </ul>                              | <ul style="list-style-type: none"> <li>- баҳолар ўқитувчи томонидан субъектив белгиланиши мумкин;</li> </ul>                       |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>- муайян баҳоланувчилар гуруҳи ичида уларни ўзлаштириш имконини беради;</li> </ul>        | <ul style="list-style-type: none"> <li>- таълим олувчига нисбатан симпатия ҳам баҳони юқори қўйиб юборишга олиб келади;</li> </ul> |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>- баҳолаш натижасида гуруҳ ичидан маълум қисмини ажратиб олиш имконини беради;</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>- билимларни объектив ва ҳаққоний баҳолашнинг пасайишига имконият яратади.</li> </ul>       |

## 1.2. Дарс услубиёти ва техникаси

Режа:

1. Инновацион технологияларнинг қўлланилиш зарурияти
2. Педагогик технология тушунчаси
3. Педагогик технологиялар тарихи
4. Дарсга қўйиладиган талаблар

*Ўқини кишини билимдон, суҳбат-  
топқир, ёзини эса, интизомли қилади.*

### Сукрот

Ушбу мавзунинг баёнини узоқ вақтларда айтилган ривоятдан бошлаймиз. Кунлардан бир кун кўл бўйида қорни оч қолган бир киши балиқ тутиб турган донишмандга дуч келибди ва унга мурожаат қилиб: “Мен очман, менга ёрдам бер!”. Донишманд куйидагича жавоб берибди: “Мен сенга балиқни беришим мумкин, сен тез тўясан ва бироз вақт ўтгач, худди шундай яна оч қоласан ва мендан яна ёрдам сўрайсан. Мен сенга қармоқ беришим мумкин, у ҳам қачондир синиб қолиши мумкин, унда сен менга яна мурожаат қилишингга тўғри келади. Яхшиси, мен сенга қармоқ ясашни ўргатаман, бу узоқ ва қийин, лекин кейинчалик сенга менинг ёрдамим керак бўлмайди. Ўз йўлингни танла ....”.

Юқорида келтирилган ривоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, яхши ўқитувчи талабага “қармоқ ясашни” ўргатиши ва ақлли талаба эса уни ўрганиши лозим. Талабалар “қармоқ ясашни” қанчалик тез ва мустаҳкам ўрганиб олсалар, улар шунчалик бировларга мухтож бўлмасдан ўз “овларига” эга бўладилар. Мана шундай вазифаларни амалга оширишда янги интерфаол ва ноанъанавий педагогик технологиялар жуда кўл келишини тадқиқотчилар томонидан турли таълим муассасаларида ўтказиладиган кўпгина педагогик тажрибаларининг натижалари тасдиқламоқда. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ўз соҳалари

бўйича олиб бераётган машғулотларида инновацион технологияларни ўз ўрнида қўллашни билишлари ўта зарур.

Ҳозирги кунда инновацион технологиялар, интерфаол услубларнинг сони жуда кўп. Биз уларнинг олий таълим муассасаларида кенг тарқалганлари, ўқитиладиган аниқ фан ва предметларда қўлланилиши мумкин бўлган баъзи янги педагогик технологияларнинг фойдаланиш услубиятларини ушбу курсда ўрганамиз.

Бизнинг фикримизча методика, технология тушунчаларга аниқлик киритиш керак бўлади. Методика (услубият) ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат. Янги педагогик технология эса олдиндан белгилаб қўйилган аниқ мақсад йўлида ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган тадбирлар мажмуаси йиғиндисидир.

Педагогик технология тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан ривожланган мамлакатларда ушбу мавзунинг у ёки бу даражада ечилаётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан педагогик технологияни педагогик амалиётга жорий этишга бўлган ўринишларнинг маълум натижасини ифодалайди.

Собиқ иттифоқ даврида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиб келинди. Натижада, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш ёки талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технология даражасига кўтарила олмай, аста-секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанидан узоқлаша бошлаган эди.

Педагогик технологиялар тарихини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин.


1-босқич. XX асрнинг 30-йилларидан бошланиб, таълим-тарбия машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва услублар йиғиндиси “педагогик техника” номини олиб, ўша даврда олий педагогик таълимнинг энг самарали усули ҳисобланган.

2-босқич. Ўтган асрнинг 50-йилларида таълим жараёнига техник воситаларни қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сиғимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини ташкил этиш бошланган ва бу жараён ўқитишнинг техник воситалари ёрдамида амалга ошириш усули деб номланди.

3-босқич. XX асрнинг 60-йиллари олий педагогик таълимга дастурий асос жорий этилиб, унда таълим мақсадларига аниқлик киритилди, таълим жараёни, умумий бўлсада, лойиҳалана бошланди. Олий педагогик таълимнинг мақсадий натижаларини методик жиҳатларини илмий ўрганиш, амалиётга жорий этиш жараёнлари жорий этилди.

4-босқич. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошланиб, шу кунгача давом этиб келмоқда. Бу даврда ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда, педагогик жараён якунида кафолатланган натижаларга эришиш мақсадида уни мантикий қисмлар (модуллер)га ажратиб ўқитиш, аввалдан бутун дарс жараёнини лойиҳасини тузиб олиш, унда ишлатиладиган педагогик усуллар ва ахборот технологияларини қўллаш, бутун педагогик жараённи доимо назоратда тутиб туриш каби масалалар ечимини топди.

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л.Фарберман педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: “Педагогик технология – таълим жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий – муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир”.



Педагогик технология – бу ўқув жараёнини инсон ва техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқ мақсад ва натижага йўналтирилган жараён.

Япон педагог олими Т.Сакомото таърифи: “Педагогик технология – бу мажмули фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмуга келтиришдир”.

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаси Маҳмудхўжа Беҳбудий - Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур, деб таъкидлайди. Улар орасида кўпгина умумийлик бўлгани билан, ўзаро фарқлари ҳам анчагина. Чунончи, машҳур педагог Я.А.Коменскийнинг дидактик тизими ўта гуманистик бўлиб, билим бериш ва билим олиш жараёнини бошқариш ўқитувчилар томонидан амалга оширилади дейилгани билан, билим олишлик тўла талабалар ихтиёрида бўлиши керак, деб ҳисоблаган. Яъни, талабалар билим олгилари келсагина, уларга билим бериш лозим.

Шунинг учун Я.А. Коменский дидактикасида ўқитувчи билимини бериб, ўқувчи уни эслаб қолишининг ўзи кифоя дейилган. Бошқа деярли барча

хорижий мамлакатларда, шу жумладан, Европа мамлакатлари ва Америкада, нисбатан каттиққўлликка ва зўрлашга асосланган И.Ф.Гербарт дидактик тизими кенг қўлланилади. И.Ф.Гербартнинг фикри бўйича, мактабнинг асосий вазифаси ўқувчиларни ақлий ривожлантириш, яъни уларга билим беришдан иборат бўлмоғи лозим. Ахлоқий тарбиянинг барча масалалари оила ҳал қилиши керак, деб ҳисоблаган И. Ф.Гербарт. Шу боис, таълим беришнинг асосий мақсади тайёр билимларни бериш, ўқувчилар эса бу билимларни ёдлаб олишлари билан белгиланган. XX аср бошларида америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дьюи Гербарт дидактик тизимига қарама-қарши бўлган ўзининг дидактик тизимини таклиф қилди ва уни Чикаго ўқув юртларидан бирида муваффақиятли синаб кўрди. Дьюи дарсда ўқитувчи эмас талаба фаол бўлмоғи лозим деб чиқди. Дарсда бериладиган билимлар талабалар эҳтиёжига мос ва уларнинг ҳоҳишидан келиб чиққан бўлиши керак деб ҳисоблаган. У китобдаги билимларни қуруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормади, аксинча, ўқувчиларни ўқишдан совутиб, тафаккурини занглатади деб таъкидлаган. Дьюининг таълим тарбияга қўшган асосий ҳиссаси – бу “ақл юритишнинг тўлиқ жараёни”дир.

Дарсга қўйиладиган талаблар. Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда режалаштирилиши ёки лойиҳаси тузилиши лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълими ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Дарс босқичларини, яъни қандай бошлаш, янги материални қандай ўтиш, қандай тамомлаш, кўргазмали ва бошқа дидактик материаллардан қандай фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал қилиб олади;

- ▶ Ҳар бир дарс аниқ ғоявий изланишга эга бўлиши лозим;

- ▶ Ҳар бир дарс ўқув юртининг ижтимоий муҳит имкониятини ҳисобга олган амалиёт билан боғланиши, кўргазмали воситалар билан жихозланиши шарт;

- ▶ Дарс учун ажратилган вақт ва унинг дақиқаларидан тежамкорлик ва унумли фойдаланиш талаб қилинади;

► Дарс жараёнида ўқитувчи ва талаба ўзаро фаол муносабатда бўлиши шарт, талаба пассив талабага айланмаслиги керак;

► Машғулотлар бутун гуруҳ ва ҳар бир талаба билан, уларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мулоқот олиб борилиши юқори самара беради;

► Дарснинг мазмуни ва характериға қараб ҳалқимизнинг бой маънавий меросидан унумли фойдаланиш мақсадға мувофиқдир.

Дарсға керакли меъёрий ҳужжатлар

- Намунавий ўқув дастури
- Ишчи ўқув дастури
- Тақвимий ўқув режа
- Технологик ҳарита ёки дарс ишланмаси
- Маърузалар матни ва дарслик
- Ўқув қўлланма
- Дидактик материаллар

Замонавий дарс деганда — ўқитувчи талабанинг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий салоҳиятини ишға солиб, ривожланишини таъминлайди.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

### Стандарт



### Ностандарт



### Виртуал



## Ўқитиш турлари:

- ✓ Анъанавий таълим
- ✓ Ноанъанавий таълим

- ✓ Ривожлантирувчи таълим
- ✓ Муаммоли таълим
- ✓ Дастурлаштирилган таълим
- ✓ Эвристик таълим
- ✓ Турли даражали
- ✓ Модул тизимли
- ✓ Интерфаол таълим
- ✓ Масофали таълим
- ✓ Андрагогика
- ✓ Информал таълим
- ✓ Расмий таълим
- ✓ Норасмий таълим

## **II БОБ. ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ**

### **2.1. Ўқитувчининг инновацион фаолияти: маҳорат, ижодкорлик, новаторлик**

Режа:

1. Педагогик ҳамкорлик ва маҳорат
2. Ўқитувчи фаолиятида вақт ва ишонтириш самарадорлиги
3. Педагогик жараёнда талабаларга психологик таъсир этиш муаммоси
4. Шахснинг камол топишида ўз-ўзига таъсир этишнинг аҳамияти

Олий педагогик таълимдаги ислохатлар ва унинг модернизациялашуви профессор ўқитувчилардан дарс жараёнида ташаббускорликни, ижодий ёндашувни, талабалардан мустақил фикрлашни талаб қилади.

Олий педагогик таълимдаги дарс - педагогик ижодкорликнинг асосий майдонидир. Ўқитувчининг асосий педагогик эҳтиёжи - ўргатиш, етказиб бериш - айнан дарс жараёнида амалга оширилади. Шундай экан, дарс олий педагогик таълим жараёнини ташкил қилишга инновацион ёндашувни, янгича муносабатни талаб қилади.

Стандартиштирилган дарслар жараёнида ўқитувчи олдида муҳим бир масала туради яъни талабаларни илғор замонавий билим олишга жалб қилиш, уларни инновацион таълим сари олға ҳаракатлантиришдир. Бу эса ўқитувчи ва талабаларни биргаликдаги меҳнатга жалб қилади. Бунинг учун, талабаларни ўқитишда мажбур қилмасликни талаб қилади. Педагогик ҳамкорликнинг хусусиятларидан бири - дарсда талабадаги кўрқувни йўқотиш, уни эркинрок, дадилрок иштирокини таъминлаш, ўзининг кучига ишонтириш, унга жиддий, ижод қилишга қодир шахс сифатида қарашдир.

Дарсда аниқ мақсад ғоясини эълон қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу- талабалар билан ҳамкорлик руҳида иш олиб бориш, уларга аниқ бир мақсад кўйиб, бу мақсаднинг мураккаблигига ва буни амалга оширишга ишонтириш -

уларда ўзига бўлган ишончини, аниқ, мушкул масалани ҳам еча олиш мумкинлигини шакллантиради.

Дарс ўтиш жараёнида фақат суҳбат билан чегараланмай, талаба хотирасини шакллантириш, мантиқ, тасаввур, фикрлай олишини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, талабаларнинг ижодий фикрлашини шакллантириш шахсий сифатларидаги нотекисликларни, нуқсонларни бартараф қилишга ёрдам беради. Уларда эркин фикрлаш камол топади. Натижада, талабалар ўтиладиган мавзунини билсада, муҳокама қилишда фаол ўқитувчи қайси дарсни ўтишдан қатъий назар, ҳеч қандай кераксиз, ортиқча нарсаларга тўхталмай, ҳар бир мавзунини аниқ, равшан, лўнда тушунтириши ва шу билан бирга талабаларни индивидуал ва жамоа, ўз–ўзига баҳо беришга ўргатиши лозим.

Дарс ўтиш давомида ўқитувчи шундай усуллардан фойдаланиш керакки, талабалар ўзларини шахс сифатида ҳис қилишсин. Бу - ҳар бир талаба ҳар бир дарсда ўзининг баҳосини олиши, масалаларни ўзи танлаб олишда намоён бўлади. Ҳар ким ўз гуруҳида ҳимоя остида, ҳеч ким унинг билимига шубҳа билан қарамайди.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти асосида нотиклик маҳорати бирламчи ўрин тутади булар:

- Савол бериш маҳорати;
- Эшитиш маҳорати;
- Тана тилида тушунтириш маҳорати;
- Ҳикоя тузиш маҳорати;
- Ахборотни хотирада сақлаш ва уни узатиш маҳорати ва ҳоказо.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятида вақт муҳим ўрин тутади. Вақт менежменти;

Вақт–нима?

Нима учун?

Қандай қилиб?

“Вақт ўғрилари” омадли инсон бўлиб етишишимизда бизга тўсқинлик қилади. “Агар вақтни бошқармасанг, у қўлингдан учиб кетади”, деб таъкидлайди Серилл Паркинсон. Вақт ҳақида Вильфредо Паретто 80/20 қонунини шундай дейди, “Инсон умрининг 80,0 %ини майда-чуйда, кераксиз ишларга, 20,0%ини муҳим, долзарб ишларга сарфлар экан”. Девид Эйзенхауэр матрицаси моҳияти эса, “Ишларни муҳим-муҳим эмас, долзарб-долзарб эмасга тоифалаш”, деб таъкидлайди

Ўқитувчининг инновацион фаолиятида маҳорат, ижодкорлик, новаторликни асос деб оладиган бўлсак, у ҳолда ИМАК-Ишонтириш мактаби технологиясига тўхталиб қуйидаги саволларга жавоб берамиз:

1. Талабаларни ишонтириш ва унинг шакллари.
2. Педагогик - психологик таъсир турлари.
3. Ўз-ўзига таъсир этиш.
4. Аутотренировка.

Аннотация: Маърузада талабаларни ишонтириш ва унинг шакллари, педагогик-психологик таъсир кўрсатиш турлари, ўз-ўзига таъсир этиш ва аутотренировка баён қилинган.

Ишонтириш - шахснинг билимлар тизимига, дунёқарашига, хулқ-атворида, ҳатти-ҳаракатига таъсир эта олиш ва уни қисман ўзгартириш тушунилади. Ишонтириш ва ишонч ҳақиқий ва сохта бўлиши мумкин. Ҳақиқий ишонч, эътиқод шахснинг ҳаёт тарзига, унинг руҳий қиёфасига, ирода ва виждонига таъсир этгани учун ҳам инсон ўз ишончини - эътиқодини ҳимоя қилиб, баъзан ўлимга ҳам тайёр бўлади.

Тарихдан биламизки, халқ қаҳрамони оддий чўпон Широқ, ўз элини босқинчилардан сақлаб қолиш учун жонини фидо қилган.

Сохта ишонч эса ўзи яшаётган муҳитдан, атрофдаги кишиларнинг таъсирида тўпланган салбий хулқ-атвор, тажрибалар натижасида шаклланади. Сохта ишонч ва эътиқод талабанинг атрофидаги шахсларнинг нотўғри, нопок ҳаёти натижасида қуйидаги шакллардаги сохта ишонч пайдо бўлади: Ҳалол

меҳнат билан яшаш, маълумки қийин кечади. Шу боис маълум тоифа шахслар турли хил нопок йўллар билан турмуш кечиришга ҳаракат қиладилар.

Ишонч ва ишонтириш учта таркибий қисмдан иборат бўлиб, булар талабанинг билимлари, ҳис-туйғуси ва ҳуққ- атворида намоён бўлади.

1. Билимлар. Талабанинг ота-онасидан, тарбиячи ва педагоглар, бадиий адабиётлар ва бошқа манбалардан одоб-ахлоқ, ҳатти-ҳаракат, ҳуққ- атвор ҳақида билимлар тўпламидан иборат.

Талабаларга Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ҳамда машҳур кишиларнинг ҳаёт йўллари, эришган ютуқлари ҳамда улар ўзларига идеал деб ҳисоблаган инсонлар ҳақида давра суҳбати ўтказиш ижобий натижа беради.

Натижада ишонч, эътиқод, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, дўстлик, бурч, виждон ва бошқа ахлоқий тушунчалар ҳақидаги билимлар маънавият ва маърифат дарсларида талабаларга сингдирилади.

2. Ҳис - туйғу. Ишонч, ишонтириш, эътиқод ҳақидаги билимлар ишонарли, ҳаётий мисоллар ёрдамида берилиши билан бирга бу билимлар ўқитувчи томонидан ҳис-ҳаяжонли тарзда берилганда талабаларга яхши таъсир этади.

3. Ҳуққ-атвор. Ишонч ва эътиқод ҳақидаги билимларни ҳаётда қўллаш, шу билимларни амалда - ҳаётда (ота-онаси, ўқитувчилари ва бошқаларда) кўрган бўлиши керак. Шундай шароитда, назарий билимлар талабанинг малака ва кўникмасига, шахсий сифатларига айланади.

Ҳақиқий ишонч ва эътиқодни шакллантириш йўллари қуйидагилар:

1. Талабалар ўзларини бошқа кишилар билан таққослашга ўргатилади. Талабаларни маҳалла, тумандаги ҳурматли, обрўли кишилар билан учраштириш.

2. Салбий, сохта ишонч, ҳуққ-атвор, эътиқод келажакда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиш.

3. Талабанинг сохта ишончини мантиқий фикрлаш билан маълум даражагача давом эттириш. Масалан: Агар, бордию ҳеч ким ишламаса нима

бўлади? Ҳеч ким ўқимаса нима бўлади? деб савол берилади ва талабадан бу саволга жавоб бериш талаб қилинади.

4. Талабанинг фикрини, эътироз ва саволларини охиригача, диққат билан эшитиш (уни дарҳол рад этмаслик), фақат ишончли далиллар билан унинг фикрини ўзгартиришга ҳаракат қилиш.

5. Талабага ишонч билдириш. Унга ёрдам кўрсатиш учун тайёр эканлигини, ҳайрихоҳ эканлигини кўрсатиш.

6. Ўқитувчи ўзининг жиддийлиги, мардлиги, маънавий юксаклиги билан талабаларга ўрнак бўлиши.

Талабаларни ишонтириш ва уларнинг эътиқодларини мустаҳкамлаш учун қуйидаги шартларга амал қилиш талаб қилинади:

1) Талабаларни ишонтириш ва уларга таъсир этишда қўлланилаётган услуб (ҳикоя, суҳбат ва бошқалар) мазмунан ва шаклан талабаларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиши керак.

2) Талабалар билан алоҳида ёки кичик гуруҳчаларга бўлиб суҳбатлашганда талабаларнинг индивидуал хусусиятлари, ҳаётга муносабатларини ўқитувчи билиши зарур.

3) Суҳбат ёки ҳикоя жараёнида келтирилган мисолларни иложи борича реал ҳаётдан олиб кўрсатиш.

4) Ўқитувчининг ўзи талабаларга бераётган билим, тушунча ва ғояларига ишониш муҳимдир. Ўзи ишонмаган нарсага бошқани ишонтириш қийиндир.

Талабалар билан тарбиявий соатларда, уларни нимагадир ишонтириши, қандайдир мавзуда мунозара ўтказиш учун талабаларнинг айнан ҳозирги вақтдаги кайфиятини, асаб ва руҳий ҳолатини етарли билиши керак. Агар талабалар бетоқат, ҳаяжонланган бўлса, уларни янада кўпроқ ҳаяжонлантирадиган мавзунини гапирмаган маъқулроқ. Шунингдек, талабаларни нимагадир ишонтириш учун ўқитувчининг сўзи билан ҳатти-ҳаракатлари тўғри келиши керак. Ўқитувчи талабаларни одоб-ахлоққа, тартиб-интизомга чақирса-ю, ўзи амал қилмаса, бундай тарбиядан самара кам бўлади. Талабаларда ишонч,

этикодни куруқ гап билан шакллантириш қийин. Гуруҳда ҳар хил суҳбатлар, учрашувлар, саёҳатлар ташкил этиш яхши самара беради. Шунинг учун унутмаслик керакки, ҳаракат билан, аниқ иш билан мустаҳкамланмаган тушунча ва билимлар оддий сўзлигича қолади. Меҳнатсеварлик меҳнат билан мустаҳкамланади. Инсоний хислатлар: меҳмондўстлик, камтарлик, жасурлик, ботирлик, садоқат, бурч буларнинг барчаси ижобий намуна билан, шу хис-туйғуни бошидан кечириш билан шаклланади.

Педагогик жараёнда талабаларга психологик таъсир этиш муаммоси билан психологлар, тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар фаол шуғулланмоқдалар, чунки таълим ва тарбия жараёнининг ўзи ўқитувчининг талаба руҳиятига, онгига, дунёқарашига доимий таъсири деб қараса бўлади. Кейинги йилларда замонавий психологиянинг психоанализ, гуманистик психология, нейролингвистик дастурлаш, бихевоизм ва когнитив психология каби йўналишлари пайдо бўлди ва бу оқимларнинг баъзи бир методлари умумий ва олий мактабга кириб келмоқда.

Олий педагогик таълим муассасаларида «психологик хизмат»нинг пайдо бўлиши, талабаларнинг психологик билимларининг ошиши (олий мактаб ва малака ошириш институтларида психология фанларини ўқитишнинг яхшиланиши) натижасида ўқитувчи-талаба орасидаги ўзаро психологик таъсирда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Талабаларга дарс ва дарсдан ташқари жараёнда таъсир этишнинг жуда кўп турлари мавжуд: Булар қуйидагича фарқланади.

1. Таъсир объекти ва субъектига қараб; а) бир кишига ёки кўпчиликка таъсир, б) шахснинг ўз-ўзига таъсир этиш.

2. Шахснинг фаолиятига қараб таъсир этиш. а) шахс уйғоқ вақтида унга психологик таъсир этиш. б) табиий уйқу вақтида психологик таъсир этиш. в) гипноз уйқуси жараёнида психологик таъсир этиш.

Замонавий дидактикада психологик таъсирнинг баъзи бир турларидан фаол фойдаланилади. Масалан; гипноз уйқуси даврида талабаларга чет тилини

ўргатиш ёки талабаларда кам бўлса ҳам учрайдиган дудуқланиш нуқсонини гипнопедия усуллари билан даволаш мумкин.

3. Психологик таъсирнинг олдиндан режалаштирилган ёки режалаштирилмаган турлари. а) олдиндан режалаштирилган ҳолда талабага психологик таъсир дарс ёки дарсдан ташқари жараёнда якка ёки гуруҳ ҳолида ўтказилади. Буни суҳбат, ҳикоя ва бошқа анъанавий методлар билан биргаликда, психотренинг, аутотренинг каби методлар билан ҳам ўтказиш мумкин. б) олдиндан кўзда тутилмаган - режалаштирилмаган ҳолда талабаларга психологик таъсир кўрсатиш.

Бундай таъсир этиш методлари одатда, тасодифан юзага келган вазиятларда, низоли ҳолатларда қўлланилади. Ўқитувчи шундай вазиятлардан чиқиб кетиш учун олдиндан бир нечта психологик усуллари яхши ўзлаштирган бўлиши шарт. Зарур вазиятда ушбу усуллари қўллайди. Масалан, низоли вазиятдан ҳазил билан чиқиб кетиш, низолашаётганларга алоҳида-алоҳида «муҳим» топшириқ бериш.

4. Психологик-педагогик таъсир мазмунига қараб: очик ва ёпиқ тарзда бўлади. а) Очик таъсир усули. Бундай шаклдаги таъсир ўқувчининг маълум ҳатти-ҳаракатини ёки хулқ-атворини коррекциялашга, тўғрилашга йўналтирилган бўлиб, ўқитувчи ўз фикрини очик баён қилади. Масалан: «Мен биламан, сен иродаси кучли йигитсан, ишонаманки, бундан кейин бундай ишни қилмайсан». б) Ёпиқ таъсир усули. Психологик таъсирда асосий мақсад пардаланган ҳолда, ёки “Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” тарзида берилади. Масалан, бир тажрибали ўқитувчи ҳикоя қилади; “Туруҳимдаги К. исмли қизнинг кейинги вақтларда ўғил болалар билан жуда яқинлашиб, ҳатто сигарета чекаётганлиги маълум бўлиб қолди. Қиз жуда ҳам тез хафа бўладиган, кек сақловчи бўлгани учун қизларнинг ҳаммаси билан биргаликда, “сигаретнинг қиз - аёл организмига зарари” – “эрта жинсий уйғониш ва унинг салбий ва ижобий оқибатлари” – деган мавзуда суҳбатлар ташкил этдик ва гап орасида қизнинг номини тилга олмасдан унга психологик таъсир этдим. Натижаси, кутганимдан ҳам яхши бўлиб чиқди”.

Талабаларга психологик таъсир этиш қадимдан маълум бўлиб, бу методлардан, оилада, маҳаллада, қадимда тарбиявий ўғитлардан мадрасаларда унумли фойдаланганлар. Гуруҳда ва дарсдан ташқарида психологик ва педагогик таъсирнинг самарадор кечиши учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак:

1. Берилаётган ахборот (материал-матн)нинг таъсирчанлиги.
2. Гуруҳдаги психологик вазиятнинг турғунлиги.
3. Ўқитувчининг ўз кучига (ҳиссий таъсирига) ишониши.
4. Талабаларнинг ўқитувчига ҳиссий муносабати (ўқитувчининг талабалар ўртасидаги ҳурмати).
5. Психологик таъсир жараёнида талабаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини эътиборга олиш.
6. Ўқитувчининг талабаларга таъсир этиш техникасини қанчалик эгаллаганлиги.
7. Талабаларга етарли даражада ҳиссий таъсир этиш учун зарур (мослаштирилган) жой, вақт ва бошқа шароит, омилларнинг мавжудлиги (шовқин ва бегона кишиларнинг йўқлиги, хонада талабаларнинг 15тадан ошмаслиги бошқалар).

Шахснинг камол топишида ўз-ўзига таъсир этишнинг аҳамияти жуда катта. Талабалар кўпинча ўзларидаги ёмон одатларни (чекиш ва бошқалар), ўз салбий шахсий хусусиятларини билган ҳолда уни тузатиш йўллари билмасдан қийналадилар ёки иродаси сустлик қилади. Ўқитувчи талабалар орасида ўз-ўзига таъсир этишнинг яхши томонларини машҳур кишилар ҳаёти мисолида тарғибот қилиши зарур. Жисмонан ва руҳан кучсиз, ногирон шахсларнинг турли машқлар ёрдамида спорт, илму-фан, ижод ва бошқа соҳаларда буюк муваффақиятларга эришганликларини ҳикоя қилиб бериш талабаларга ижобий таъсир этади. Талабалар ўзларидаги уятчанлик, ишёқмаслик, ўзига ишончсизлик каби ёмон шахсий хусусиятларини йўқотишга интиладилар. Профессор ўқитувчилар ва ўқув юрти психологлариининг вазифаси уларга яқиндан ёрдам беришдир.

Кўпинча, ўз-ўзига таъсир этиш билан яхши ўқийдиган, тартиб-интизомли, одоб-ахлоқли лекин, шахсидаги баъзи бир ёмон одат ва камчиликларни тuzатишга интиланган ёшлар жалб қилинади. Аслида, бундай ишга гуруҳдаги «тарбияси оғир», ўзлаштириши ёмон талабаларни кўпроқ жалб этиш ва уларни ўз-ўзига ижобий таъсир этишга қизиқтириш ва ўргатиш зарур.

Бунинг учун ўқитувчининг ўз-ўзига таъсир этиш методлари – “Аутоген тренировка” - (ауто-“ўзига” деган маънони билдиради) - ўз-ўзига таъсир этиш машқларнинг қадимий илдизлар, қадимий ҳинд жўтилари (йоглари) томонидан яратилган ўз-ўзини жисмдан ва руҳан камол топтириш учун яратган методларнинг замонамиз кишиларига мослаштирилган шаклидир.

Ўқитувчи талабаларга аутоген машқни ўргатиш учун ўзи қуйидагиларни яхши билиши зарур:

1. Талабалар аутоген машқни ўтказиладиган жойни танлашда унинг тинчлиги, бошқа кишиларнинг йўқлигига эътибор бериш.
2. Стул, кресло ёки ерда қулай ўтириш.
3. Баданни қисиб турадиган нарсалар бўлмаслиги.

Бу талаблар асосан аутоген машқларни яқка тарзда ўтказиш учун мўлжалланган аммо, аутоген машқларни гуруҳ тарзида ҳам ўтказиш мумкин. Бундай машқларни ўтказишдан мақсад талабаларга аутоген машқлар билан мустақил шуғулланиш малака ва кўникмаларини шакллантиришдир.

4. Талабага психологик таъсир этишни бошлаш ёки ўз-ўзига таъсирнинг самарадор кечиши учун авваламбор жисмонан ва руҳан бўшашиш - яъни релаксация ҳолатига - бутунлай осойишталик ҳолатига тушишни ўргатиш керак.

Релаксация асосан синфда юз берган мураккаб педагогик вазиятларда, педагогик қаровсиз, тарбияси оғир, инфантил ва психопатсимон характерли болалар билан ишлашга тўғри келганда қўллаш юқори самара беради.

Чунки, бу талабаларнинг кўпчилиги бетоқат, тинимсиз бўлиб уларга тинчланиш, осойишталик ижобий таъсир этади.

Аммо, шу нарсани унутмаслик керакки, талабалар билан психотренинг ва аутотренинг машқларини ўтказиш учун ўқитувчи шу методларни яхши эгаллаган бўлиши керак.

Релаксациянинг бош мияга психофизиологик таъсир механизми жуда содда бўлиб, релаксация давомида талабанинг онгига ташқи ва ички асаб толаларидан (кавалларидан) келаётган маълумотлар кеёкин камайиб, фақат ўқитувчининг овози - унинг талабага психологик таъсири бош мия томонидан қабул қилинади. Демак, ўқитувчи томонидан берилаётган ахборот (ёки маълумот) талаба томонидан тўсиқларсиз қабул қилинади ва унинг таъсир кучи юқори бўлади.

Юқорида айтилганларга қўшимча қилиб шуни кўрсатиш керакки, бу машқларни ўтказувчи шахс руҳан пок, жисмонан соғлом ва шу машқларни ўтказишга расмий ҳақ-ҳуқуқли бўлиши шарт. Аутотренинг машқларини талабалар кечқурун уйкуга ётишдан олдин ёки эрталаб ўриндан туришдан олдин ишлатиш яхши самара беради.

Якка тарзда ёки гуруҳ билан талабаларда релаксация машқларини ўтказиб, сўнг ўз-ўзига таъсир этишда ўргатиш машқларини бошласа бўлади. Буни тахминан шундай бошлаш мумкин:

- Кўзингизни юминг, сиз ҳозир хотиржамсиз ва тинчсиз, сиз дам олаяпсиз (қўл, оёқ, бел, бўйин, юз, калла мускуллари бўшаштирилади).

- Сиз эркин нафас олаяпсиз. Кейин талабаларга, маълум мақсадга йўналтирилган (масалан, иродани мустаҳкамлаш, кучли бўлиш, хотира ва диққатни ривожлантириш учун алоҳида сўзлар - «формулалар» ишлаб чиқилади). Топшириқ, буйруқлар такрорланади. Жуда муҳим ва зарур жумлалар икки мартадан ва ундан ортиқ такрорланади.

Психологик ва педагогик таъсир этиш ўқитувчи томонидан доимо ўтказилиши талабаларни ташаббуссиз, суст қилиб қўйиши мумкин. Асосий мақсад талабаларнинг ўз-ўзларига психологик таъсир этишни ўргатишдир. Бунга эришиш эса ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашдаги, юқори малакали мутахассисни тайёрлашдаги асосий қадамдир.

## **2.2. Бошқарув педагогикаси**

Режа :

1. Олий педагогик таълимни бошқаришнинг моҳияти ва аҳамияти
2. Бўлажак педагогларни тарбиялаш ишларига раҳбарлик қилиш

Олий педагогик таълими тизимини бошқариш ижтимоий бошқарувнинг ажралмас қисми бўлиб, унга раҳбарлик қилиш ва уни бошқаришни такомиллаштириш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра бу масала олий педагогик таълим бўғинларининг, таълим — тарбия масалалари раҳбарларининг ҳамда педагогика фани соҳасида хизмат қилаётган барча олимлар ва илмий ходимларнинг доимий диққат эътиборидаги масаладир.

Олий педагогик таълим муассасаларининг фаолиятини самарали, оқилона ташкил қилиш, олий таълим таркибидаги муассасаларининг ҳар бир раҳбари ва ўқитувчилари томонидан ўз бурчларининг сифатли бажарилиши; ўқув тарбия ишларининг муваффақияти келажакда қилинадиган ишларнинг аниқ — равшанлигига, бажарилаётган масалаларининг аниқлигига, вазифаларнинг тўғри тақсимланишига ва таълим тарбия ишини моҳирлик билан оператив бир-бирига мувофиқлаштириб олиб борилишига боғлиқ.

### **Олий педагогик таълимни бошқаришнинг моҳияти ва аҳамияти**

Олий педагогик таълим муассасаси ички тузилишга эга бўлган механизм бўлиб, унинг ҳар бир бўғини фақат тартибли ва самарали ишлаганида ҳамда ўқув — тарбия жараёни самарали бошқарилганида муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин.

Олий педагогик таълимни бошқаришнинг асослари таҳлил қилинар экан, олий таълим муассасаларининг мақсади юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Олий педагогик таълим соҳаларини ва ўқитувчилар фаолиятини бошқариш ишлари илмий педагогик кенгашлар орқали амалга оширилади.

Олий педагогик таълим муассасаларида раҳбарлик қилишда якка бошчилик принципига таяниш амлиётда ўзини оқлаган. Олий педагогик таълим муассасаларини бошқаришдаги якка бошчилик принципи бўлажак педагогик кадрларни тайёрлашда жамоа бўлиб ишлаш принципи билан бирга олиб борилади.

Буюк мутафаккир, педагог А.С.Макаренко таъкидлаганидек: “Жамоада аҳил-иттифоқлик ташкил қилинган бўлса, бу жамоада ҳар қандай қийинчиликни бартараф қилиши осон бўлади”.

Ташкилий раҳбарликнинг жуда ҳам муҳим масала эканлигини дастурларда таъкидлаб ўтилган.

Таълим муассасалари педагогиканинг бир қисми бўлиб, олий педагогик таълимни бошқариш вазифаларини, унинг мазмун ва методларини белгилаб методологик нуқтаи назардан асослаб беради, раҳбарлик қилиш тартибини аниқлайди.

Ижтимоий гуманитар фанлар, шу жумладан педагогика ҳам ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳасини, яъни жамият тараққиёти қонуниятларини ифодалайди. Олий педагогик таълимни бошқариш ва раҳбарлик қилиш таълим соҳасидаги ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини аниқлаб ва белгилаб беради.

Олий педагогик таълим муассасалари ишларини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш масалаларини такомиллаштириш зарурияти “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур”ни қабул қилиниши билан янада катта аҳамиятга эга бўлди .

Олий педагогик таълим муассасаларининг методологик асоси,

биринчидан — миллий тарбиянинг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги таълимотга;

иккинчидан— олий педагогик тизимининг миллий ғоя таълимотига асосланганлигидадир.

Олий педагогик таълимни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш мустақиллик давлати сиёсатининг тўғридан – тўғри ва бевосита ифодасидир.

Ўқув-тарбия ишини талаблар даражасида ташкил қилиш учун қуйидаги шароитлар муҳайё бўлиши зарур:

- ўқув хоналарни яхши жиҳозлаш;
- техник воситалар билан таъминлаш;
- талабани методик адабиётлар билан таъминлаш;
- талабани дидактик материаллар билан таъминлаш;
- аудиторияда қулай психологик вазиятни вужудга келтириш;
- ўқитувчилар жамоасида аҳил — иноқ муҳитни ташкил қилиш.

Олий педагогик таълим муассасаси раҳбарлари ўқув — тарбия ишларини бошқариш ва раҳбарлик қилиш ҳамда назоратни амалга ошириш бобида талабаларнинг ўз — ўзини бошқариш бўғинлари ишини уюштириш яхши натижалар беради. Таълим муассасасида агар талабалар жамоаси ишини яхши йўлга қўйса, таълим муассасасида ўқув тарбиявий ишларни ташкил қилиш осон бўлади.

**Олий педагогик фаолиятда таълим — тарбия ишларига раҳбарлик қилиш.**

Таълим муассасасига таълим — тарбия жараёнига раҳбарлик қилиш масаласи ўқув муассасаси ички бошқарув тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг мақсади таълим — тарбия ишларини ҳозирги давр талаблари асосида ташкил қилиш ва бу борадаги илғор педагогик тажрибаларга асосланиш, самарали йўллар билан уни янада такомиллаштиришдир.

Олий педагогик ўқув юртида таълим — тарбия ишларига раҳбарлик қилиш асоси бу биринчи навбатда таълим муассасасида соф психологик иқлимни вужудга келтириш, ўқитувчилар жамоасининг ўқув — тарбия ишларини ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ҳолда ташкил қилишдан иборатдир. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, Республикамиз олий педагогик ўқув юртларидаги ислохатлар ва ижобий ўзгаришлар, фан — техника тараққиёти, таълим муассасасининг таълим — тарбия ишини такомиллаштиришининг асосий йўналишлари таълимни модернизациялаш билан боғлиқдир.

Бинобарин, олий педагогик таълим жараёнининг такомиллашуви таълим — тарбия назариясидаги барча масалаларни таълим муассасадаги таълимнинг мазмуни (ўқув режа, ўқув дастури, дарсликлар), таълим принциплари, ўқитишнинг шакли, услуби ва воситалари, таълимни ташкил қилиш шакллари қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Олий педагогик тизимга кирувчи таълим муассасами раҳбарлари агар таълим — тарбия ишларига раҳбарлик қилишда ўқув қўлланмалари, илмий, назарий, методик ва умумпедагогик адабиётлардан унумли фойдаланса, бу ишда яхши натижага эришиши мумкин.

Олий педагогик таълим соҳасидаги ислохатлар натижасида бўлажак педагогларни тайёрлаш ўқув режаларига ўзгартишлар киритилди. Лойиҳалаштириш — олий педагогик таълимнинг мазмуний қисмини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, таълимнинг умумий ва конкрет мақсадлари, ўқитиладиган фанлар мажмуасини аниқлаш, ҳар бир фаннинг мазмуни, соатлар ҳажми ва бошқаларни таҳмин қилади.

Жамият ва унинг ҳар бир аъзосининг маънавий ривожланишини бошқариш - олий ўқув юртлари, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларининг ишини ташкил қилишни, фан адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқаришни ўз ичига олади. Шунга кўра олий педагогик таълим тизимини бошқариш жамиятда ижтимоий бошқарувнинг ажралмас қисмидир.

Бошқариш омиллари. Ишлаб чиқаришни ва ижтимоий соҳани бошқариш омиллари деганда - бошқарув тизимининг махсус турларини, бошқарилувчи объектларга таъсир кўрсатишнинг у ёки бу йўналишларини тушунмоқ керак. Бошқарув омилларига: режалаштириш, ташкил қилиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, ҳисоб-китоб қилиш киради.

Режалаштириш - бошқарилувчи объектларни ривожлантириш ва моделлаштиришни, прогноз қилишни ҳам ўз ичига олади.

Ташкил қилиш - ишлаб чиқариш объектининг тузилишини ва бошқарув тузилишини танлаб олиш ҳамда шакллантиришдир. Тизимнинг

тузилиши элементлари ўртасидаги муносабатларини ва уларнинг ўзаро ҳаракатини белгилашдир.

Назорат қилиш – педагог мутахассислар тайёрлаш жараёнини кузатиб ва текшириб туришдан иборатдир.

Нихоят, кафедралар, факультетлар фаолиятини мувофиқлаштириш ёки кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги муайян босқичларнинг қандай бажарилаётганлигини таҳлил қилишдан иборат. Шунингдек, мазкур тизимнинг кейинги даврга мўлжалланган иш дастурини ишлаб чиқиш учун ахборот базасидан тўлиқ фойдаланишга имкон беради.

Олий педагогик таълим муассасаларни бошқариш, ундаги ўқув жараёнига раҳбарлик қилишнинг шакллари ва методлари, муассасадаги масъул шахсларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, ҳамда олий ўқув юртига раҳбарлик қилиш тизимини ҳам кўзда тутати.

Мамлакатимизда узликсиз таълимга ўтиш шароитида таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш вазифаси асосан олий педагогик таълим муассасаси ходимларига юкланади. Бу ўз навбатида олий педагогик таълим раҳбарлик бўғинларида ишлайдиган раҳбарнинг фаолияти билан боғлиқдир. Олий педагогик таълим муассасаларда ички назорат ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша таълим муассасалардаги таълим - тарбия ишлари ҳам юқори даражадаги кўрсаткичларга эришади. Олий педагогик тизим ҳар қандай жамиятга, ҳаётнинг барча соҳаларига зарур бўлган педагог мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади. Олий педагогик таълим олдида қўйилган асосий мақсад шахснинг маънавий эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Жамиятни маънавий ҳаётини бошқаришнинг асосий мақсади — илм-маърифатли, маданиятли, ҳар томонлама камол топган шахс, юксак даражадаги пок ва ахлоқли кишиларни тарбиялашдан иборат. Таълимдаги уюшқоқлик тартиб, илмий асосланган меҳнат тақсимооти бўлмаса, меҳнат жамоаси бўлиши мумкин эмас. Табиийки, бошқарувсиз, муайян тартибни ўрнатмасдан туриб, олий педагогик таълимда меҳнат фаолиятини кенг миқёсларда амалга ошириб бўлмайди.

Олий педагогик таълимни идора қилувчи кишиларни бир-бирига мувофиқлаштириш учун олий таълим бўғинлари ҳаракатидан келиб чиқадиган умумий вазифаларни бажарилиши лозим.

Олий педагогик таълим муассасаларини ички назоратининг бир қанча йўл-йўриқлари мавжуддир. Уларнинг асосчиси олий педагогик таълим муассасалар раҳбарларининг кафедралар, бўлимлар, факультетлар фаолиятдан мунтазам хабардорлиги, зарур ҳолларда дарсларга кириб, машғулотларни таҳлил қилишдан иборат.

Раҳбарлик қилишда учрайдиган ҳар қандай масалани тўғри ҳал қилмоқ учун бошқариш асослари, педагогика фанининг методологиясини ва янги педагогик технология асосларини яхши билиб олиш зарур. Яъни таълим муассаса соҳасида юз берган ҳар қандай муаммоларни яхши англай олиш зарур, бусиз раҳбарлик қилишда учрайдиган масалаларни тўғри ечиш йўлини топиб бўлмайди.

Муассасалар фаолиятини белгиловчи қонунлар, директивалар ва қарорлар мустақиллик даврида такомиллаштирилди, бу тизим олий педагогик таълим муассасаларини бошқаришнинг методологик асосидир.

Олий педагогик таълим муассасаларини бошқариш ва унга раҳбарлик қилишнинг энг муҳим қоидаларини белгилашда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур”ни қабул қилинган қарорларининг тарихий ролини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, нутқлари, демократик давлатни, фуқоралик жамиятини бошқариш тўғрисидаги таълимоти жамиятимизнинг ҳуқуқининг негизидир.

Таълим муассасаларини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 28 - моддасига асосан кўрсатилган талаб асосида бўлиши лозим.

Жумладан: таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин. (қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин).

- Таълим тизими:
- педагогик тизим
- ўқув муассасалари
- бошқарув органлари
- ёрдамчи ташкилотлар
- ўқитувчи, тарбиячи:

(тренер, фасилитатор, модератор, энциклопедист, менежмент ва б.)

### **2.3. Дарсга кириш ва уни таҳлил этиш зарурати**

Режа:

1. Ўқитувчи ўзини ҳар доим англаш мажбурияти
2. Дарс таҳлилининг асосий таркиблари

*Ҳаётин ўтказса, ўрганиб сабоқ, устоз  
ҳам, шогирд ҳам ҳеч бўлмас нўноқ.*

**Абу Шукр Балхий**

Жамиятни модернизациялаш шароитида олий педагогик таълим мазмунига қўйиладиган талаблар янада кучайди. Ўтказилаётган илмий педагогик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги талабаларнинг аксарияти баъзи фанлардан ўқишга қизиқмай қўйишди. Бунинг сабабларидан бири дарс мобайнида ўқитувчи билан талаба ўртасида мулоқотнинг умуман йўқлигидир. Шунингдек, олий таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси, халқ тарбияшунослиги ва педагогик руҳшунослар хизмати фаолиятида камчилликлар мавжуд. Умуман олганда, ўқитувчи ўзининг кучли ва заиф томонларини ҳар доим англаши керак. Айрим ўқитувчилар ўзларининг камчилликларини, айниқса, ўз соҳалари бўйича етарлича билимга эга эмасликларини ёпиш учун талабага ортиқча талаблар қўядилар. Талабалар ўқитувчининг бўш томонини тез англайдилар. Шунинг учун, у ҳадиксираб эмас, балки ўқитувчи ҳурматини жойига қўйиб муносабатга киришиши мумкин. Бундай муҳитни ва талабаларнинг руҳий кайфиятини

ўқитувчи баъзан сезмайди. Талабалар ўқитувчинининг ижодий фаолиятини ҳар доим кузатиб боради. Улар ундан илиқ сўз, меҳр ва мурувват кутадилар.

Ҳозирги даврдаги педагогика фани олдида таълимнинг тарбиявий аҳамиятини очиб бериш муаммоси турибди. Шундай шароитда, баъзан ўқитувчининг ташқи қиёфаси ҳам тарбиявий аҳамият касб этади. Лекин буларнинг ичида энг муҳими ва талаба учун энг аҳамиятлиси - ўқитувчининг билимдонлиги, янгилик ва дунёвий билимларга чанқоқлиги, унинг сўзи билан ишининг мувофиқ келиши, талабаларни изланишга, билимларни мустақил эгаллашга, ҳар бир фаннинг моҳиятини тушунишга, ишга ижодий ёндашишга ундаши ва эркин фикрлаши ҳамда мустақил ишлаш учун шароит яратиши билан белгиланади.

Олий таълимдаги педагогик фаолиятда амалга оширилган кўп йиллик иш тажрибалари ва кузатишлар, ўқитувчи ҳамиша ўз устида ишлаши, билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириб бориши кераклигини кўрсатмоқда. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг кундан-кунга ўсиб бориши, ўқув жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллай олишини кучайиши, унинг педагогик фаолиятида амалга ошади. Ўқитувчи фаолиятининг қанчалик самарали эканлигини, одатда, унинг маҳоратини кузатиш, ўтаётган дарсларини таҳлил қилиш орқали билиш мумкин.

Кузатувчилар ўқитувчи билан биргаликда дарсга кириб келиб, орқа ўриндиклардан бирини эгаллагач, дарс бошланади. Ўқитувчи дарсга кирганда қўли (ёки ўқув хониси)да гуруҳ журнали, ўқув дастури, календар-мавзу режаси, дарснинг технологик ҳаритаси бўлиши керак.

Дарс таҳлилининг асосий таркибий қисмлари. Мутахассис сифатида ўқитувчининг дарсини кузатиб, уни таҳлил этишни мўлжаллаган шахслар қуйидагиларга эътибор беришлари мақсадга мувофиқ:

- ◆ Ўқитувчининг дарсга қандай тайёргарлик кўрганлиги?
- ◆ Ўқитувчида дарснинг ўқув режаси ва мавзу бўйича турли ишланмаларнинг борлиги, турли дидактик тарқатма материал ва кўргазмали қуролларнинг тайёрлиги.

- ◆ Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги билан юзаки (ёки дарснинг бир қисмида) танишиб чиқилмайди. Унинг дасрга тайёргарлигини бутун машғулот мобайнида кузатиш ва таҳлил этиш лозим.
- ◆ Дарс мақсад ва вазифаларининг қўйилиши.
- ◆ Ўқитувчи ҳар бир дарсга аниқ мақсад қўядими? Мақсадни қанчалик тўғри қўяди? Вазифалар белгиланадими?
- ◆ Ташкилий ишлар таҳлили.
- ◆ Машғулот ўтказиладиган хонанинг дарсга тайёрлиги, талабаларнинг кайфияти ва соғлиги, ўқув хонаси ва столининг тозаллиги, бўр ва намланган латтанинг борлиги, айрим сабабларга кўра дарсда қатнашмаётган талабаларнинг исми ва шарифлари ёзилган варақчанинг ўқитувчи столига қўйилишига, шунингдек ўқитувчининг дарсга ҳозирлигига ва унинг ташқи қиёфасига ҳам эътибор берилади.

Дидактик (ёки таълимий) таҳлил. Таҳлилнинг бу турида мавзунинг илмийлиги ва изчиллиги, оддийдан мураккабга томон йўналиши, кўргазмалилиги ва берилаётган билим, янги ахборотларнинг ҳаётийлиги, уларнинг жонли ва равон тилда очиб берилиши назарда тутилади.

Услубий таҳлил. Бунда ўқитувчи фаолиятининг икки томони:

биринчидан, ўрганилаётган мавзуга дастурда мўлжалланган соатда, уни қандай усуллар ёрдамида, талабаларнинг ёши ва шахсий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етказиб бера олиши, талабаларни ўйлашга, изланишга мажбур этиши ва унга шароит яратиши;

иккинчидан, ўқитувчи сифатидаги тажрибалари қайси даражада эканлигини намойиш эта олиши назарда тутилади. Ўқитувчининг иккинчи томони таҳлил этилаётганда, унинг ижодкорлиги, услубий маҳорати кўзга ташланиши лозим. Ўқитувчининг илғор педагогик ва новаторлик тажрибалари мана шу ердан бошланади.

Методологик таҳлил. Ушбу таҳлил мобайнида таълим йўналишидаги ҳукумат қарорлари, талаблар, давлат тили, миллий руҳ, маданиятнинг гўзал дурдоналари, шу соҳа бўйича буюк аллома ва олимларнинг қилган ишлари,

фикрлари, республикадаги охирги ўзгаришларнинг машғулот давомида фойдаланилиши асос қилиб олиниши мумкин.

Психологик таҳлил. Бу таҳлилда, аввало, талабаларнинг кайфияти, уларнинг соғлиги, жамоадаги соғлом муҳит, талабаларнинг хушёрлиги фанга бўлган қизиқишлари, дарс бераётган ўқитувчисига муносабати, Талабаларнинг ҳозиржавоблиги, сезгир ва топқирлиги, ҳароки, янги ва аввалги материалларни эсда сақлашлари, образли ва мантикий тафаккури, талабалар фантазияси, олдида турган масъулиятларига талабаларнинг иродали ёки иродасизлиги, улардаги билим, кўникма ва малакалар кўлами каби томонлар киради. Ўқитувчининг фавқулодда вужудга келган вазиятдан ўз обрўсини сақлаган ҳолда чиқа олиши, ўзини бошқара олиши ҳам инобатга олинади.

Педагогик таҳлил. Таҳлилнинг бу тури анча мураккаб ва масъулиятли бўлиб, ўқитувчининг ташқи қиёфаси, талабалар билан тил топа олиш маҳорати, маданияти, одоби билан биргаликда дарс жараёнида умуминсоний тарбиянинг таркибий қисмларини талабаларга бера олиши ва унинг нутқ маданияти ҳам назарда тутилади.

Машғулот мобайнида ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган миллий тарбия (экологик, иқтисодий, ахлоқий, жинсий, меҳнат, нафосат ва миллий ғояни сингдириш) элементлари қандай амалга оширилди?

Бу тарбия турларидан қай бирига айнан шу дарсда кўпроқ эътибор берилди?

Дарс тарбиявий таъсирининг самараси қандай бўлди?

Бу масалалар педагогик таҳлилнинг асосини ташкил этади. Шунини таъкидлаш керакки, ўқитувчининг маъноли нутқини ҳеч қачон бошқа қиёслаш (ёки алмаштириш) мумкин эмаслиги маълум.

Ўқитувчининг ҳамкорликдаги вазифаси таҳлили:

- талабаларни фикрлашга ўргатиши;
- аниқ фикр ва материалларни ўрганиб, мулоҳаза юритиш, фикр билдиришни таъминлаши;
- талабаларни изланишга, қидириб топишга ўргатиши;

- талабани ўзи мустақил фикрга эга бўла олиши.

Якуний таҳлил (ёки хулоса). Ўқитувчининг қандай мутахассис эканлиги бўйича фикрлар ва турли таклифлар, йўл-йўриқлар баён этилади.

Дарсни таҳлил этиш жараёнида, аввало, машғулот олиб бораётган ўқитувчи гапириши, сўнгра таҳлилда иштирок этувчилар гапириши мақсадга мувофиқ.

**Эслатма:** ўқитувчининг дарси ва унинг фаолиятига бир дарс таҳлили бўйича хулоса чиқариб бўлмайди. Унинг фаолиятига танқидий фикр бериш учун унинг турли шаклдаги бир неча дарсларини кузатиш керак.

Дарсни кузатувчилар анъанавий, ноанъанавий, ривожлантирувчи таълимнинг мақсади ва мазмунига қараб, дарсни таҳлил қилишларига қуйидаги қўшимча материаллар ёрдам бериши мумкин.

## **III БОБ. ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР**

### **3.1. Педагогик технология ва интерфаол услублар – давр талаби**

Режа:

1. Ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш
2. Дарс ва “Инновацион технологиялар” ўқув хонасининг кўринишлари

*“Эшитиб – унутаман, кўриб – ёдда тутаман, бажариб – тушунаман”.*

#### **Конфуций**

Замонавий педагогикада таълимнинг умумий шакллари (жамоавий, гуруҳ бўлиб, якка тартибда) ва ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш шакллари (дарс, фан, техника тўғараклари, ўқувчилар илмий уюшмалари, саёхатлар) фарқланади.

Таълимни ташкил этиш шакллари педагогик жараёни ташкил этишнинг тарихан мавжуд бўлган, барқарор ва мантиқан тугалланган кўриниши бўлиб, унга мунтазамлик ва яхлитлик, ўз-ўзини ривожлантириш, шахсийлик ва фаолиятли характер, иштирокчилар таркибининг доимийлиги, ўтказишнинг муайян тартиби мавжудлиги хосдир.

Дарснинг асосий таркибий элементларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчи элемент - ташкилий қисм;

иккинчи элемент - уйга берилган ёзма вазифаларни текшириш;

учинчи элемент - талабалар билимини оғзаки текшириш (ёки сўраш);

тўртинчи элемент - янги материални тушунтириш;

бешинчи элемент - янги материални мустаҳкамлаш;

олтинчи элемент - уйга вазифа бериш;

еттинчи элемент - дарсни уюшқоқлик билан якунлаш.

Дарснинг тузилишлари қуйидаги уч турда бўлиши мумкин:

Анъанавий дарс тузилиши: сўраш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш.

Замонавий дарс тузилиши: дидактик (асосий) ва мантиқий – психологик.

Замонавий дарс тузилишига қўшимча: мотивланган ва услубий.

А) Дидактик тузилиши:

1.Таянч (аввалги) билимларни ва ҳаракат усуллари фаоллаштириш.

2.Янги тушунча ва ҳаракат усуллари шакллантириш.

3.Билимларни қўллаш, билиш ва кўникмаларни шакллантириш (махсус такрорлаш ва мустаҳкамлаш).

Б) Дарснинг мантиқий-психологик тузилиши:

1.Маълум билимларни тиклаш ва идрок этиш.

2.Талабалар томонидан янги билимларни англаш ва тушуниш.

3.Билим элементлари ва ҳаракат усуллари умумлаштириш.

4. Билимлар ва янги ҳаракат усуллари намунадагидек ҳамда ўзгартирилган шароит вазиятларида қўллай олиш.

В) Дарсда излаш фаолият босқичлари:

1.Муаммоли вазиятни ташкил этиш ва муаммони қўя олиш.

2.Тахминлар фаразларни илгари суриш ва уларни асослаш.

3. Фаразларни исбот этиш

4. Муаммоларнинг тўғри ҳал этилганлигини текшириш.

5. Хулосаларни шакллантириш.

6. Билимларни нотаниш (ностандарт) вазиятларда қўллаш

Г) Дарснинг мотивланган тузилиши:

1. Талабаларнинг диққатини ташкил этиш ва бошқариш.

2. Фаолият мазмунини шарҳлаш (изоҳлаш).

3. Мотивланган ҳолатларни фаоллаштириш

4. Талабалар билан ҳамкорликда дарснинг мақсадини белгилаш.

5. Мақсадга эришишда ютуқли вазиятларни вужудга келтириш.

6. Талабаларнинг ҳаракатларида ижобий ҳис-туйғулар ва ўзига ишончни қўллаб-қувватлаш

Д) Ўқув фаолияти тузилиши:

Ўқув фаолияти = талаб + мотив + ўқув ҳаракатлари + ўзини-ўзи назорат  
+ ўзини-ўзи баҳолаш

Е) Дарслар типологияси:

1-тип - янги материални ўрганиш дарси.

2-тип - билимлар, кўникмаларни қўллаш ва мукаммаллаштириш.

3-тип - билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш.

4-тип - билимлар ва кўникмаларни тартибга солиш ва назорат қилиш.

5-тип - аралаш дарс.

Муаммолилик тамойилига асосан дарслар муаммоли ва муаммоли бўлмаган дарсларга бўлинади.

Дарс ва “Инновацион технологиялар” ўқув хонасининг кўринишлари.  
Дарснинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: суҳбат дарс, лаборатория иши, синов, кинодарс, компьютер машғулоти

Ностандарт (стандарт бўлмаган) дарслар:

1. Мусобақа ва ўйин шаклидаги дарслар: танлов, турнир, эстафета, дуэль, тадбирли ўйин, ролли ўйин, кроссворд, викторина

2. Ижтимоий амалиётда маълум бўлмаган иш шакллари, жанрлари ва услубларига асосланган дарслар: тадқиқ этиш, ихтирочилик, бирламчи манбалар таҳлили, шарҳ, “Ақлий ҳужум”, интервью, репортаж, тақриз

3. Мулоқотнинг оғзаки шаклини эслатувчи дарслар: матбуот анжумани аукцион, бенефис, митинг, вақти чегараланган мунозара панорама, телекўприк, билдирги, мулоқот, “жонли газета”, оғзаки журнал.

4. Ўқув материални ноанъанавий ташкил этишга асосланган дарслар донолик дарслари, очик тан олиш, “дублер ҳаракат бошлайди” дарси

5. Хаёлийлашган дарслар: эртак дарс, совға дарс, XXI аср дарси

6. Муассаса ва ташкилотлар фаолиятига ўхшаш асосланган дарслар: суд, тергов, трибунал, патент бюроси, илмий кенгаш, муҳаррирлар кенгаш.

“Инновацион технологиялар” ўқув хонасининг кўринишлари. Таълим муассасаларида инновацион технологиялардан, интерфаол услублардан,

шунингдек, ахборот технологияларидан фойдаланиб, ноанъанавий дарслар ташкил этишда ёки “Педагогик технологиялар” курси таълимида, гуруҳни ўқитиш учун мўлжалланган ўқув хона (аудитория ёки синф)лари жихозларини, айниқса, хонадаги столларни, магнитли доскасини ва стулларни жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, хонадаги жихозларнинг жойлашган тартиблари, ўтказилаётган машғулотларнинг шакли (яккама-якка, кичик гуруҳларга ажратган, гуруҳийлиги)га, характери ва фойдаланилаётган ўқитиш технологияси (ёки услуги)га мос равишда ўзгартирилиш имкониятлари бўлмоғи керак.

### **3.2. Ўқув жарёнини лойиҳалаш**

Режа:

1. Ўқитувчи ва унинг интеллектуал фаоллиги
2. Дарсни ишлаб чиқиш-тегишли материални ўзлаштиришнинг энг самарали усул ва воситалари

Ўқитувчининг педагогик маҳоратида ўқув жарёнини лойиҳалашнинг ўрни муҳим. Ўқув жарёни - шундай марказки, ўқитувчининг ҳар бир тафаккури ва ҳаракатлари шу марказ атрофида айланиб, яна унга қайтиб келади. Ҳар бир дарс ўқитиш жараёнига ўзининг, фақат унга хос бўлган ҳиссасини қўшади.

Замонавий дарс фақат ўқитишнинг метод ва шакллари билан чекланиб қолмай, балки таълим–тарбия, ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш, ўқитувчи ва талаба фаолиятида биргаликдаги ўзаро боғлиқлигини рўёбга чиқаришни талаб қилади.

Дарс, ўқитувчидан ижодий педагогик тафаккур, педагогик маҳоратни талаб қилади. Ўқитувчининг ўқитиш воситалари унинг ижодкорлигига, кўп қиррали билимига, талабаларни севиш, фаолиятига асосланади. Дарс беришда ўқитувчининг муваффақияти унинг назарий ва касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи шу предметга қарашли, психологик-педагогик, методик адабиётларни, журнал ва газеталарни мунтазам равишда ўқиб бориши, бадиий адабиётдан, ҳар хил кинофильмлардан фойдаланиш керак. Дарс бериш жараёнида воситалар ҳар хил бўлиши мумкин. Бу ўқитувчининг ихтисослигига, унинг қизиқувчанлигига, эҳтиёжларига, интеллектуал фаоллигига боғлиқ. Албатта, бунда ўрганилаётган материал мазмунини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Дарс бир нечта омиллардан иборат. Шуларнинг асосийси - давлат дастурлари томонидан қабул қилинган материал, ўқитувчи ўқув дастурининг асосий йўналишларини билиши керак. Ҳар бир дарсда 3та масалага эътибор қаратиши керак. Булар:

1. Тарбиявий масалалар – талабаларнинг бўлаётган ҳодисаларга, атрофга бўлган дунёқарашини шакллантиради. Уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳини тарбиялайди.

2. Илмий салоҳиятини оширадиган масалалар - ўз ичига талабаларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришини олади.

3. Билиш масалалари-талабаларда ўрганилаётган материаллардан асосийсини, муҳим жойларини ажрата олиш қобилиятини, ўқув фаолиятида ва фикрлашда мустақил бўлишни, ўқишда қийинчиликларни енгишини шакллантириш.

Тажрибали ўқитувчилар томонидан талабаларнинг дарсдаги муҳим, керакли жойлари қайсилигини, қайси жойини эслаб қолиш, қайси жойидан шунчаки хабардор бўлиши кераклиги аниқланади.

Ўқитувчи томонидан дарс ишлаб чиқилади, яъни ўқитувчи дарснинг муаллифи. Дарснинг қандай бўлиши унинг ижодкорлигига ва маҳоратига боғлиқ. Аввало, дарснинг ижодий режаси тузилади. Режа ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ўқув дастуридан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу материалининг мазмунини чуқур билиш;

- ҳар бир мавзунинг ҳозирги замонга, талабаларнинг ёшига мос бўлиши;

- ўқитувчининг ҳаётий ва иш тажрибага, маънавий ҳолатига мос бўлиши;

- ўрганилаётган мавзунинг олдинги ўтилган, кейин ўтилиши керак бўлган мавзуларга мос келиши;

- ҳар бир мавзунинг талабалар психологияга мослашиш мақсадга мувофиқдир.

Дарс жараёнини ўқитувчи ташкил этар экан, у ўрганишнинг самарадорлигига, талабанинг таълимни субъектига айлантиришга, талабалар ҳам шу дарснинг ҳам муаллифлигига айлантиришга интилади.

Дарсни ишлаб чиқиш-тегишли материални ўзлаштиришнинг энг самарали усул ва воситалари. Дарсни ишлаб чиқиш-тегишли материални ўзлаштиришнинг энг самарали усул ва воситаларни танлаш демакдир.

Шуни таъкидлаш керакки, дарсни ишлаб чиқишда ўрганилаётган материал ўзлаштиришнинг методик усулларни танлаш-биринчи ўринда туриш керак, кейин эса унинг бошқа компонентлари: уй вазифани текшириш, мустаҳкамлаш методларига амал қилиш керак.

Дарс режасини тузиш жуда муҳимдир. Ҳаттоки, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар ҳам, янги, энди ишга тушган ўқитувчилар ҳам ҳар бир дарсликларни кўриб чиқишни канда қилмасликлари керак. Бу албатта, ўқитувчининг ўзига фойда беради талабаларнинг билиш фаолиятини бошқаришда ўқитувчининг маҳорати, ақлий фаолиятини бошқариш, дарсда билиш фаолиятини бошқариш маҳорати кўпгина факторларга боғлиқ. Шуларнинг энг асосийси, ўқитувчининг ўз предметини талабаларга қизиқарли қилиб кўрсата олиш қобилияти. Чунки қизиқиш кўпгина, масалан: англаш, хотира, диққат, фикрлаш, ирода каби психик жараён ва функцияларга боғлиқ.

Талабаларнинг ўқишга қизиқишини вужудга келтириб, уни ривожлантиришда ўқитувчи қуйидаги асосий ҳолатларга эътибор бериши керак.

Талабаларда ўрганилаётган предметга қизиқишини, уни яхши кўришини шакллантиришига, изланувчанликка, янги билимларни «очишга», муаммоли характердан масалаларни ечишга жалб қилиши муҳимдир. Шундай экан, ўқитиш турли-туман бўлганда қизиқ бўлади. Бир хил ахборот ва фаолиятнинг бир хил усуллари тезгина зериктириб юборади.

Ўқитилаётган предметга қизиқишни орттириш учун, унинг умуман ёки алоҳида бўлимларда керакли, муҳимлиги, мақсадга мувофиқлигини аниқлаш керак. Янги материал қанчалик олдинги материал билан боғлиқ бўлса, у шунчалик қизиқарлироқ бўлади. Унчалик осон ёки унчалик қийин бўлмаган материал қизиқиш уйғотмайди. Ўқитиш қийин, лекин уддалаш мумкин бўладиган бўлиши керак.

Талаба ишини қанчалик тез текширилиб ва баҳолаб турилса, талаба учун ишлаш шунчалик қизиқарли бўлади. Ўқув материалининг ёрқин бўлиши талабаларда қизиқиш уйғотади.

Тажрибали ўқитувчилар ўқитиш усуллари танлашда ижодий ва катта масъулият билан ёндашадилар. Агар гуруҳ билан ишлаш жараёнида бир хил методлардан фойдаланилган бўлса, тарбиялаш жараёнида ижодкорликнинг асари ҳам қолмайди.

Ўқитувчи ўқитиш жараёнида ҳар хил қизиқарли воситалар, ўйинлардан, масалалардан, мисоллардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитишда ҳамма нарса ҳам қизиқ бўлавермайди. Шунинг учун ўқитувчи талабаларда ирода, қатъиятликни шакллантириши керак.

Дарсдаги иши формаларининг турли-туманлиги. Тажрибали ўқитувчилар асосий эътиборини маъруза, семинар, мунозара,

конференция, экскурсия, мустақил иш, конкурс–дарсларни ўтишга қаратади. Педагогнинг маҳорати шундай турлардан дарс жараёнида фойдалана олиш техникасида ҳам намоён бўлади.

### **3.3. Интерфаол таълим**

Режа:

1. Интерфаол таълимнинг мазмуни ва самарадорлиги
2. Ўқув жараёнида мавзуни шахс тамонидан қабул қилиниш усуллари

Таълимда ўқитишнинг турларига, турли даражали, модул тизимли, масофали таълим, андрагогика, информал таълим, расмий таълим, норасмий таълимлар деб таъкидлаб, шундан интерфаол таълимга батафсил тўхталиб ўтамиз. Интерфаол методи талабаларда муаммоларни аниқлаш қобилияти, когнитив кўникмаларини ва малакаларини ривожлантириш, мавжуд манбалардан ва имкониятлардан фойдаланиб, муаммонинг ечимини шакллантиришга йўналтирилган.

Педагогик жараённинг самарали ва натижали бўлишини таъминлайдиган интерфаол услублардир. Интерфаол таълим тушунчасига тўхталайдиган бўлсак, “интерфаол” – инглизча сўз бўлиб “inter” – “ўзаро” ва “act” – “ҳаракат қилмоқ”, улар умумлаштирилганда эса, “Интерфаол” – “ўзаро ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади. Interaction – ҳамкорликни (бошқалар билан) билдиради. Ўзаро ҳаракат турлари: ўқитувчи – талаба; талаба- талаба; ўқитувчи - талабалар; талабалар - талабалар; талабалар – ўқитувчи. Ўқитишнинг интерфаол услублари қуйидагиларга;

1. КОГНИТИВ (cognito – латинча сўз бўлиб, “билим”, “билиш” маъносини англатади) – энг аввало, талабаларнинг тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган, у ёки бу шаклда жамоа муҳокамасини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган услубдир.

2. ЭКСПЕРИМЕНТАЛ талабаларнинг “жонли”, шахсий тажриба орттиришларига йўналтирилган.

3. РОЛЛИ ЎЙИНЛАР, МОДЕЛЛАШТИРИШ ҳаётий вазиятларни моделлаштириш ҳамда маълум ролларни ижро этиш орқали уларни синаб кўришга йўналтирилган (услуб жамоа тафаккури, муҳокама билан боғлиқ, аммо муҳокама ролли ўйин таҳлили асосида олиб борилади).

4. ФАСИЛИТАЦИЯ (инглизча *facilitates* - осонлаштириш) – гуруҳ ишини ташкил этиш, кўпинча аниқ, ҳақиқий, амалий топшириқлар билан боғлиқ, аниқ қарор қабул қилиш бўйича муҳокама, фаолиятнинг ҳақиқий режасини ишлаб чиқиш, ҳақиқий, можароли манфаатларни мувофиқлаштиришга мўлжалланган.

Ўқув жараёнини самарали ташкил этиш қуйидагиларга боғлиқдир

- ▶ Кўрмоқ
- ▶ Билмоқ
- ▶ Машқ қилмоқ
- ▶ Такмиллашмоқ
- ▶ Қўлламоқ

Ўқув жараёнида мавзуни шахс тамонидан қабул қилиниш филтрлари.

Ўқув жараёнида мавзуни шахс тамонидан қабул қилиниш воситалари – кўриш, эшитиш, ҳис-туйғудир. Қабул қилишнинг энг муҳим филтрлари ҳисобланади.

Визуал – кўриш орқали қабул қилинадиган ахборот (образлар, расм, фильм).

Аудил – эшитиш орқали қабул қилинадиган ахборот (нутқ, шамолнинг ҳуштаги, томчилаётган сув, оҳанг, тембр, овоз баландлиги).

Кинестетик (грекча “*kines*” – “ҳаракат”) – ҳис қилиш орқали қабул қилинадиган ахборот (ҳид, таъм).

Ақлий ҳужум - бевосита жамоа бўлиб “фикрлар ҳужуми”ни олиб бориш. Бу услубдан мақсад-мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айти бир хил фикрлашдан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишдир.

Брейнсторминг – бу атама инглизча сўз бўлиб, икки тушунчадан иборат: brain – мия, storming – ҳужум, бўрон, каттиқ ҳаяжон. Услугбининг “мияни ҳаяжонга солиш” деб юритилиши, унинг асл моҳиятини очиб беради, лекин баъзида уни “жамовий ижодий фикрлаш” деб ҳам тушунса бўлади. Рус тилида “Мозговая атака” услуги, ўзбек тилида “Ақлий ҳужум” ёки “Фикрлар ҳужуми” услуги дейилиши, унинг асл моҳиятини сақлашга ёрдам беради.

Бу услуб 15 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳларда ўтказилади. Асосий тамойил: эркин мулоқат-мунозара жараёнида берилган мавзу асосида янги наворлик ғоя, фикрлар тўпланади. Айтилган ғоя, фикрларнинг сифатига эмас, уларнинг қанчалик кўплигига эътибор қаратилади.

Айтилган ғоя, фикрлар муҳокама ҳам, танқид ҳам қилинмайди. Мунозара эркин ва ўзаро самимий муносабат ҳолатида ўтказилади. Тўпланган ғоя, фикрлар асосида тузилган умумий ғоя, фикрларнинг қай даражада муҳимлиги, муаммо ёки мавзу билан яхши таниш бўлган мутахассис-экспертлар томонидан баҳоланади.

Ушбу жараёнда ўқитувчининг асосий вазифаси - имкон борича ҳар бир айтилган ғоя, фикрни тўплаб боришдан иборат.

### **3.4. “Баҳслашув” интерфаол услуги**

Режа:

1. Таълим жараёнида “Баҳслашув” интерфаол услубининг аҳамияти
2. Ўтказиладиган баҳсларнинг мавзуларини тузиш

Талабаларнинг ўқув гуруҳларида уларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилаш, бир-бирларига тезлик билан кўникишлари ёки ўзаро бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишлари учун баъзида улар ўртасида баҳслар ташкил этиб туриш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай баҳслар талабаларни ўз фикрларини чархлаб олишга, ҳаётга ва турли муаммоларга бўлган муносабатларини аниқлаб олишга катта ёрдам беради. Баҳс

мавзуларини талабаларнинг ўзлари танлашлари ва таклиф этишлари мумкин. Бу мавзулар уларни баҳсга чорловчи, муаммоли, қизиқарли бўлиши керак, акс ҳолда баҳс давомида талабалар ўз фикларини баён эта олмайдилар ёки баҳсга қўшилиб ўз фикрларини исботлаб, ҳимоя қила олмайдилар.

Баҳслар талабаларни баъзи янглиш фикрларга қарши кўрашишга ўргатади, атрофдаги бўлаётган воқеаларни тушунган ҳолда тўғри шарҳлашга, ўз фикрларида туришга, ноўрин фикрларга ўз вақтида қаршилиқ кўрсатишга ҳамда ҳар бир фикрни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаб олишга, шу билан бир каторда ўртоқлари билан суҳбат қилиш, баҳслашиш, ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш, таъсир эта олиш маданиятига ўргатади. Баҳсларни самарали ўтиши, албатта, уларнинг олдиндан қандай тайёрланганлигига боғлиқ. Биз қуйида баҳсларга тайёргарлик кўришда эътибор қаратилиши керак баъзи бир босқичларни ажратиб кўрсатмоқчимиз: баҳс мавзусини танлаш ва уни тасдиқлаб олиш; тарбиявий вазифаларни аниқлаб олиш; олдиндан баҳс мавзусини эълон қилиш ва баҳс давомида муҳокама қилинадиган саволларни белгилаб қўйиш; талабаларни баҳс давомида муҳокама қиладиган саволларини тўлароқ ёритишга ёрдам берадиган қўшимча материалларни тўплаш; баҳсни ўтказиш учун масъул ва бошловчиларни тайинлаш; баҳс ўтказиладиган жойни жиҳозлаш; баҳслашиш қоидаларини рангли, кўргазмали этиб тайёрлаш.

Баҳс қатнашчилари баҳсни ўтказиш ва унда ўзларини тута билиш, бошқара олиш тўғрисидаги қоидалар билан олдиндан ёки баҳс мобайнида танишиб олишлари керак. Улар қуйидагича бўлиши мумкин: баҳслашишдан аввал нима демоқчи бўлганини яхшилаб ўйлаб олиш; гапираётганда фикрларни аниқ, содда мантиқан ва кетма-кетлик билан баён қилиш; фақат хаяжонга солаётган, ишончи комил бўлган фикрларни баён этишга ҳаракат қилиш, билмаган, ишонмаган фикрлар билан баҳслашмаслик; кимнингдир фикрига қўшилмаса, уни фикрини масхараламай, унинг устидан кулмай, хатосини айтмай ҳақгўйлик билан баҳслашиш; айтилган фикрларни иккиичи бор қайтармасдан, янги фикр бўлсагина ўша фикрни баён этиш; баҳслашув вақтида қўлларни ҳар томонга ўйнатмасдан, овозни баландлатмасдан,

бақирмасдан гапириш. Агар бошқаларни ўз фикрингга ишонтирмоқчи бўлсанг, уларни сенинг фикрингга қўшилишларини истасанг, унда сен ўз фикрингнинг исботига, албатта, аниқ далиллар, мисоллар келтириш; баҳслашаётган суҳбатдошни ҳурмат қилиш, уни хафа қилмаслик, унинг шахсига тегадиган гапларни, қилиқларни қилмасликка ҳаракат қилиш. Агар шундай қилинса, баҳслашувда фақат кучли эканлигини кўрсатибгина қолмай, балки маданиятли эканлигини ҳам кўрсатган бўлади.

Юқорида кўрсатилган қоидалар чиройли ва рангли қилиб безатилган ҳолда узоқдан кўринадиган қилиб ёзилиб, баҳс ўтадиган жойга олдиндан илиб қўйилади ёки шунга ўхшаш қоидаларни баҳсни бошлашдан олдин баҳс иштирокчилари билан биргаликда уларнинг берган таклифлари асосида тузиб, шу ернинг ўзида қоғозга (хона тахтасига, бирон тахтага) ёзиб қўйиш мумкин.

Баҳс ўтаётган жойни жиҳозлаш ва безашда буюк педагог олимлар, мутафаккир ва донишмандлар фикрларини ёзиб, кўринарли жойга илиб қўйиш мумкин. Масалан:

“Қоидани унутма: Маънодан узоқ кетма, гапни чўзма, оз гапир - кенг маъноли, соз гапир”.

Баҳсда муҳокама қилинадиган саволлар, муаммолар талабаларни ҳаяжонлантирадиган, куюнтирадиган, замонавий, уларнинг ҳаёт тарзига тегишли бўлгани маъқул. Шунда, таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотларида ва бошқа жойларда гапиришдан кўрқадиган, уяладиган талабалар мана шундай баҳслар давомида бемалол ўз фикрларини баён эта олишлари мумкин.

Таълим муассасаларида кечки пайт ўқишдан бўш вақтларда ётоқхонадаги “Маънавият ва маърифат” хонасида ёки бирон кичик талабалар чойхонасида, қолаверса, агар имкони бўлса гулхан атрофида ҳам баҳслар ўтказса бўлади. Очик табиат қўйнида гулхан атрофидаги давраларда талабаларнинг эркин ҳолдаги баҳслари қизиқарлироқ ҳамда ишончлироқ ўтади. Бундай пайтларда талабалар ўзларини жуда эркин ҳис этадилар ва ўз

фикрларини бемалол тортинмасдан, қийналмасдан айта оладилар. Гулхан атрофидаги бундай баҳсларни бир неча гуруҳлар билан ўтказиш мумкин.

Ўтказиладиган баҳсларнинг мавзуларини тузишга талабаларнинг ўзлари, уларнинг ҳаётий тажриба (ёки ёшлар ҳаётидаги муаммолар, турли болалар ва ёшлар ҳақидаги асарлар, газета ва журналлардаги мақола)лари ёрдам бериши мумкин. Биз қуйида баҳслар учун баъзи бир мавзуларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

- Ҳозирги замон комил инсони деб кимни айтса бўлади?
- Маданиятли инсон деб кимни айтса бўлади?
- Сен қандай яшаяпсан? Ҳаётинг қизиқарлими?
- Ҳақиқий дўст қандай бўлиши керак?
- Менинг характерим шундай...
- Бепарволик қаердан келиб чиқади?
- Мода ва мен.
- Бепул нарсанинг баҳоси қанча?
- Нима савоб-у, нима гуноҳ?

Баҳсларни ўтказиш учун талабалардан битта ёки иккита баҳс бошқарувчиси белгиланади, улар баҳсни муҳокама қилиниши керак бўлган мавзу ҳақидаги кириш сўзи билан бошлайдилар. Баҳс давомида эса бошқарувчилар баҳслашувчилар, сўзга чиқувчиларнинг билдираётган фикрларини диққат билан эшитиб, фикрлар тўқнашувини ўз вақтида очиб борадилар ҳамда умумий хулоса қилишга ҳаракат қиладилар. Баҳсни олиб борувчиларни танлаш ва уларни тайёрлашда ўқитувчиларнинг хизматлари катта. Баҳсни талабалардан танланган бошқарувчилар олиб борсада, лекин ўқитувчилар баҳс давомида уларга ёрдам беришга тайёр туришлари керак, чунки баҳс давомида турли вазиятлар, қийинчиликлар туғилиши мумкин. Одатда баҳслар ўқитувчилар томонидан муҳокама этилган ёки ечилган муаммоларни умумлаштириш ҳамда бирор керакли тавсиялар бериш ва келгусида ўтказиладиган баҳслар мавзусини аниқлаш билан тугалланади.

Баҳсларнинг самарали ўтиши танланган мавзуни муҳокама қилиш учун олдиндан тайёрланган саволларга боғлиқдир. Баъзи бир мавзудаги баҳсларни ўтказиш учун тахминий саволларни келтирамиз:

Мавзу: Маданиятли инсон деб кимни айтса бўлади?

Саволлар:

- ➡ Инсон маданияти нималардан ташкил топади?
- ➡ Маданиятли инсонга тегишли қуйидаги фазилатлардан қайси бирини биринчи ўринга қўйган бўлар эдингиз (хушмуомалалик, топқирлик, маълумотлилик, нотиклик)?
- ➡ Барча маълумотли инсонларни маданиятли деб атаса бўладими?
- ➡ Инсонларнинг сўзлашуви, нутқига қараб, уларнинг маданиятли эканликларини аниқласа бўладими?
- ➡ Мадамиятли бўлиш учун ними қилиш керак?
- ➡ Кимларни маданиятли деса бўлади?
- ➡ Сиз ўзингизни маданиятли ҳисоблайсизми?

Мавзу: Менинг характерим шундай...

Саволлар:

- ➡ Характерли ва характерсиз – нима дегани?
- ➡ Нима учун характерни тарбиялаш керак? Умуман тарбиялаш керакми?
- ➡ Характерни тузатса бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак?
- ➡ Инсон характерига у яшаётган, ўқиётган жамоанинг таъсири бўлиши мумкинми? Бўлса қандай?
- ➡ “Яхши”, “ёмон” характер. Буни сиз қандай тушунасиш?

Мавзу: Бепул нарсанинг баҳоси қанча?

Саволлар:

- ➡ “Бепул нарса”, сиз бу иборани қандай тушунасиш?
- ➡ Сиз учун бепул бўлган нарсаларнинг баҳоси борми? Бор бўлса қандай? Мисоллар келтиринг (ўқиш жойингиздан, уйдан ва бошқалардан).

- Бепул нарсани асраш - авайлаш керакми? Нима учун?
- Нима кўпроқ бепул ҳисобланади “Меники”ми ёки “Бизники”?
- Сиз ўқиётган ўқув даргоҳи ўз баҳосига эгами? Сизнинг фикрингизча, у қанча туради? Бу ерда сиз бепул фойдаланаётган нарсалар: спорт жиҳозлари, кутубхона, компьютерлар ўз қийматига эгами?
- Агар ҳамма сиз учун яратилган шароитдаги бепул нарсалар ўз қийматига эга бўлса, сиз уларни қандай асраган бўлардингиз?

## **IV БОБ. ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА СЕМИНАР ЎТКАЗИШНИНГ УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАРИ**

### **4.1. Таълим муассасаларида ўқув семинарларини тайёрлашнинг самарадорлиги**

Режа:

1. Таълим муассасаларида ўқув семинарини тайёрлаш ва ўтказиш
1. Талабаларни топшириқ билан таништириш услуги

Олий педагогик аълим муассасалари ўқитувчилари ва тарбиячилари учун тренинг машғулотларини ўтказиш бўйича бериладиган услубий тавсиялар педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилган, яъни натижаларга оддий ўқитиш йўли билан эмас, балки машқлар, тренинглар йўли билан ўргатиш орқали эришиш кузда тутилган. Тарбиячилар машқда ўрганган технологиялардан ва қўшимча материаллардан ўзларининг амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Баён қилинадиган услубий тавсияларда таълим муассасалари тарбиячиларини тарбиявий ишларга жалб этиш, уларни таълим муассасаси фаолиятига тайёрлаш, тренингларни ташкил қилиш ва ўтказиш, тренерлар тайёрлаш ва тренингларни ўтказиш бўйинча маслаҳатлар, шунингдек уларга қўйиладиган талаблар ўз аксини топган. Тез ва самарали ўқитиш курси дастурида ҳар бир тренинг мақсади, мазмуни, кутиладиган натижалар, тренингни ўтказиш босқичлари ва тузилиши очиб берилади. Ҳар бир тренингни ўтказиш услуги турлича ва унинг самараси тренернинг машғулотни ўтказишга аввалдан тайёргарлигига ва мазкур қўлланмадаги тавсияларни яхшилаб ўзлаштирганлигига боғлиқ бўлади.

1. Таълим муассасаларида ўқув семинарини тайёрлаш ва ўтказиш.

Ўқув семинарини ташкил этишда ва ўтказишда унинг ташкилотчилари ва тренерлари ўз фаолиятларини бир неча кун (ёки ҳафта) олдин тайёргарлик ишларидан бошлашлари лозим. Қуйида тренер-тарбиячининг ўқув жараёнини

ташкил этиш олдидан зарурий тайёргарлик ишларини амалга ошириш йўллари кетирилади. Ўқув жараёнига тайёргарлик: ўқув-семинар вазифаларини аниқлаш; талабалар учун рағбатлантирувчи омилларни ва унга қўйилган талабларни аниқлаш; имконият ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда, талабалар учун қулай ўқув вақтини режалаштириш; ўқиш ўтказиладиган жойни тайёрлаш ва зарурий жиҳозлар билан таъминлаш; баҳолаш варақаларини тайёрлаш; ўқишдан кутилган натижаларни аниқлаш; фаолият турларини ва ўқув жадвалини тайёрлаш; ўқув жараёни учун зарур бўлган материалларни топиш ва тайёрлаш (ватман, экран, магнитли хона тахтаси, проектор, магнитофон, видеоматериаллар, фломастерлар, маркерлар ва ҳоказо).

Тарқатма материалларни тайёрлаш (дафтар, блокнот, девонхона ашёлари, ишчи қоғозлар, қаламлар, ўчирғичлар): режалаштирилган мавзу ва кутилган натижаларнинг мос келиши; талабаларнинг кейинчалик ҳам тренинг машғулотларида фойдалана олишлари учун зарур бўладиган материалларни тайёрлаш ва киритиш; барча талабалар учун етарли миқдорда материалларни тайёрлаш; барча талабаларнинг исми, фамилияси, манзили кўрсатилган рўйхат ёки зарур буйруқни тайёрлаш керак.

Материаллар ва асбоб-ускуналар: ватман ва экран; маркерлар, фломастерлар ва бўр; ручкалар ва қаламлар; қайчилар ва елим ёпиштиргич; қоғоз ва қистиргич; тарқатма материаллар, китоб ва услубий материалларни намоиш этиш учун мослама, флипчарт; магнитофон (кассеталар), видеоматериаллар; видеомагнитофон (телевизор), проектор, слайдлар.

Ташкилий масалалар: семинар машғулотлари ўтказиладиган жойнинг ўқувчилар жойлашишига етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиш; хонада талабаларнинг ҳамма нарсани яхши кўра олиши, эркин ҳаракат қилиши ва қатнашишлари учун шароит яратиш, хона ичидаги нарсаларнинг машғулот ўтказиш учун ҳалақит бермаслигини текшириш; хона ичида ва ташқарисида шовқин даражасини текшириш; асбоб-ускуналарнинг ишлашини текшириш: товуш тизими, экран ва ҳоказо.

Ўқиш жадвали: кириш (талабаларни ўзаро таништириш); танаффусларга мос вақт; тушлик вақти; барча хоналарнинг жойлашуви билан танишиш; машғулотлар вақти; баҳолаш вақти.

Ўқишга бир кун қолганда: ёрдамчи-тренерларни машғулотга тайёргарлигини яна бир бор текшириш; дафтар, тарқатма материаллар, қоғоз ва бошқа материалларни текшириш; тарқатма ва бошқа материалларни мажмуалаш; хона ва асбоб-ускуналарнинг тайёрлигини, узатгич симлар, керакли техникавий воситалар созлигини текшириш.

Ўқиш куни: хона ҳароратини текшириш; материаллар турларини ташкил қилиш ва тайёрлигини текшириш; товуш тизимининг ишлашини текшириш.

Ўқишдан кейин: ўтказилган тренинглар бўйича ўқув-семинар талабаларнинг якуний фикрларини билиш учун сўровнома ўтказиш; ўқув-семинар талабаларнинг кейинги фаолият режасини тузиш; ўқув семестри даврида мониторинг ўтказилишини ташкил этиш.

Тренер тарбиячининг фаолияти ва унинг касбий имиджи. Тренерлар ҳақида гап юритилганда, доимо тренингда берилаётган материал муҳимми ёки тренерми? каби баҳсли савол туғилади. “Сценарий муҳимми ёки актёрми?” деган саволга жавоб бериш каби, бу саволга ҳам жавоб бериш қийин. Лекин, агар материал ҳам, тренер ҳам юқори даражада бўлса, ўқитиш, албатта, муваффақиятли бўлиши муқаррар.

Тренернинг вазифаси. Тренер - талабалар учун бир неча ёки барча ўқув тренингларни режалаштирувчи ва амалга оширувчи экспертдир. У бир вақтнинг ўзида барча “муסיқачиларнинг кузатувчиси, ансамбль йўналиши ва назоратини қўллаб-қувватловчиси” оркестр раҳбаридир.

Тренер бутун ўқув жараёни мобайнида бирданига жараённинг қуйидаги 10 та йўналиши мавжудлигини назарда тутиши керак:

1. Бу ерда шу пайтгача айтилиб бўлган нарсалар.
2. Айтилганлар орасида алоқа борми?
3. Бу алоқа енгил ва мазмунли бўлиши керак.
4. Ҳар бир тренингнинг бош ғояси қандай?

5. Янгиликни аудитория қандай қабул қилади: янгиликни тушунади, давом эттириши мумкин; агар кўп нарсалар тушунарсиз бўлса, тушунтириш учун қандай услублардан фойдаланиш мумкин: саволларми? Буйруқ учун машқларми? Тренер томонидан келтирилган мисоллар кўплигими? Ғоя ва фикрларни тасдиқловчи кўргазмали, ранглар билан безатилган плакат ва расмларми?

6. Муҳокама қилаётган асосий ғояни таъкидлаш учун қайси услуб самарали ва кейинги мавзулар учун қайсиниси кўпроқ тўғри келади? Услубларни мўлжалланган натижага олиб келадиган ва турли-туман танлаш лозим.

7. Тренинг давомида иштирокчиларнинг қизиқишини ҳисобга олиш (улар визуал, оғзаки ёки экспериментал бўлиши мумкин).

8. Белгиланган вақт чегараларига амал қилиш.

9. Машғулот иштирокчиларига яратилган қулайликлар.

10. У режанинг қайси босқичида турибди? (танаффус яқинми, барча қўйилган вазифалар бажарилдими?). Ундан ташқари, тренерлар бу вазифаларни қачон биттасидан иккинчисига ўтишлари ва қачон бирданига бажариш кераклигини билишлари лозим.

Тренер - тарбиячининг фаолияти қуйидагилар билан белгиланади: Семинарни ўтказиш тартиби ва дарс жадвалини тайёрлаш (жадвал); Танланган мавзу бўйича гуруҳ билан муҳокама қилишни олдиндан лойиҳалаб олиш; Тушуниш қийин бўлган мавзу, тушунчалар, атамаларни қайтадан тушунтириш; Якуний мулоҳаза қилиш; Қўллаб-қуватлаш ва барча талабаларга руҳий куч-қувват бериш; Инсонларни ва уларнинг ғояларини қабул қилиш; Ҳамма ғояларни ўрганиб чиқиш; Ҳар бир талабага етарли шароитни яратиш; Гуруҳ жараёни бўйича қарор қабул қилиш, фикр билдириш; Ҳамиша ижодий кайфиятда бўлиш; Гуруҳ қабул қилган қарорни таққослаш ва қарорни тўғри тузишга ёрдамлашиш; Гуруҳ томонидан қабул қилинган қоидаларни тартибга солишга кўмаклашиш; Гуруҳ қўйилган мақсаддан четга чиқиб кетган ҳолларда, вазиятни қайтадан тушунтириш; Тренер-тарбиячининг вазифаси

гуруҳни аниқ бир фикрга келтириш, аниқ хулоса чиқариб, муҳокамага эришиш; Тренер-тарбиячи - гуруҳ аъзоларининг ўзаро фикр алмашишлари ва ўқитиш жараёни самарадорлигини оширишнинг ташкилотчисидир; Тренер-тарбиячи барча гуруҳлар ишининг самарадорлигига жавобгардир, у бирон-бир гуруҳга ёки яқка шахсга ён босмаслиги лозим; Тренер-тарбиячи ҳар бир муҳокама жараёнида муаллақ ҳолатда бўлиши керак ҳамда ўзининг фикрини ўтказишга ҳаракат қилмаслиги лозим.

Шундай қилиб, тренер-тарбиячи фаолиятининг асосий мазмуни — ўқув-семинар тренингада мақсадга эришиш учун берилган аниқ топшириқ атрофида гуруҳ аъзоларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишдан иборат.

Фойдали маслаҳатлар (ёндашув): Ҳар бир кишининг бирон фойдали фикр қўша олишига ишонч ҳосил қилиш; Ҳар бир гуруҳ ўз муаммосини ўзи ҳал қила олишига ишонч ҳосил қилиш; Ҳамма талабаларнинг қизиқишларини ва уларини ҳурмат қилиш; Ёнг муҳими, жараённинг ўзи эканлигига ишонч ҳосил қилиш.

Зарарли ёндашувлар: Кишилар ва уларнинг қарашларини танқид қилиш; Гуруҳ билан келишмасдан туриб, хулоса чиқариш; Гуруҳ хоҳишига қарши уларни бирон ишни бажаришга мажбур қилиш; Ўзини жуда кўп гапириши; Гуруҳни ўзи хулоса чиқаришига ундаш.

Тренер-тарбиячи бажариши зарур бўлган вазифалар: Эшитиш ва тинглай олиш; Кучли ҳис-ҳаяжонни бошқара олиш; Гуруҳни ўзаро келишишига олиб келиш; Гуруҳни қўйилган мақсад сари олиб бориш.

Баҳс - мунозарани олиб боришда, тренер-тарбиячи: мавзу муҳокамасини тартибга келтириши; нотўғри вазиятларни тушунтира олиши; ҳар бир кишининг иштирок этишга имкон яратиши; ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиши; билдирилган турли фикрларни умумлаштириши; гуруҳ аъзоларининг ўзаро ҳаракатларига қўмаклашишни билиши керак.

Муҳокамани бошлаш учун: муаммо ва у нима учун муҳокама қилинаётганлигини ҳар бир киши аниқ тушуниши шарт; гапириб бериш учун қулай шароитни ҳис қилиши; бошқаларга ҳар томонлама намуна бўлишга

ҳаракат қилиши; муҳокамани рағбатлантириш учун саволлардан фойдаланиши; айтилган фикрлар, ғояларни ёзиб бориши; ҳаммани қатнашишини назорат қилиб туриши; ҳазил-мутойибалардан фойдаланиши; олдиндан сеза билиши лозим.

**2. Талабаларни топшириқ билан таништириш:** 1. Машқнинг мақсадини тушунтиринг. 2. Керакли шароит яратиб олиш учун талабаларни гуруҳларга ёки жуфтликларга (агар шунга эҳтиёж бўлса) ажратиб чиқинг ва шунга яраша машқни бажариш учун шароит, имконият яратинг. Ҳаммани тайёр бўлишини кутинг. 3. Шарт-шароитларни ва қоидаларни тушунтиринг. 4. Топшириқни бажариш бўйича фақат кўрсатмалар берибгина қолмасдан, балки бундан кейин бажариладиган вазифаларни ҳам тушунтиринг. Масалан, натижалар муҳокама қилинадими ёки гуруҳ аъзоларидан бири гуруҳ номидан тақдимот қиладими, шуни олдиндан айтиб ўтиш жоиздир. 5. Ёзма тарқатма материаллар бўлса, уларни тарқатинг ёки унда нима ёзилганлигини ўқиб беринг. Агар оғзаки тушунтирилса, ҳамма диққат билан сизни тинглаётганини назорат қилиб туринг. 6. Гапиришни бошлаш ёки давом эттиришдан олдин ҳамма саволларга жавоб беринг. 7. Агар зарур бўлса, сўралган нарсани намойиш қилинг. 8. Агар берилган топшириқ барчанинг иштирокини талаб қилса, ўзингиз биринчилардан бўлиб, бунга тайёр бўлишингиз лозим.

#### **4.2. Тренер маҳорати ва тренинг услубиёти**

Режа:

1. Тренерларга маслаҳатлар
2. Тренингни ўтказиш услубиёти

Топшириқ қанчалик тўғри бажарилаётганлигини билиш учун ҳар бир талабанинг олдида келиб туринг, бажараётган иши билан қизиқинг.

1. Тренерларга маслаҳатлар. Саволларга жавоблар: тўғри бўлиши керак; иккиланмасдан ўйлаш учун вақт сўранг; саволга кўникиш ва вақтдан ютиш

учун саволни бошқача шакллантиринг; гуруҳда берилган саволлар бўйича, уларга ўз фикрларини билдиришни таклиф қилинг; саволларга жавобни билмаслигингизни тан олишдан қўрқманг; Сизни жавобингиз тўғри қабул қилинганлигига ҳамisha ишонч ҳосил қилинг.

Қўшимча маълумот олиш учун саволлар қўйиш қобилияти: саволни биттадан беринг; саволлар қисқа ва аниқ бўлсин; очик саволлар беринг (яъни, изоҳлар билан тўлиқ жавоблар талаб қиладиган); мазмунини чуқур ўрганинг; жавобга вақт беринг; суҳбатдошингиз ўйлаб кўриши ва сизга кўпроқ маълумот бериши учун хотиржамлик билан сукут сақланг; қабул қилишни текшириш учун саволлар беринг.

Фаол эшитиш қобилияти:

- ➡ қулай муҳит яратинг;
- ➡ имо-ишора, пантомима, тана тили ёрдамида ўз диққатингизни таъкидланг;
- ➡ кўриш алоқаларидан керакли даражада фойдаланинг.
- ➡ бир оз ўзгартириб, ифода қилинг;
- ➡ асосий ғоя бўйича ўз мулоҳазаларингизни билдиринг.
- ➡ изоҳловчи саволлар беринг;
- ➡ асосий ҳиссиётлар бўйича ўз мулоҳазаларингизни билдиринг;
- ➡ қисқача қилиб, асосий ғояни тушунтиринг

Жавоб бериш қобилияти: ўзига хос хулқни тенглаштиринг; ўзига хос хулқни тасвирланг; бу хулқнинг таъсирини тасвирланг; ушбу хулқ пайдо қиладиган барча ҳиссиётларни тасвирланг; хулқни таҳлил қилишни гуруҳдан сўранг; барча гуруҳ бир нарсани тушунганига ишонч ҳосил қилинг; ижобий нуқтаи назарни қабул қилинг.

2. Тренингни ўтказиш услубиёти. А. Тренинг олиб бориш малакалари. Тренинг - мазмундаги янги бўлимлар ва янги услубиётларни катталарга ўқитиш учун интерфаол форматдир.

Новербал (сўзсиз, мимика, пантомимика, қараш ва ҳоказо):

1. Гапираётганингизда ҳар бир талабани кўз остингизда тутинг. Ҳаммага бир хил эътибор беринг, гуруҳдаги баъзи одамларга хайрихоҳ бўлиб қолманг.

2. Хонада гуруҳнинг диққатини бузмасдан ҳаракат қилинг (тез-тез ва мақсадсиз юришлардан қочинг, шунингдек, гуруҳга ўзингиз кўринмайдиган жойдан туриб гапиринг).

3. Талабаларнинг бош кимириллатиши, табассуми ва хатти-ҳаракатлари ниманидир айтмоқчи эканлигига хоҳиши борлигига эътибор беринг.

4. Гуруҳ қаршисида туринг. Ўқиш ва тренинг бошланганда ўтирманг (хотиржам, шу билан бирга мақсадли ва қатъий бўлинг.)

Вербал (нутқий):

1. Саволларни шундай тузингки, талабалар гапирсин. Бунда очиқ саволлар ёрдам беради: “Сиз бу ҳақда нима дейсиз?, Нимага?, Қандай? Агар?” ва ҳоказо. Агар талаба “Ҳа”, “Йўқ” деб жавоб берса, “Нега шундай ўйлайсиз?” деб сўранг.

2. Бошқа талабалар тасдиқланган фикрларга қўшилиш ёки қўшилмаслигини сўранг.

3. Ўз овозингиз оҳангига эътибор беринг. Айниқса, талабалар ичида педагогик маълумоти бўлмаган кишилар бўлса, у ҳолда аста-секин ва аниқ гапиринг.

4. Талабаларни ўзингиздан кўпроқ гапиришга унданг. Ўзингиз ва талабаларнинг сўзга чиқиш вақтларини ҳисобга олиб боринг.

5. Ҳамма саволларга фақат ўзингиз жавоб берманг. Талабалар бир-бирининг саволларига жавоб бериши мумкинлигини унутманг. Бу сизнинг захирангизни кўпайтиради. “Кимдир бу саволга жавоб бера оладими?” деб сўранг.

6. Талабаларнинг фикрини ўз сўзингиз билан такрорлаб, бир оз ўзгартириб, ифода қилинг. Бу гапирувчини тушунишингизни етарли даражада назорат қилишга имконият беради ва муҳокама саволларини тушунишни кучайтиради.

7. Баҳс умумлаштирилган натижаларини ҳар бир талаба унинг моҳиятини тушунишига ва тўғри йўналишда кетаётганлигига амин бўлинг. Бу қарама-қаршиликларни кўриш ва ҳулоса чиқариш учун қулай фурсатдир.

8. Шахсий тажрибангиз мазкур баҳсга мос келса, талабалар фикрларини мустаҳкамланг. “Бу менга ўтган йилги воқеани эслатади” дейишингиз мумкин.

Б. Самарали тренинг ўтказишнинг қисмлари (унсурлари).

1. Жозиба (талабалар билан ишлашнинг ўзига ҳос ажойиб томони) талабаларнинг тренингга қизиқишни уйғотиш учун қисқа баҳс бошлаш, саволлар бериш, талабалар фикрини чалғитувчи таъкидларни илгари суриш ёки қандайдир фаолият турини фараз қилиш. Ўқув-семинар талабаларнинг дастлабки билимлари ва уларнинг ҳаётий тажрибаларини боғлашга ҳаракат қилиш. Тренинг аҳамияти нимадан иборат эканлиги сабабларини тушунтириш.

2. Талабалар учун натижаларни таъкидлаш. Талабалардан қандай мақсад кутилаётганини аудиторияга тушунтиринг. Талабалар тренинг натижасида: “Бу тренингдан кейин нималарни билишим ва нималарни қилишим лозим?” деган саволга жавоб беришлари керак.

3. Тренернинг ҳиссаси. Тренинг учун зарур дастлабки маълумотлар, зарурий билимлар (матн, маъруза, ҳужжатлар, ўқиш) ва бирор фаолият турини ўтказиш учун фан мазмунини намойиш қилиш.

4. Интерфаол стратегия - тренинг юраги ҳисобланади. Интерфаол услубда фойдаланиладиган иш тартибини қисқача баён қилиш. Интерфаол услуб - жамоавий муҳокама ташкил этиш, фикрларни эркин айтиш, муҳокама, таҳлил ва фаолиятни баҳолашдир. Умуман тренингдаги фаолиятнинг ушбу турида иштирокнинг барча қадамларини чизиб чиқиш. Гуруҳда ишлаш учун аниқ ва қисқа изоҳлар бериб бориш. Талабалар тушунганлик даражасини мунтазам назорат қилиб бориш.

Тренингни якунлашга вақт етиши учун, унинг ҳар бир қисмини диққат билан ташкил қилиш. Бу ерда тренингни ўтказиш учун мўлжалланган саволлар

муҳим аҳамиятга эгаллигини эътибордан четда қолдирмаслик. Тренер машқларни талабалар томонидан бажариш жараёнида топшириқларни тўғри бажарилишини кузатиб бориши лозим.

5. Дебрифинг (хулоса) баҳолаш. Талабалар ўзлари ёд олган ва ўзлаштирган билим (йўналиш)лари бўйича хулоса қиладилар, ўзлаштирган маълумотлар ва малакаларни бошқа ҳолатларда, талабалар билан ишлашда қўллашни муҳокама қиладилар.

Бу - тренингни баҳолаш қисмидан иборат бўлиб, бунда “Талабалар нимани ўргандилар?” саволига жавоб олинади. Тренинг давомида талабалар ўрганган ёки кўрсатган билимлари натижалар билан мос келиши текширилади.

В. Гуруҳ билан ишлаш ва уларга раҳбарлик қилиш.

1. Муваффақиятли ишлаш учун жадал курс дастурини режалаштириш ва ташкил қилиш.

-Биринчи тренинг энг асосий ҳисобланади. Талабаларга ушбу тренингда ўзини яхши кўрсатиш ва муваффақиятга эришиш шароитини яратади.

- Янги тушунчалар, номлар биттадан киритилади. Талабалар бир неча дарс, тренинглар давомида янги иш тартиби билан танишадилар, шунингдек, ҳар хил ҳолатда ўзларини тутишни ўрганадилар.

- Мазкур тренингда ўқитишдан кутилган натижаларига жавоб берадиган интерфаол услуб танланади.

- Тренинг тузилмасининг бир қисмидан иккинчисига секин-аста ўтиш билан бажарилиши ёддан кўтарилмаслиги лозим. Тренинг қисмлари қуйидагилар бўлиши мумкин: ўзига хос ажойиб ҳислат (жозоба) билан боғланиши; натижалар; тренер ҳиссаси; интерфаол стратегия (услубиётлар); танлаш, баҳолаш ва хулоса қилиш.

1. Натижаларни таърифлаш ва мақсадга мос натижаларни аниқлаш: натижаларни аниқ ва оқилона аниқлаш; ўқув натижалари ва тартиби нуқтаи назаридан кутаётганларни аниқ белгилаш; ҳар бир дарсда (тренингда) қандай билимлар эгаллашни ва тренинг муҳимлиги нимадан иборат эканлигини талабаларга эълон қилиш; талабаларни таълим шароитида, ўқиш ҳамжиҳатлик

рухида ўтиши учун, ўқувчилар билан ишлашнинг шахсий услубларини ишлаб чиқишга чақириш. Кутилган натижаларга эришиш учун интилишда кетма-кетликка риоя қилиш орқали амалга оширилади.

2. Ўқишга тайёргарликка: талабалар муваффақиятли ишлаши учун етарли таянч маълумотларга эга ёки эга эмаслигини синаш; қайсидир фаолият турини киритишдан олдин, барча керакли мазмун ва таянч маълумотларни қайта кўриб чиқиш; баҳс учун жавоблари фақат “ха” ёки “йўқ”дан иборат бўлмайдиган этиб, саволлар тузиш масалалари киради.

3. Гуруҳда ишлашда тарбиячи: талабаларга тушунарли бўлган тушунчалардан фойдаланиш; талабаларни диққат марказига қўйиш ва материални тушунишни енгиллаштириш; талабаларни гуруҳда ва ўзаро ишлашда таъсирларини ривожлантириш; Талабалар чиқишларида ва машқлар бажаришида, зал бўйлаб юриш керак. Кичик гуруҳларда ишлашда раҳбарлик: беш нафар ўқувчидан ошмайдиган кичик гуруҳлар тузиш; Гуруҳнинг ҳар бир қатнашчисига вазифа бериш (ёки барчанинг иштирок этишига шароит яратиш); Топшириқни аниқ тушунтириш ва тушунганлигини текшириш; Ёрдам беришга ҳамиша тайёр бўлиш, лекин талабалар ўз ишларини мустақил бажаришига эришиш; Интерфаол услубини амалга ошириш учун стол ва стулларни суриш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш; Талабалар бир-бирини “елкама-елка”, “кўзма-кўз” кўришига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

4. Тренинг, баҳс, машқларнинг бошланиши: талабаларнинг аниқ ҳаётий ва педагогик тажрибасига мос мавзулардан бериш; Саволни бошқача қилиб бериш; Мисоллардан фойдаланиш; Жавобни биладиган талабаларга савол бериш йўли билан амалга оширилади.

5. Талабаларга савол бериш тартиби: Савол бера туриб, сўровнинг турли босқичларидан фойдаланиш. Масалан, талабалар нима дейди? Нега ушбу усул ёки услубдан фойдаланилади? Талабалардан “нима деб ўйлайсиз?” деб сўраш; Савол бера туриб, талабаларга жавоб учун вақт ажратиш (“кутиш вақти”); Талабаларни ўз фикрларини ифодалашга, тушунтиришга ва асослашга ундашдан иборатдир.

6. Талабаларнинг хатоларини тузатиш учун: Танқиддан қочиш; Тузатишдан олдин ижобий далилларни айтиш; Уларга жуда ҳам фаол эътибор бермаслик; Бирор талабанинг хатоси билинмаслиги учун бирваракайига бир неча нотўғри жавобларни таҳлил қилиш лозим.

Г. “Муаммоли” талабалар билан мулоқот мобайнида зарур бўладиган фойдали маслаҳатлар. Белгиланган мулоқот маданияти, муомала одоби қоидаларидан фойдаланиш; Одамлар қандай бўлса, уларни шундайлигича қабул қилиш; Бунда тарбиячи талабаларни ўзгартириш учун келмаганлигини унутмаслиги лозим; Бир ҳилдаги ишчанлик ва тинчгина ҳолатни ушлаб туриш; Ҳис-туйғуга берилиб кетмаслик; Мулоқот мобайнида ҳар бир талаба билан суҳбат қилишга эришиш; Бирон зиддият келиб чиққан ҳолларда, талаба билан яккама-якка гаплашиш ёки гуруҳ аъзоларининг биридан илтимос қилиб, ушбу вазифани топшириш; Муҳокама қилишга ва баҳо беришга шошилмаслик; Вазиятни тушунтириш. Вазият сиз ва гуруҳ аъзоларига қандай таъсир қилишига эътибор бериш; Кейинги ҳаракат қандай бўлишини “муаммоли” талаба ёки гуруҳдан сўраш; Таклиф бериш. Бу таклиф гуруҳни қониқтирганлигига ишонч ҳосил қилиш.

Д. “Муаммоли” талабалар билан ишлаш.

Ўқув семинари ёки тренинг машғулоти давомида "муаммоли талабалар", одатда, ўз кайфиятлари ва “муаммолик даража”ларига қараб, тренер-тарбиячига турли саволлар ва ғаламиз фикрлар билан мурожаат қиладилар. Тренер-тарбиячи бундай саволларга жавоб беришда ўта педагогик назокат билан юқорида берилган тавсиялардан фойдаланган ҳолда, жавоб берса, ўртадаги самимийлик сақланади. Бундай талабалар берадиган саволлар ва билдирадиган ғаламиз фикрлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Сиз семинарни нотўғри олиб бораяпсиз!
- Менга гапиришга ҳеч имкон беришмаяпти!
- Мен бу саволга бошқача қарайман. Ўзаро фикрлашишга рухсат беринг.

- Нима учун биз бу топшириқни бажаришимиз керак, бу одоб-ахлоққа зид-ку!
- Нима учун бу талаба доим гапиради, менга эса сўз беришмайди?
- Танаффуснинг қисқалиги менга ёқмаяпти. Мен чой ичишга улгурмаяпман.
- Ҳа, мен кеч қолдим. Сизнинг семинарингиздан ташқари, менинг кўп ишларим бор.
- Бу услубиёт бизнинг шароитимизга тўғри келмайди. Нимага бу услубиётни бизга бераяпсиз? Нима, мени тушунмаяпсизми?
- Мен бунинг ҳаммасини биламан. Бу ерда мен учун ҳеч қандай янгилик йўқ!
- Сиз бизга кам топшириқ бераяпсиз. Биз бу семинарда зерикиб қоляпмиз.
- Айтингчи, нима учун биз дарс жадвалини ўзгартирдик?
- Сизнинг тарқатма материалларингизда етарли тушунча берилмаган. Улардан фойдаланиш мумкин эмас.
- Семинар жуда узоқ давом этишидан биз чарчадик.
- Гапиринг, гапиринг, биз эшитаяпмиз.
- Буни янада аниқроқ ва тушунарлироқ қилиб айтиб бера олмайсизми?
- Нима учун бизни алоҳида баҳоламайсиз?

"Муаммоли" талабаларнинг дарс жараёнидаги ҳолатлари бўйича типлари:

- Мен қаршиман!
- Индамас
- Дайди, "келинг, муҳокама қилайлик..."
- Бу ерда менинг душманам бор!
- "Йўқ, мен рози эмасман..."
- "Биз нотўғри йўл танладик"
- "Келинг гурунглашамиз..."
- "Менинг назаримда..."

- “Сиз бунга қандай қарайсиз”?
- Сергап
- Тортишувчи
- “Келинг, мен ёрдамлашаман!”
- “Кечирасиз, менинг кетадиган вақтим бўлди...”
- “Мен чиқиб телефон қилишим керак...”
- Гапни бўлувчи, луқмачи
- Таржимонлар
- Гийбатчи
- Билагон
- Маслаҳатгўйлар
- Фаросатсиз
- Қўрқоқ
- “Менинг ўз ишларим бор!”
- Пичирлаб гаплашувчилар
- Қаттиқ гаплашадиганлар
- Мақтовга талабгорлар.

## “ТАНИШУВ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Танишув қувончларни икки баробарга кўпайтиради ва қайғуларни ярмига қисқартиради.*

**Фрэнсис Бэкон**

### **1-вариант**

Технологиянинг мақсади: ўқув жамоаси иштирокчиларини бир-бирлари билан таништириш, самимий дўстона муносабат ва ижодий муҳитни юзага келтириш, талабаларнинг ижодий имконияти ва шахсий сифатларини очиш, аудиториянинг ишлаши учун қулай шароитни вужудга келтириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: Машғулот бошида ўқитувчи ўқув жараёни қатнашчиларини кичик гуруҳларга ажратади. Ҳар бир кичик гуруҳга йилнинг бир фаслида туғилган талабаларни киритиш мумкин. Ўқитувчи гуруҳларни жойларига ўтказиб, уларга қуйидаги топшириқни беради:

- ўз туғилган фаслингизга характеристика бериш (бадий - мусиқий, саҳнали, ҳазил-мутуйибали ва ҳоказо кўринишда);
- йилнинг шу фаслида туғилганларнинг умумий характери билан ҳамда гуруҳ қатнашчиларининг умумий ўхшашликлари ва ўзига хос томонлари билан таништириш;
- талабаларнинг бу фаслдаги фаолиятини сўзлаб бериш;
- бошқа фаслдаги гуруҳ қатнашчиларига бағишланган фикр ёки бағишлов яратиш ва ижодий тилаклар билдириш.

Ўқитувчи берилган топшириқни талабалар томонидаи бажариши учун тайёрланишга вақт ажратади ва уларни тақдимот қоидалари билан таништиради, талабаларнинг тайёрланишлари учун шароит яратади.

Гуруҳлар тайёргарликни бошлайдилар.

Гуруҳларнинг чиқиши 4та топшириқ акс этган адабий-мусиқий композиция шаклида ҳам тайёрланиши мумкин.

Кейинги босқичда гуруҳлар тайёрлаган ижодий ишларини намоиш этадилар. Ҳар бир чиқиш тугагач, бошқа гуруҳ қатнашчилари намоиш

этилган ижодий ишни тўлдиришлари ва мавзуга оид саволлар беришлари мумкин.

Охирги босқичда ўқитувчи машғулотга якун ясар экан, аудиторияга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиб, талабаларни очиқ мулоқатга чақиради:

- гуруҳ қатнашчилари бир-бирлари ҳақида нималарни билиб олишди;
- аудиторияда бир-бирларига кўникиш ҳолати қандай ўзгарди;
- қандай саволлар ва муаммолар ҳал қилинди;
- қатнашчилар дарс давомида қандай сифатларни кўрсата олдилар;
- ҳар бир киши ўзи учун қандай хулоса чиқарди;
- демак биз, қандаймиз?

## 2-вариант

Ўқитувчи талабаларни кичик гуруҳларга ажратгач, ҳар бир гуруҳга “Келинг, танишайлик!” мавзуси ёзилган қуйидаги мазмундаги тахминий материал тарқатади:

Келинг, танишайлик!

1. Сизлар ким ва нима учун бу ерга тўплангансизлар?
2. Сизларни нима бирлаштиради?
3. Сиз учун энг қимматли нарса нима?
4. Билим олишингизга нима ёрдам беради?
5. Кимларга ғамхўрлик қиласизлар?
6. Кимлар билан ҳамкорлик қиласизлар?
7. Нималарни ўзингиз, нималарни эса биргаликда ҳал этасизлар?
8. Сизнинг энг кучли ва кучсиз томонларингиз нима?

Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалдаги саволларга жавоб беришга тайёргарлик кўрадилар, тайёрланиш жараёнида улар бир-бирлари билан танишиб оладилар (гуруҳларнинг тайёрланишлари учун ўқитувчи кичик гуруҳлар сони ва ўқув машғулотига ажратилган вақтга қараб вақт белгилайди).

Гуруҳлар тайёр бўлишгач, навбати билан ҳар бир гуруҳдан бир киши тайёрланган материални тақдимот қилади. Ўқитувчи гуруҳлар тақдимоти учун

вақт белгилайди. Барча гуруҳлар тақдимоти тугагач, ўқитувчи танишувни якунлаб, машғулотни давом эттириши мумкин. Одатда, талабалар сонига қараб танишувни 15 ёки 30 дақиқа мобайнида ўтказиши мумкин. Бу эса, ўқитувчининг ташкилотчилик ва бошқарув маҳоратига боғлиқ.

Ўқитувчи талабалар билан танишишда ўзининг (шахсий) қизиқарлироқ вариантдан ҳам фойдаланиши мумкин.

Танишувни, шунингдек, педагогик ёки психологик уйин элементларидан фойдаланган ҳолда ҳам ташкил этиш мумкин.

### **“ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” УСЛУБИ**

Услугбнинг моҳияти. Ушбу услуб ўтилган (чорак, семестр ёки ўқув йилида тугаган) ўқув предмети ёки бўлим барча мавзуларини талабалар томонидан ёдга олиш, бирон-бир мавзу бўйича ўқитувчи томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча талабаларни баҳолай олишга йўналтирилган.

Услугбнинг мақсади. Талабаларни машғулотда ўтилган мавзунинг эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, якка ва гуруҳларда ишлай олиш, сафдошларининг фикрига ҳурмат билан қараш, шунингдек ўз билимларини бир тизимга солишга ўргатиш.

Услугбнинг қўлланиши: ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида, ёки ўқув предметининг бирон-бир бўлими тугалланганда) ўтилган мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, тақдорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзунинг бошланишдан олдин талабаларнинг билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки

машғулотнинг бир қисмида якка, кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан уйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади.

**Машғулотда фойдаланиладиган воситалар:** тарқатма материаллар, таянч тушунчалар рўйхати, қалам (ёки ручка), слайд.

Изоҳ: режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг қўйган мақсади (текшириш, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос тайёрланган тарқатма материаллар (агар якка тартибда ўтказиш мўлжалланган бўлса, гуруҳ талабалари сонига, агар кичик гуруҳларда ўтказиш белгиланган бўлса, у ҳолда гуруҳлар сонига қараб, тарқатма материаллар тайёрланади).

**Машғулотни ўтказиш тартиби:**

- талабаларни гуруҳларга (шароитга қараб) ажратилади;
- талабалар машғулотни ўтказишга қўйилган талаб ва қоидалар билан таништирилади;
- тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
- талабалар якка тартибда ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишадилар;
- талабалар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчалар ёнига эгаллаган (ёки ўзларининг) билимлари асосида (берилган тушунчаларни қандай тушунган бўлсалар шундай) изоҳ ёзадилар (якка тартибда);
- ўқитувчи тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага тўғри изоҳни белгилайди ёки экранда ҳар бир тушунчанинг изоҳи берилган слайд орқали (имкони бўлса) таништирилади;
- ҳар бир талаба тўғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларни аниқлайдилар, керакли тушунчага эга бўладилар, ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар, шунингдек билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар.

Изоҳ: “Тушунчалар таҳлили” услубини “Чайнворд”, “Узлуксиз занжир”, “Кластер”, “Блиц-занжир” шаклида ҳам ташкил этиш мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” услубидан бир дарснинг ўзида дарс бошланишида ўтган мавзунини такрорлаш, мустахкамлаш ёки янги мавзу бўйича талабаларнинг дастлабки билимлари, қандай тушунчаларни эгалаганликлари ва шу дарснинг охирида бугунги мавзудан нималарни билиб олганликларини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Қуйидаги машғулотда фойдаланиладиган тарқатма материални мисол тариқасида келтирамиз (илова).

#### Илова-1

| Тушунчалар            | Мазмуни |
|-----------------------|---------|
| Таълим                |         |
| Тарбия                |         |
| Таълим мазмуни        |         |
| Ўқитиш шакллари       |         |
| Дарс (ўқув машғулоти) |         |
| Ўқитиш воситалари     |         |
| Тренинг               |         |
| Усул (метод)          |         |
| Баҳолаш услублари     |         |
| Технология            |         |
| Педагогик технология  |         |
| Малака ошириш         |         |
| Инновация             |         |
| Педагогик маҳорат     |         |

#### Илова-2

| Тушунчалар            | Мазмуни                                                                                                                                                                                                  |
|-----------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Таълим                | <i>Таълим олувчига махсус тайёрланган мутахассислар ёрдамида билим бериш ва улардаги кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш жараёни бўлиб, кишининг шахс сифатида ҳаётга ва меҳнатга онгли тайёрлаш.</i> |
| Тарбия                | <i>Инсон шахси маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган саъи-ҳаракатлар тизими.</i>                                                                                                                  |
| Таълим мазмуни        | <i>Талабанинг ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ва характери.</i>                                                                                                 |
| Ўқитиш шакллари       | <i>Анъанавий, ноанъанавий, визуал</i>                                                                                                                                                                    |
| Дарс (ўқув машғулоти) | <i>Таълимнинг асосий ташкилий шакли, у муайян миқдордаги доимий ўқувчилар таркиби билан қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга</i>                                                              |

|                             |                                                                                                                                                                                                                                                             |
|-----------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                             | <i>йўналтирилган дидактик жараён.</i>                                                                                                                                                                                                                       |
| <b>Ўқитиш воситалари</b>    | <i>Ахборотни узатиш ва ўзлаштириш ҳамда ақлий ва жисмоний меҳнат бўйича малака ва кўникмаларни эгаллаш учун ўқитиш жараёнида қўлланиладиган ўқув жиҳозлари ва воситалари</i>                                                                                |
| <b>Тренинг</b>              | <i>(training)- иштирокчиларнинг кўникма ва малакаларини, шунингдек, уларнинг бирор нарсага нисбатан ммуносабатини ўзгартиришга йўналтирилган, интерфаол ўқитиш усуллари ҳамда тажриба орқали ўқитишга асосланган, гуруҳга мўлжалланган таълимий тадбир.</i> |
| <b>Усул (метод)</b>         | <i>Назарий, амалий, билув, бошқарув, маиший тавсифдаги вазифаларни ечишнинг маълум йўли.</i>                                                                                                                                                                |
| <b>Баҳолаш услублари</b>    | <i>Таълимда ёзма иш, тест, 100 балли тизимда баҳолаш ва бошқалар.</i>                                                                                                                                                                                       |
| <b>Технология</b>           | <i>Технология (грекча techne - санъат, маҳорат, қобилият; logos - сўз, таълимот) – бирор-бир жараёнда амалга ошириладиган услублар йиғиндиси.</i>                                                                                                           |
| <b>Педагогик технология</b> | <i>Аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, инсон ва техник имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аниқ мақсад ва кафолатланган натижага йўналтирилган жараён.</i>                                                                                              |
| <b>Малака ошириш</b>        | <i>Касбий маълумотга эга кишиларнинг малакавий тайёргарликларига қўйилган талабнинг ортиши ҳамда касбий вазифаларни ечишнинг янги усулларини ўзлаштириш зарурияти сабабли уларнинг билим ва кўникмаларини янгилаш</i>                                       |
| <b>Инновация</b>            | <i>Янгиланишни,ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти. (лот. Inovatis in - ичига, novus –янги) сўзидан келиб чиққан бўлиб, янгилик киритиш, янгиланиш)</i>                                                                                         |
| <b>Педагогик маҳорат</b>    | <i>Педагогнинг ишга бўлган фидоийлиги, билими ва тажрибаларининг бирикмаси бўлиб, педагог фаолиятининг энг юқори чўққиси, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.</i>                             |

## “БУМЕРАНГ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

### 1 вариант

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

Технологиянинг мақсади. Ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни талабалар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштриб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлагини назорат қилиш ва баҳолаш. Ўқув жараёни мобайнида ҳар бир талаба томонидан ўз баҳо (ёки балл)ларини эгаллашга имконият яратиш.

Технологиянинг қўлланиши. Амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотлари ҳамда суҳбат-мунозара шаклидаги дарсларда якка тартиб, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида фойдаланилиши мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар. Талаба дарс жараёнида мустақил ўқишлари, ўрганишлари ва ўзлаштрилиб олишлари учун мўжалланган тарқатма материаллар (ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича қисқа матнлар, суратлар, маълумотлар).

Машғулотни ўтказаш тартиби. Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади;

- талабалар кичик гуруҳларга ажратилади;
- талабалар дарс (машғулотлар)нинг мақсади ва тартиби билан таништрилади;
- талабаларга мустақил ўрганиш учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади;

- берилган матнлар талабалар томонидан якка тартибда мустақил ўрганилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоларидаги янги гуруҳ ташкил этилади;
- янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар;
- берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирилари билан савол-жавоб қиладилар;
- янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар;
- дарснинг қолган жараёнида талабалар билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда “гуруҳ ҳисобчиси” тайинланади;
- талабалар томонидан барча матнлар қай даржада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчи (ёки оппонент гуруҳ) талабаларга саволлар билан муносабат этадилар, оғзаки сўров ўтказиладилар;
- саволарга берилган жавоблар асосида гуруҳларни тўплаган умумий баллари аниқланди;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилади;
- гуруҳлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади (“гуруҳ ҳисобчисилари” берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар;
- гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланади;
- Гуруҳлар тўплаган умумий баллар гуруҳ аъзолари ўртасида тенг тақсимланади.

**Изоҳ:** ўқитувчи дарсни шу тартибда тугатиши ёки ўқув материални талабалар томонидан якка тартибда қандай ўзлаштирилганини яна бир бор ўз-ўзига баҳо бериш тартибида назорат қилиш учун “Чархпалак”

технологиясидан фойдаланган ҳолда ўқилган ва ўзлаштирилган матнлар асосида тайёрланган тарқатма материалларни талабаларга тарқатиб, ўз билимларни текшириб олишларига имконият яратиши мумкин.

Дарс (машғулоти)ни якунлаш, уйга вазифа бериш.

Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан. Ушбу технологияни қўллаган ўқитувчилар ўз ўқув предметлари мавзуси ёки эркин мазу асосида қуйидаги мазмундаги матнлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш ва тарбиялаш жариёсини ташкил этишган.

Масалан,

1. Мавзу: “Гуллар ва уларнинг тарихи, ҳаётдаги аҳамияти”

Тарқатма материаллар:

1-гуруҳга - Гуллар қачондан бери ўстирилади?

2- гуруҳга - Айрим халқларда гулларнинг аҳамияти.

3- гуруҳга - Атиргулларнинг рамзий маъноси ҳақида?

4- гуруҳга - Мисрликлар учун нилуфар гули нима маънони англатади?

2. Мавзу: “Шарқона муомала одоби”

Тарқатма материаллар:

1-гуруҳга – Устозларни ҳурматлаш баёни

2- гуруҳга – Қариндош-уруғлар ўртасида муомала одоби

3- гуруҳга – Қўни-қўшнилари ўртасидаги муомала одоби

4- гуруҳга – Дўстлар ўртасидаги муомала одоби

3. Мавзу: “Ҳарбий қўшинлар тарбия услублари”

1-гуруҳга – Ишонтириш услуби

2- гуруҳга – Рағбатлантириш услуби:

3- гуруҳга – Услубларнинг синфлари

4- гуруҳга – Намуна услуби:

5- гуруҳга – Жазолаш услуби:

## 2-вариант

Мазкур технология бир машғулоти давомида ўқув материаллини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга

йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга мўлжалланган бўлиб, оғзаки ва ёзма иш шаклларида амалга оширилиши мумкин. Технология машғулот мобайнида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариш, навбат билан талаба ёки ўқитувчи ролида бўлиш ва мос балларни тўплаш имкониятини беради.

“Бумеранг” технологияси талабаларга танқидий фикрлаш, уларда мантиқни шакллантиришга имконият яратади, шунингдек уларнинг хотирасини, ғояларини, фикрларини, далилларини ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Мазкур услуб талабаларга таълим билан бир қаторда тарбиявий характердаги:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомалалилик;
- хушфёъллик;
- кўникувчанлик;
- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- фаоллик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини баҳолаш каби қатор сифатларини ҳам шакллантириш

имкониятини беради.

Технологиядаги асосий тушунчалар:

Очиқ саволлар - бундай саволлар муомала қилиш ва ўзаро сўзлашувни давом эттиришга имкон беради, шу билан бирга уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

Ёпиқ саволлар - бундай саволлар олдиндан “ха” ёки “йўқ” туридаги тўғри ва очиқ жавобларни беришни кузда тутди.

Кўндаланг сўроқ - талабалар бир-бирига гуруҳлаб берувчи қисқа саволлар қаторидан иборат бўлиб, ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда

далилларни, оппонентлар эгаллаган ҳолатини аниқлаш, шунингдек муайян қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

Кўндаланг сўроқ пайтида ўзаро мунозарага киришиш мумкин бўлмай, балки фақат саволлар берилишига руҳсат берилади.

## **“СЦЕНАРИЙ” ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Технологиянинг мақсади: талабаларда якка ва жамоавий ижодий фаолият кўникмаларини, шунингдек, ижодий қобилиятларни шакллантириш, турли шаклдаги якка ва жамоавий ижодий фаолиятни эгаллаш, ўтказиладиган тадбирларни олдиндан режалаштириш, сценарийсини тузиш, ташкил этиш ва ўтказиш буйича кўникма, малака ҳосил қилиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: машғулотнинг ҳар бир қатнашчиси якка ҳолда ишлаш учун тайёрлаб келган тарқатма материал (карточка)лардан биттасини танлаб олади. Карточкаларда талабалар учун турли хил тадбирларнинг мавзуси берилган бўлиб, улар шу мавзуда ўтказилиши мумкин бўлган тадбир ҳақида якка ҳолда бош қотиришлари, унинг мазмуни, ўтказилиш тартибининг турли шакллари аниқлашлари ҳамда шу тадбирнинг режа-сценарийсини ишлаб чиқишлари керак.

Машғулотнинг кейинги босқичида талабалар ўзлари якка ҳолда тузган режа-сценарийлари билан кичик гуруҳларга ажраладилар.

Улар ўз ишларининг натижаси билан гуруҳ аъзоларини бирма-бир таништирадилар, ишлаб чиқилган режа-сценарийларга баҳо берадилар, берилган режа-сценарийларни тўлдириб, тўғрилаб, улар ичидан битта вариантни танлаб оладилар. Кейинги кичик гуруҳлар биргаликда танланган тадбирнинг режа-сценарийсини ишлаб чиқадиладар.

Вазифаларни бажариш мобайнида гуруҳ аъзолари, якка тартибда ижодий ёндашиб, тайёрланган режа-сценарийларни эътиборга олган ҳолда

ҳамда улар ичидан танлаб олинган сценарий бўйича тақдимотга тайёрланадилар.

Ҳар бир гуруҳ биргаликда тайёрланган сценарийларини ҳимоя қилади. Ҳимоя вақтида гуруҳ аъзолари талабалар аудиториясининг саволларига жавоб бериши ёки ўз вариантларида қолишлари мумкин. Режа-сценарий лойиҳасининг намоиши схема (ёки томоша) шаклида бўлиши мумкин.

Тақдимот тугагач, талабалар ҳимоя қилинган лойиҳаларни биргаликда муҳокама қиладилар ва яқунлайдилар. Ўқитувчи ҳар томонлама яхши, қизиқарли тузилган сценарийларни кейинчалик амалга ошириш учун ташкилотчиларга тавсия этади. Ўқитувчи бажарилган ишлар учун миннатдорчилик билдиради.

Масалан: Иродаси заиф ёшлар ва уларни ҳимоя қилиш мавзусида

(“Гиёҳвандлик устидан суд” сценарияси асосида ролли ўйин)

“Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодирдир”. Шу боис бугунги ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисман саломатлиги муҳим масала ҳисобланади. Ҳозирги замон глобал муаммолари сирасига иродаси заиф ёшларни ўз домига тортаётган ароқхўрлик, кашандалик ва наркомания ҳам мансуб бўлаётгани сир эмас. Бу иллатга қарши кўрашишда ҳуқуқ тарғибот органлари, тиббиёт ходимлари қаторида муаллим ва тарбиячиларнинг ҳам хизматлари беқиёс. Негаки, бу иллат фақат тиббий хасталик эмас, балки ижтимоий, ҳуқуқий ҳамда маънавий инқироз омили ҳамдир.

1987 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 26 июнь - Наркотик моддаларни ноқонуний айрбошлаш ва истеъмол қилишга қарши кураш Халқаро куни деб эълон қилинди. РИА Новости ахборот агентлигининг хабарига кўра, наркотик истеъмол қилиш оқибатида Россияда ҳар куни 80га яқин киши ҳаётдан куз юмаяпти. Шунингдек, наркоманлар армияси мазкур давлатда 2,5млн. кишини ташкил қилаётгани, йилига уларнинг сони 80 минг кишига кўпайётгани, истеъмолчиларнинг ўртача ёши 18дан 39 ёш оралиғида эканлиги маълум. Мазкур маълумотлар бу иллат кўламининг кенглиги, оқибатининг аянчлилиги ва асосан ёшларни ўз домига

тортаётганидан далолат беради. Шу боис ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун бу иллат сабаблари ва оқибатлари ҳақида батафсил тушунча бериш жуда муҳим.

Наркомания – бу наркотик ва психотроп моддаларга тобелик хасталиги бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан жиноят, тиббий жиҳатдан сурункали хасталик, ижтимоий-маънавий жиҳатдан ахлоқий меъёрларига зид ҳолат сифатида баҳоланади.

Наркоманиянинг пайдо бўлишига руҳий заифлик, жисмоний ноқобиллик, турли ижтимоий омиллар сабаб бўлади. Бўш вақтнинг кўплиги, оилавий шароитнинг оғирлиги, ишсизлик, бирор ишга ноқобиллик хисси, умидсизлик, тушкунлик, муҳитнинг носоғломлиги ва бошқалар наркоманиянинг шаклланишига замин яратади. Бугунги кунда ижтимоий муҳофазаланган, моддий таъминланган тўлиқ оилаларда тарбия топаётган фарзандларнинг ҳам бу иллат домига тушиб қолиш ҳоллари кузатилмоқда. Демак, наркоманиянинг пайдо бўлиш сабаблари ўзгармоқда. Айрим радикал социологлар наркоманияни мавжуд ижтимоий қадриятлар, маданий қарашлар, мафкўравий тамойил ва турмушнинг моддий шароитига қарши “исён кўтарувчилар”, қарши чўкувчилар сифатида баҳолайдилар. Ана шу қаршиликларни наркоманлар ўзларининг аффект ҳолатидаги ноадекват ҳаракатлари билан намоён қилар эканлар. Бу эса жамият учун жуда хавфли ҳисобланади. Шу боис наркоманияга қарши очиқ ва расмий кўраш биринчи навбатда ҳуқуқ-тарғибот органлари зиммасига юкланади.

БМТнинг расмий маълумотига кўра, Россияда ҳуқуқ-тарғибот органлари томонидан мамлакатга кириб келаётган наркотик моддаларнинг 40,0% фоизи ушланиб қолинар экан. Ҳар куни 10кг. героин мусодара қилинар, бу эса 2млн. наркоманнинг кундалик истеъмол нормаси экан.

Наркомания давоси жуда қийин кечадиган дард. Статистик маълумотларга кўра, наркоманларнинг ўртача умр кўриши 6 йилни ташкил қилади. Наркоманлар ўрта ёшгача ҳам етиб бормаيدилар, улар дозанинг ошиб боришидан, турли касаллик ва ўз жонига қасд қилиш оқибатида ҳаётдан эрта

кўз юмадилар. Наркоманлар жиноятга тез қўл урадилар. Шу жиҳатдан жамият учун жуда хавфли ҳисобланадилар. Бу офатга қарши ҳуқуқий, ижтимоий, тиббий-биологик, руҳий кўраш олиб боргандагина самара бериши мумкин.

Бундай кўрашни амалга ошириш учун ёшлар тафаккурида мазкур соҳалар нуқтаи назаридан тўлиқ ахборотга эга бўлиш зарурати мавжуд. “Тиёҳвандлик устидан суд” сценарияси асосида амалга ошириладиган тренинг ана шундай заруратни қисман бўлсада қондиради. Тренинг ролли ўйин кўринишида амалга оширилади. Ролли ўйин методининг асосий мақсади талабаларни фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган. Ўйин ҳар хил муаммоларни ҳал этишдаги имитацион фаолиятларни тузиш учун энг қулай асос ҳисобланади.

Таълим жараёнида ролли ўйинлардан фойдаланиш талабаларни фаол позицияга эга бўлиши, масала моҳиятини англаш ва унга тезкор муносабат билдиришни тақозо этади. Ролли ўйинда иштирокчилар фаолияти ўйин комплексидан стимул олади. Иштирокчилар ўйин давомида вазиятни таҳлил қилишади. Бунинг учун уларга ҳеч ким ёрдам бермайди. Ўзларини бошқариш ва уюштиришлари орқали натижаларга эришадилар. Иштирокчилар мураккаб вазиятлар билан боғлиқ ўйин мақсадларига шахсий ҳаракатлари орқали эришадилар ва ҳулосаларни ўзлари қабул қиладилар. Ролли ўйинлар талабаларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради. Ролли ўйин бошқа ўйинлардан фарқли мақсади жамоавий ёки индивидуал қарор қабул қилишга асосланади.

Тренинг мақсади: Наркомания иллатининг кўлами, сабаб ва оқибатлари ҳақида тушунчага эга бўлиш ҳамда унга қарши кураш чораларини рол вазифасидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ва жамоавий ҳолда излаш.

Тренингдан кутиладиган натижа: Ёшларда соғлом турмуш тарзи тушунчаси шаклланади, хавфли одатларга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Наркомания каби иллатга қарши кўрашиш заруратини иштирокчи англайди. Ўйин давомида қабул қилинган қарорлар иштирокчининг бевосита иштироки

ва шахсий хоҳиш-иродаси орқали қабул қилинади. Бу эса тарбиянинг бевосита эмас, билвосита таъсир этиш услублари ҳисобланади.

Машғулоти ўтказиш тартиби: Иштирокчилар “портфель”, “микрофон”, “тиббиёт симболи” ва “одам” қиёфаси тушурилган жетонларни танлаб 4та гуруҳга бўлинадилар. Шундан сўнг тренер бу тимсоллар нимани англатиши ва унинг соҳиблари қандай ролни бажаришлари кераклиги ҳақида тушунча беради. “Портфель” – давлат ва жамоа раҳбарлари, ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимлари белгиси, “микрофон” - ОАВлари ходимлари, яъни ахборий муҳитни ташкил қилувчи журналистлар белгиси, “тиббиёт симболи” - тиббий муассаса ходимлари, рухшунослар, наркологлари ва “одам” – оила аъзолари, дўстлари, яқин инсонлари белгиси ҳисобланади. Тренинг шартлари тушунтирилади: ҳар бир рол соҳиби сўзга чиқаётганида ўзини таништириши ва лавозимини айтиб ўтиши шарт. Шундан сўнг қисқа видеоролик ёки наркоманияга бағишланган слайдлар намойиш этилади. Гуруҳ аъзолари ролга киришишлари учун уларга А3 форматда қоғоз берилади ва ҳар бир гуруҳ ўз лавозими ва мавқеига кўра наркоманияга қарши курашдаги мақсади ва амалга оширадиган вазифаларини ёзиб чиқади. Мазкур ишга 10-15 дақиқа вақт ажратилади. Шундан сўнг гуруҳларнинг тақдимот иши амалга оширилади.

Тренинг давомида гуруҳ аъзолари муқобил гуруҳга уларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда саволлар ёки эътирозлар билан мурожаат қилишлари мумкин. Бу ҳар бир иштирокчининг фаол қатнашувини таъминлайди, яқка тартибдаги фаолиятини белгилайди.

Шунингдек, тренер қуйидаги стереотип фикрларни гуруҳлар эътиборига ташлайди:

- Айтишларича, енгил турдаги наркотик моддаларни истеъмол қилиш у қадар зарарли эмас.
- Наркотик моддаларни қабул қилиш ҳар кимнинг шахсий иши, бегоналар бунга аралашмасликлари керак.

- Айримлар шундай фикрлайдилар: “Наркотикларнинг ўзи эмас, балки уларни таъқиқлаш ва чегаралаш уларга нисбатан қизиқишни орттиради” (Таъқиқланган нарса шириндир)
- Шундай фикр мавжуд: “Наркотикларни қонунийлаштириш ва давлат назорати остида уларни тарқатиш наркомания оммалашишининг олди олинади”

Мазкур стереотип қарашларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, асослаш гуруҳ аъзоларидан талаб қилинади. Тренинг якунида унинг натижалари хусусида фикр алмашилинади.

Тренингдан кутиладиган натижа: Наркомания - глобал муаммо эканлигини иштирокчилар чуқур англайдилар. Жамиятнинг ҳар бир қатлам вакиллари бу умумий муаммони ҳал этишда ҳамкорлик ҳамда алоҳида мажбурияти борлигини ҳис этадилар.

Қўлланадиган воситалар: экран, қоғоз, фломастер, маркер.

## **“ЗИНАМА - ЗИНА” ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Технологиянинг тавсифи. Ушбу машғулот талабаларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Бу технология талабалар билан бир гуруҳ ичида якка ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади.

Технологиянинг мақсади. Талабаларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикр билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изох беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: маъруза (имконият ва шароит бўлса), семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказиш ҳамда назорат дарсларида қўлланилиши мумкин.

Машғулотда қўлланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматли қоғозларда тайёрланган (мавзуни ажратилган кичик мавзучалар сонига мос) چاپ томонига кичик мавзулар ёзилган тарқатма материаллар, фломастер (ёки рангли қалам)лар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ✓ ўқитувчи талабаларни мавзулар сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани маъқул);
- ✓ талабалар машғулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништирилади. Ҳар бир гуруҳга қоғознинг چاپ қисмида кичик мавзу ёзуви бўлган варақлар тарқатилади;
- ✓ ўқитувчи гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишларини ва шу мавзу асосида билганларини фломастер ёрдамида қоғоздаги бўш жойига жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;
- ✓ гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзуни ёзма (ёки расм, ёки чизма) кўринишида ифода этадилар. Бунда гуруҳ аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади.
- ✓ тарқатма материаллар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир киши тақдимот қилади. Тақдимот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган материал, албатта, аудитория доскасига мантиқан тагма-таг(зина шаклида) илинади;
- ✓ ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машғулотни якунлайди.

**Изоҳ:** ўқув машғулотининг бундай ташкил этилиши талабаларни мустақил фикрлашга, ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни эслашга, уларни

ёзма (ёки расм, чизма кўринишида) баён этишга, фикрларни умумлаштиришга ўргатади.

**Илова**

| <i>№</i> | <i>Мавзу</i> | <i>Темперамент</i> |
|----------|--------------|--------------------|
| 1.       | Холерик      |                    |
| 2.       | Сангвиник    |                    |
| 3.       | Меланхолик   |                    |
| 4.       | Флегматик    |                    |

Мавзулар:

Сўз туркумлари (от, сифат, феъл, сон, олмош).

Йил фасллари (баҳор, ёз, куз, қиш).

Абдулла Қодирий (ҳаёти, ижоди, асарлари, адабий мероси ва аҳамияти)

ва б.

## **“РЕЗЮМЕ” ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Технологиянинг тавсифи. Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади. Айни пайтда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Технологиянинг мақсади: талабаларни эркин, мустақил, танқидий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуби ёрдамида мавзудан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммосининг ечимини топишга ҳамда керакли хулоса ёки қарор қабул қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир этишга, уни маъқуллашга, шунингдек, берилган муаммони ечишда, мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: маъруза дарсларида (имконият ва шароит бўлса), семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида яқка (ёки кичик гуруҳлар ажратилган) тартибда ўтказиш, шунингдек, уйга вазифа беришда ҳам қўллаш мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: А-3 форматдаги қоғозларида (гуруҳ аъзолари сонига қараб) тайёрланган тарқатма материаллар, фломастер ёки рангли қаламлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ✓ ўқитувчи талабаларнинг сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

- ✓ ўқитувчи талабаларни машғулотнинг мақсади ва ўтказилиш тартиби билан таништиради ва ҳар бир кичик гуруҳга қоғознинг юқори қисмида ёзуви бўлган, яъни асосий муаммо, ундан ажратилган ўқув муаммолари ва уларни ечиш йўллари белгиланган, хулоса ёзма баён қилинадиган варақларини тарқатади;

- ✓ ҳар бир гуруҳ аъзолари уларга тушган варақлардаги муаммоларнинг афзаллиги ва камчиликларини аниқлаб, ўз фикрларини фломастер ёрдамида ёзма баён этадилар. Ёзма баён этилган фикрлар асосида ушбу муаммони ечимини топиб, энг мақбул вариант сифатида умумий хулоса чиқарадилар;

- ✓ кичик гуруҳ аъзоларидан бири тайёрланган материални жамоа номидан тақдимот этади. Гуруҳнинг ёзма баён этган фикрлари ўқиб эшиттирилади, лекин хулоса қисми билан таништирилмайди;

- ✓ ўқитувчи бошқа кичик гуруҳлардан тақдимот этган гуруҳнинг хулосасини сўраб, улар фикрини аниқлайди, гуруҳлар фикридан сўнг тақдимот гуруҳи ўз хулосаси билан таништиради;

- ✓ ўқитувчи гуруҳлар томонидан берилган фикрларга ёки хулосаларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди, сўнгра машғулотни якунлайди.

| Талабалар билимини назорат қилиш |         |        |         |        |         |          |         |
|----------------------------------|---------|--------|---------|--------|---------|----------|---------|
| Ёзма                             |         | Оғзаки |         | Тест   |         | Масофали |         |
| Афзал.                           | Камчил. | Афзал. | Камчил. | Афзал. | Камчил. | Афзал.   | Камчил. |
|                                  |         |        |         |        |         |          |         |
| Хулоса:                          |         |        |         |        |         |          |         |

### “МУАММО” ТЕХНОЛОГИЯСИ

Технологиянинг мақсади: талабаларга ўқув предметининг мавзусидан келиб чиққан турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишларига ўргатиш, уларда муаммонинг моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларни шакллантириш, муаммони ечишнинг баъзи усуллари билан таништириш ва муаммони ечишда мос услубларни тўғри танлашга ўргатиш, муаммони келиб чиқиш сабабларини ва муаммони ечишдаги хатти-ҳаракатларни тўғри аниқлашга ўргатиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: ўқитувчи талабаларни гуруҳларга ажратиб, уларни мос ўринларига жойлаштиргандан сўнг, машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талабларини тушунтиради, яъни у машғулотни босқичли бўлишини ва ҳар бир босқич талабалардан максимум диққат-эътибор талаб қилишини, машғулот давомида улар яқка, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлашларини айтади. Бундай кайфият талабаларга берилган топшириқларни бажаришга тайёр бўлишларига ёрдам беради ва бажаришга қизиқиш уйғотади. Машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талаблари тушунтирилгач, машғулот бошланади:

✓ талабалар томонидан машғулот учун тайёрланган кинолавҳани диққат билан томоша қилиб, унда ёритилган муаммони аниқлашга ҳаракат қилиш, хотирада сақлаб қолиш ёки дафтарларига белгилаб қўйиш (агар кинофильм кўрсатишнинг имконияти бўлмаса, у ҳолда ўқитувчи ўқув предметининг мавзуси бўйича плакат, расм, афиша ёки бирор муаммо баён қилинган матн, китобдаги ўқув материалидан фойдаланиши мумкин);

✓ ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан ушбу лавҳадан (расмдан, матндан, ҳаётий воқеадан) биргаликда аниқланган муаммоларни ватман ёки А-3 форматдаги қоғозга фломастер билан ёзиб чиқади;

✓ берилган аниқ, вақт тугагач, тайёрланган ишни гуруҳ вакили томонидан ўқиб эшиттирилади;

✓ ўқитувчи гуруҳлар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қоғозларни алмаштирган ҳолда гуруҳларга тарқатилади;

✓ тарқатилган қоғозларда гуруҳлар томонидан ёзилган муаммолардан ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзини қизиқтирган муаммодан бирини танлаб олади;

✓ ўқитувчи томонидан тарқатилган қуйидаги чизмага ҳар бир гуруҳ аъзоси танлаб олган муаммосини ёзиб, мустақил равишда таҳлил этади.

Илова (фан: Педагогика)

| Муаммонинг тури                            | Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари                                                                                                                                                                                                                                     | Муаммонинг ечиш йўллари ва сизнинг ҳаракатингиз                                                                                                                                                                                                                             |
|--------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ўқувчиларда юксак маънавиятни шакллантириш | <p>1. Маънавий–маърифий тарбиянинг аҳамияти ва шахс тарбиясидаги устиворлигида</p> <p>7. Президент асарларида, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да бу масалага алоҳида эътибор берилган.</p> <p>3. Мамлакат тараққиётида маънавий–маърифий жиҳатдан тарбияланган</p> | <p>1. Дарсларда шахс маънавий–маърифий камолати мавзусига чуқур эътибор бериш.</p> <p>2. Маънавий–маърифий тарбияга таъсир этувчи манбааларни ўрганиш ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш.</p> <p>3. Маънавий–маърифий тарбияни шакллантиришга йўналтирилган педагогик</p> |

|  |                                                                                                                   |                                                                                                                                                              |
|--|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|  | шахснинг ўрни муҳимлиги.<br>4. Маънавий–маърифий тарбиянинг таълим соҳасидаги ислохатларда алоҳида ўрин эгаллаши. | технологиялардан фойдаланиш.<br>4. Маънавий-маърифий тарбияга бағишланган ва ахборот воситаларда эълон қилинаётган матери-аллардан дарс жараёнида фойдаланиш |
|--|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

- ✓ яқка тартибдаги фаолият тугагандан сўнг ҳар бир талаба бажарган таҳлилий ишини барчага ўқиб эшиттиради;
- ✓ муаммолар ва уларнинг ечими бўйича жамоавий фикр алмашилади;
- ✓ ҳимоядан сўнг ўқитувчи машғулотга яқун ясайди. Кичик гуруҳларга қизиқарли ишлари учун миннатдорчилик билдиради.

Бундай технология билан ўтказилган машғулот натижасида талабалар қайсидир муаммони ечишдан аввал унинг сабабини аниқланиши кераклигини, кейин эса уларга зарур бўлган услуб ва усулларни танлаши ҳамда ўз ҳаракатларини аниқ, белгилаб олишлари кераклигини билиб оладилар.

### **“АЖИЛ” (амалиётда жамоавий ижодий ишлар) ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Технологиянинг мақсади: талабаларда ижодий фаолият малакаларини ва жамоавий ижодий ишни ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш, жамоавий ижодий ишнинг турли шакллари билишга кўмаклашиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби: бу технология “Жамоавий ижодий ишни ташкил қилиш” мавзусидаги назарий материал ўзлаштирилгандан сўнг ёки шу мавзудаги суҳбат ёки “Мен — жамоавий иш ташкилотчиси” номли блиц - ўйин ўтказилгандан сўнг ўқув жараёнида ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлади

1. Технологиядан ўқув жараёнида фойдаланиш учун ўқитувчи машғулотнинг бошида талабалар гуруҳ билан олдиндан тайёрланган мавзу бўйича суҳбатлашиб, уларга таклиф этилган мавзулардан бирини танлашга имконият беради. Масалан, “Ўзбекистон менинг ватаним”, “Жонажон ўлкам

табиати”, “Миллий анъана ва урф-одатлар”, “Менинг факультетим”, “Билимлар маскани –университетим”, “Талабалик - олтин даврим” каби мавзулар олинishi мумкин.

2. Талабалар ўқитувчи томонидан таклиф этилган мавзулардан бирини танлашга ҳаракат қиладилар. Агар улар мавзулардан бирини танлай олмасалар, у ҳолда ўқитувчининг ўзи уларга мавзулардан бирини таклиф этади.

3. Ўқитувчи гуруҳга топшириқ бериш учун, уларга қарата қуйидаги фикрни ташлайди ва бу фикрни ўйлаб қўришларини таклиф этади:

“Фараз қилинг, факультетингиз ( университетингиз) фаолияти билан таниш бўлмаганларга шундай маълумот беришингиз керакки, бу маълумот факультетингиз (ёки университетингиз) ва унинг фаолиятини энг муҳим ва қизиқ жойларини қамраб олсин. Албатта, Сиз бундай суҳбат ўтказишингиз учун ва уларда ўз факультетингизга (ёки университетингиз) қизиқиш ва ҳавас уйғотишингиз учун аввало, суҳбатнинг мантикий кетма-кетлигини, яъни режасини тузиб оласиз. Шундайми? Шундай экан, келинг, биз ҳам машғулотимиз бошида оғзаки ҳикоямизнинг умумий режасини тузиб оламиз. Сўзлаб бермоқчи бўлган ҳикоямизни нимадан бошлаш керак?, у қандай кетма-кетлик (ёки қандай билимлар)дан иборат бўлиши керак?, деган саволларга жавоб топиб олайлик.

4. Ўқитувчи кириш сўзидан сўнг “Ақлий ҳужум” услубидан фойдаланган ҳолда, машғулотнинг қатнашчилари томонидан айтилган барча эркин фикрларни, мулоҳаза ва ғояларни ватман қоғоз ёки ўқув хонасининг тахтасига ёзиб боради. Биргаликдаги муҳокамадан сўнг талабалар суҳбатнинг ягона режа-лойиҳасини тасдиқлайдилар. Ушбу тузилган режа-лойиҳа кичик журнал, яъни ўзига ҳос оғзаки журнал саҳифаларига ўхшашлиги учун ўқитувчи ушбу суҳбатни – “оғзаки журнал” деб номлашни таклиф этади ва талабалардан ушбу оғзаки журналга ва унинг ҳар бир саҳифасига ном беришларини сўрайди.

5. Ишнинг кейинги босқичини бошлаш учун, катнашчилар кичик гуруҳларга бўлинади.

6. Ўқитувчи гуруҳларга бу ўзига хос журнални кўриб чиқишни, ҳар бир саҳифага ва журналга умумий ном берилиши кераклигини таклиф этади.

7. Кейин гуруҳларга битта саҳифани (куръа ташлаш ёки ўз хоҳишлари бўйича) танлаш имконияти берилади, ҳар бир гуруҳ ўзлари танлаган саҳифанинг мазмунини очиб бериш учун тайёргарликни бошлайди.

8. Тайёргарлик учун аниқ вақт белгиланади. Тайёргарлик вақтида гуруҳлар ўзлари танлаган саҳифа мазмунини ёритиш усуллари, шакллари, ижросини ва қандай қилиб тақдимот қилиш йўлларини аниқлайдилар, вазифаларни бажариш учун тайёргарликни бошлайдилар.

“Бизнинг факультет” мавзусидаги оғзаки журнал саҳифалари қуйидагича номланиши (гуруҳлар томонидан умумий муҳокамада келишилган ҳолда тузилган режа-лойиҳа тахминан шундай бўлиши) мумкин;

1. Саҳифа. Факультет (мактаб)имиз визиткаси (тавсифномаси, эмблемаси, шиори, касб йўналиши, қисқача тарихи ва бошқаларни - адабий-музикавий композиция шаклида намойиш этиш).

2. Саҳифа. “Ўқиш ва меҳнат биргаликда яшайди” (кўргазма) талабалар ҳаёти ва фаолияти ҳақида.

3. Саҳифа. “Бу мен, булар эса менинг дўстларим” (сахналаштириш, шаржлар, юмор, пародия ва бошқалар)

4. Саҳифа. “Гўзаллик ва мода” талабаларнинг кийиниш маданиятини (намойиш қилиш) кўрсатиш.

5. Саҳифа. “Бизнинг факультет (ёки мактаб)имиз келажакда” (фантастик лойиҳа шаклида келажак кўринишлари).

Гуруҳлар томонидан тайёрланган чиқишлар ва намойиш этишлар юқорида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Гуруҳларнинг чиқишлари кетма-кетлик билан бир-бирига боғланган ҳолда амалга оширилади, иложи борича гуруҳларнинг намойишида барча гуруҳ аъзоларининг иштироки таъминланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Гуруҳлар намоишидан сўнг, ўқитувчи талабалар билан биргаликда гуруҳлар томонидан намоиш этилган саҳифаларнинг ижобий ва салбий томонларини муҳокама қиладилар, ушбу машғулоти уларни нималарга ўргатгани ва улар нималарни билиб олишгани билан қизиқади. Ўқитувчи керакли тавсиялар ва тушунчалар беради, сўнгра машғулоти якунлайди.

## **“КОНСЕНСУС И КОНФРОНТАЦИЯ” РОЛЛИ-ИШЧАН ЎЙИН**

(“Келишув ва зиддият”)

Технологиянинг мақсади: талабаларда мантикий ва танқидий фикрлаш ҳамда муросага келиш маҳоратини шакллантириш ва болалар ҳуқуқлари муаммолари билан боғлиқ бўлган тушунчаларини аниқлаш.

Машғулоти ўтказиш кетма-кетлиги: 1. *Ўйинни бошлаш. Мазкур босқичнинг вазифаси:* у ёки бу фикрни тўғри эканлигини исботлаш орқали оппонентларни ўз томонига оғдириш.

Машғулоти ўтказиш тартиби: Талабаларга бирин-кетин тасдиқловчи фикр ёзилган тарқатма материаллар кўрсатилади. Уларга тарқатма материалларда берилган фикрларни қабул қилиш ёки қилмаслик таклиф қилинади. Тарқатма материаллардаги фикрларни қабул қилган талабалар бир томондан, қолганлари иккинчи томондан жой эгаллайдилар. Шундай қилиб гуруҳ 2 та кичик гуруҳларга ажралади. Улардан бири тасдиқланган фикрни қабул қиладди ва унинг тўғрилигини исботлайди, бошқа гуруҳ эса, оппонент бўлади. Гуруҳларнинг вазифалари - ўз гуруҳларига бошқа гуруҳ аъзоларидан кўпроқ кишини жалб этиш, яъни уларни ўз фикрларини ўзгартиришга олиб келишдан иборатдир. Ҳар бир тасдиқланган фикр устида 5 дақиқа ишланади.

Тарқатма материалдаги тасдиқланган фикрлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- болалар ҳуқуқлари ҳеч қачон етарлича ҳимоя қилинмайди;
- ўзининг ҳуқуқларини билиш ва уни ҳимоя қилиш шарафли ишдир;

-“Болалар шахсий ҳаёт кечириш ҳуқуқига эгадирлар”. Бу ҳақиқатни катталар ҳеч қачон қабул қилолмайдилар;

-Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила туриб, баъзида ўзаро зиддиятларга ҳам дучор бўлишга тўғри келади;

-Ўз ҳуқуқларимни ҳимоя қила оламан, турли услубларни маъқуллай оламан;

-ҳар бир талаба учун ўз ҳуқуқларини билиш ўта муҳимдир;

- масъулият ҳақида эса болага катталар эслатиб туришади;

- ҳамма вақт менинг ҳуқуқларим бошқалар ҳуқуқларини чегаралаб туради;

- ҳуқуқ доимо жавобгарликни сезишни тақозо этади;

- болалар ҳуқуқларини фақат катталар ҳимоя қила оладилар;

- ҳар бир инсон ўз қарашларини ўзгартириш ҳуқуқига эга;

- катталар ҳуқуқлари болаларнинг ҳуқуқларини чегаралайди;

- кучли одам ҳамиша ҳақдир;

- эркаклар ва аёллар ҳеч қачон тенг бўлмайдилар.

2. *Таҳлил. Мазкур босқичнинг вазифаси:* ўйинни ўтказиш вақтида ўз ҳолатини таҳлил қила олиш ва қуйидаги саволларга жавоб бериш:

-Ўйин шартларини бажариш қийин бўлдимми?

-Мазкур ишни бажариш вақтида нималарни ҳис этдингиз?

-Баҳс - мунозара натижасидан қониқдингизми?

-Натижага эришишингизда сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит берди?

Бу фаолият ҳамкорликда, кўтаринки руҳда ўтиши, яхши натижа билан тугаши ва суҳбатдош чарчамаслиги керак.

Баҳс-мунозараларнинг натижасини албатта таҳлил қилиш ва баҳолаш керак. Унинг муваффақияти: *биринчидан*, гуруҳлар ва уларнинг иштирокчи (ҳамкор)ларини бир-бирларига ўзларининг вазиятлари ва ҳолатларини тушунтириб, янги ахборотлар олишларига, *иккинчидан*, ўзаро муносабат вақтидаги зиддият (ёки салбий ҳолат)нинг бир қисмини йўқ қилинишига

эришишларига, *учинчидан*, қўйилган муаммони ечиб, ўзаро бир-бирларини тушунишларига боғлиқ.

**3. Мурасага келишишнинг кичик гуруҳда (жуфтликда) ташиқил этилиши.** *Мазкур босқичнинг вазифаси:* икки оппонент ўртасидаги у ёки бу фикрни тасдиқланиш розилигига эришиш.

Машғулоти ўтказиш тартиби: Талабаларга бирон-бир тасдиқланган фикрни танлаш таклиф этилади. Бу биргаликдаги иш қуйидаги кўринишда: бир киши тасдиқловчи, иккинчи киши эса, инкор этувчи бўлади. Бу фаолият якунида маълум бир жуфтликлар аниқланади (ёки агар кичик гуруҳда уч киши бўлса, учта қатнашчи). 10 дақиқа мобайнида конструктив баҳс-мунозара кўникмаси ёрдамида мураса (консенсус)га эришиш керек.

Муҳокама қилиш учун тахминий саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Сизга ўйин шартларини бажариш қийин бўлмадими?
2. Ўйин давомида сиз нималарни ҳис этдингиз?
3. Баҳс - мунозара натижасидан қониқдингизми?
4. Натижага эришишда сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит берди?

Машғулоти охирида ўқитувчи талабаларнинг фаолиятларига баҳо беради ва машғулоти якунлайди. Юқорида мисол тариқасида келтирилган педагогик технологияларни ўқув жараёнида тўлалигича ёки қисман ишлатилиши талабаларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда ҳаётда учрайдиган турли хил вазиятлардан оқилона чиқа олиш, муаммоларни еча олишга ёрдам беради.

Ушбу қўлланмага “Тарбиявий технологиялар” дастури асосида тайёрланган “Миллий маросим ва уларнинг тарбиявий аҳамияти” мавзусидаги махсус бобнинг киритилиши таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ишлар ва тадбирларда ҳам ҳозирги кун талаби асосида янги шакллар, услублар ва усулларни қўллаш талаб этилиши сабабидир. Тарбиявий ишларга янгича ёндашув қўшимча маълумотлардан, тавсиялардан, технологик усуллардан фойдаланишни кўрсатиш учун ушбу материалларни

сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Бу тавсиялардан ҳар бир ўқитувчи ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиши мумкин.

## **“ЛАБИРИНТ” ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Технологиянинг мақсади: талабаларнинг ўқув ва ҳаётий фаолиятларида учрайдиган турли ҳолат ва вазиятлардан ўз обруларини сақлаган ҳолда чиқиш, вазиятни тўғри баҳолаш ва тезлик билан керакли ечимини топиш кўникмаларини шакллантириш, шу борадаги малакаларини омширишга кўмаклашиш, уларнинг фикрлаш қобилияти ва нутқий фаолиятини ўстириш ҳамда мулоқат қилиш маданиятини шакллантириш.

Машғулоти ўтказиш тартиби: ўқитувчи машғулоти бошланиши олдида талабалар учун стуллардан доира шаклида жой тайёрлайди (доира шаклидаги жойнинг ўртасига сават (ёки тувак)даги гулдастани қўйиш мақсадга мувофиқ. Жойни бундай жиҳозланиши машғулоти қизиқарли ва жонли ўтишига ёрдам беради. Имкон бўлса, бундай машғулоти очик ҳавода, яъни табиат қўйнида ўтказилса, у ҳолда талабалар яшил майсалар устида доира шаклида бемалол жойлашиб олсалар ҳам бўлади.

Ўқитувчи машғулоти бошланиши билан талабаларни шу даврдан жой эгаллашларини сўрайди.

Сўнгра талабаларнинг фаолияти ранг-баранг ва ҳамиша ҳар турли қизиқ воқеалар, ҳодисалар, вазиятларга бой эканлиги ҳақидаги қисқача суҳбат билан машғулоти бошлайди. Мисол тариқасида ўқитувчи, талабалар фаолиятида учраган ёки учрайдиган вазиятлардан бири тўғрисида гапириб беради ва шу вазиятдан чиқиш йўлини сўрайди (ёки ўқитувчи вазиятни айтиб, унинг учта ечимини ҳам айтади ва талабалардан учта тўғри вариантдан биттасини танлашларини ва нима учун шу вариантни танлаганликларини тушунтириб беришларини сўрайди. Шундан сўнг ўқитувчи талабаларнинг хоҳишларига кўра, уч кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади ва уларга ҳар бир кичик

гуруҳ аъзолари ўз иш тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, ўқув ва тарбиявий жараёнларда ўқитувчи ва талабалар фаолиятида учрайдиган ёки учраган бирон-бир муаммоли вазиятларни эслашлари, улардан энг қизиқарли, энг муаммолисини танлаб, уларнинг ечимини (вазият, муаммонинг ечими уч вариантдан тест ёки аниқ бир жавобдан иборат бўлиши мумкин) ҳам топиб қўйиш топшириғини беради.

Ўқитувчи ёрдамида ҳар бир кичик гуруҳ навбати билан ўзлари тайёрлаган вазият ёки муаммоларни бошқаларга оғзаки баён этадилар. Кичик гуруҳлар томонидан айtilган вазият ёки муаммони ечимини топиш учун ўқитувчи уларга аниқ вақт белгилаб беради. Берилган вақт ичида кичик гуруҳ аъзолари вазият ёки муаммо ечимини топишга ҳаракат қиладилар, вақт тугагач, гуруҳларнинг жавоблари тингланади. Масалан, аввал бир кичик гуруҳ танлаган вазият ёки муаммо яна бир маротаба эсга туширилади ва қолган кичик гуруҳлар навбати билан ушбу вазият ва муаммога ўз ечимларини айтадилар. Барча кичик гуруҳлар ўзлари танлаган жавобларини айтиб бўлишгач, вазият ёки муаммони ўртага ташлаган кичик гуруҳнинг ўзи тўғри ечим ҳақида фикр билдиради, ўқитувчи ҳам шу вазият ёки муаммога нисбатан ўз фикрини билдиради ва билдирилган барча кичик гуруҳ фикрларни умумлаштиради. Сўнгра, иккинчи гуруҳ ўртага ташлаган вазият ёки муаммони муҳокамасига ўтилади, шу каби даврадаги гуруҳлар томонидан ўртага ташланган барча вазият ёки муаммолар муҳокамаси ўтказилади.

Машғулот охирида ўқитувчи талабалар ва гуруҳлар ишига баҳо беради ва вазият ёки муаммоларни ечимини топишда нималарга кўпроқ эътиборни қаратиш кераклиги тўғрисида тавсиялар беради, сўнгра машғулотни якунлайди.

Изоҳ: ушбу технологияни ўқув жараёнида ташкил этиладиган дарс (амалий ёки лаборатория) машғулотларида ҳам қўллаш мумкин. Масалан, ўқув предмети бўйича ўзлаштирилган мавзулар ёки бўлимлардан талаба ҳаётӣ фаолиятларида учрайдиган муаммоли вазиятлар, шунингдек, дарсда ўтилаётган мавзулар ичидаги муаммоларни ечимини топиш бўйича фикрларни аниқлашда

ушбу технологиянинг қўлланиши талабалар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларини янада чуқурроқ мустахкамлашларига, уларни амалиётда қўллашларида ечимини тўғри топишларига ёрдам беради.

## **“БЛИЦ-СЎРОВ”, “БЛИЦ-ЎЙИН” УСУЛИ**

Усулнинг тавсифи. Ушбу усул талабаларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида хилма-хил фикрлар, маълумотлар ичидан зарурини танлаб олишни, шу билан бир қаторда, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўтказа олиши, ўз фаолияти, иш кунини режалаштира олишни ўргатишга қаратилган.

Усулнинг мақсади: ушбу усул орқали талабаларга тарқатилган варақларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка тартибда мустақил равишда белгилаш, кичик гуруҳларда ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, ўртоқлари билан ҳамфикр бўла олиш каби кўникмаларни шакллантириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Ушбу усул бир неча босқичда ўтказилади:

1. Ўқитувчи талабаларга ушбу машғулот бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида тушунча беради. Ҳар бир босқичга мўлжалланган вазифаларни бажаришга аниқ вақт берилиши, талабалар эса шу вақтдан унумли фойдалинишлари зарурлиги ҳақида уларни огоҳлантиради;
2. Ўқитувчи ҳамма талабаларга алоҳида-алоҳида тарқатма материал беради ва улардан ушбу материални синчиклаб ўрганишларини сўрайди;
3. Ўқитувчи тарқатма материал мазмунини ва бажариладиган вазифа (тарқатма материалда берилган ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри белгилаш, белгини қоғозда алоҳида ажратилган бўлимга рақамлар билан қўйиш кераклиги)ни тушунтиради;
4. Тарқатма материалда берилган вазифа дастлаб якка тартибда

бажарилишини таъкидлайди;

5. Ҳар бир талаба ўзининг шахсий фикри асосида тарқатма материалдаги “якка баҳо” бўлимига берилган ҳаракатларнинг мантиқий кетма-кетлигини рақамлар билан белгилаб чиқади;
6. Талабаларнинг якка тартибдаги ишлари тугагач, ўқитувчи улардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этишларини сўрайди. Кичик гуруҳлар талабаларнинг хоҳишларига қараб ёки рақамлар бўйича ташкил этилиши мумкин;
7. Кичик гуруҳлардаги талабаларнинг ҳар бири ўз варағидаги “якка баҳо” бўлимида белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлиги билан бир-бирларини таништирадilar, кейин улар 3 кишида уч хил бўлган кетма-кетликни биргалашиб (бир-бирлари билан баҳслашиб, бир-бирларига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириб) келишган ҳолда, тарқатилган қоғоздаги “гуруҳ баҳоси” бўлимига муқобил рақамларни белгилаб чиқадилар;
8. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, ўқитувчи ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича тўғри жавобни беради, яъни талабалардан уларга тарқатилган варақлардаги “тўғри жавоб” бўлимига у томонидан айтилган ҳаракатлар кетма-кетлиги рақамларини ёзишни сўрайди;
9. Ўқитувчи “тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлар билан “якка баҳо” ҳамда “гуруҳ баҳоси” бўлимидаги рақамларни солиштириш ва каттасидан-кичигини айириш, айирмаларни мос ҳолда “якка хато” ва “гуруҳ хатоси” бўлимларига ёзишларини сўрайди;
10. Ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тушунча беради ва уларни ҳар бирини алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради;:
11. Ўқитувчи машғулоти якунлаб, гуруҳларнинг машғулоти мобайнидаги иш фаолиятларига ўз фикрини билдиради ва талабаларнинг билимини иловадаги мезонлар асосида баҳолайди ёки мос келган тўғри жавоблар сонига қараб ҳар бир талаба ўз баҳосини иловада кўрсатилгандек аниқлайди.

Изоҳ; мисол тариқасида “Мустақиллик йиллари” мавзусидаги блиц — сўровнинг жадвалини келтириш мумкин (ҳар бир ўқитувчи ўз предмети бўйича ўтаётган ёки аввал ўтган мавзуси асосида ушбу жадвалдан фойдаланиб блиц-сўров тузиши мумкин.

**Илова**

**Блиц-сўров: “Мустақиллик йиллари”**

| Гуруҳ баҳоси | Гуруҳ ҳағоси | Тўғри жавоб | Якка ҳағо | Якка бағо | Йилларнинг номланиши                         | Йиллар |
|--------------|--------------|-------------|-----------|-----------|----------------------------------------------|--------|
|              |              | 12          |           |           | <b>Ижтимоий ҳимоялаш йили</b>                | 2007   |
|              |              | 1           |           |           | <b>Амир Темур йили</b>                       | 1996   |
|              |              | 11          |           |           | <b>Хомийлар ва шифокорлар йили</b>           | 2006   |
|              |              | 2           |           |           | <b>Инсон манфаатлари йили</b>                | 1997   |
|              |              | 10          |           |           | <b>Сихат-саломатлик йили</b>                 | 2005   |
|              |              | 3           |           |           | <b>Оила йили</b>                             | 1998   |
|              |              | 9           |           |           | <b>Меҳр-мурувват йили</b>                    | 2004   |
|              |              | 4           |           |           | <b>Аёллар йили</b>                           | 1999   |
|              |              | 8           |           |           | <b>Обод маҳалла йили</b>                     | 2003   |
|              |              | 5           |           |           | <b>Соглом авлод йили</b>                     | 2000   |
|              |              | 7           |           |           | <b>Карияларни кадрлаш йили</b>               | 2002   |
|              |              | 6           |           |           | <b>Она ва бола йили</b>                      | 2001   |
|              |              | 13          |           |           | <b>Ёшлар йили</b>                            | 2008   |
|              |              | 16          |           |           | <b>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик</b>  | 2011   |
|              |              | 15          |           |           | <b>Баркамол авлод</b>                        | 2010   |
|              |              | 17          |           |           | <b>Мустақил оила</b>                         | 2012   |
|              |              | 14          |           |           | <b>Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили</b> | 2009   |

9 - 11 та тўғри жавоб – “қониқарли”

12 - 13 та тўғри жавоб – “яхши”

14-17 та тўғри жавоб — “аъло”

## “ФСМУ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида талабаларнинг ўқув машғулоти хамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач қўлланилиши мумкин. Чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда ўқувчи-талабалар томонидан ўқув жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгалланганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда талабаларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Технологиянинг мақсади. Ушбу технология талабаларни тарқатилган тоза варақга ўз фикрларини аниқ, ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Машғулоти ўтказиш тартиби: ўқитувчи ҳар бир талабага ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган варақларини тарқатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни илтимос қилади. Бу ерда:

- Ф- фикрингизни баён этинг;
- С- фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;
- М- кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг;
- У- фикрингизни умумлаштиринг.
- ўқитувчи талабалар билан баҳс мавзуси (ёки муаммо)ни белгилаб олади;
- якка тартибдаги иш тугагач, талабалар кичик гуруҳларга ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;
- кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган варақлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда тўрт босқич бўйича ёзишларини таклиф этилади;

- ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида ҳимоя қилишларини сўрайди;

- машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан якунланади.

Трқатма материалнинг тахминий нусхаси

Вазифа. “Педагогик технология ўзини оқлайди!” мавзуси бўйича қуйидаги фикрларингизни баён этинг:

Ф - фикрингизни баён этинг;

С - фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;

М- кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;

У - фикрингизни умумлаштиринг.

## ГЛОССАРИЙ

**Аутоген тренировка** - шахснинг мақсадга йўналтирилган ҳолда ўз-ўзига психологик таъсиридир.

**Автократлик** - ҳокимлик, кишининг буйруқбозлик, кўрсатмалар бериш ва жазолаш каби шаклларда бошқаларга нодемократик усуллардан фойдаланган ҳолда таъсир этишга мойиллиги.

**Агрессивлик (тажовузкорлик)** - душманлик, бошқаларга, атрофдагиларга зарар етказиш, тажовўз қилиш, ноқулайлик туғдириш мақсадини амалга оширувчи шахснинг хусусияти.

**АЖИЛ** (амалиётда жамоавий ижодий ишлар) жамоавий ижодий ишни ташкил қилиш, тайёрлаш ва ўтказиш услублариини ўрганиш ҳамда ижодий фаолиятни шакллантиришга йўналтирилган.

**Аутотренинг** - ўзини-ўзи ишонтириш, шахснинг ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган махсус машқлар тўплами. Аутотренингдан шахснинг ўз руҳий ҳолати ва хулқини бошқаришда фойдаланилади.

**Ахборотли малака** - таълим ва тарбия масалаларига ахборотларни мослаштириш ва талқин қилиш малакаси.

**Ахлоқ** - шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий хулқ қоидалари, у ижтимоий онг шаклларида биридик.

**Баён қилиш** - тарбиячи томонидан ўрганилаётган материал мазмунини изчил сўзлаб бериш услубиёти.

**Баҳслашув** - талабалар ўртасида баҳс, мунозаралар ўтказиш ва баҳслашув клубларини ташкил этиш ҳамда уларни баъзи янглиш фикрлар, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга қарши курашиш, иоўрин фикрларга ўз вақтида қаршилиқ кўрсатиш ёки билдирилган фикрни тўғри, нотўғри эканлигини аниқлаб олиш, ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш,

таъсир эта олишга ўргатиш ва баҳслашиш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган.

**Билиш фаолияти** – ҳаракат қилиш ҳисси, назарий фикрлаш ва амалий фаолият бирлиги.

**Бошқариш** - ташкил этиш, қарор қабул қилишга қаратилган фаолият, объектни ўз хизмат вазифаси доирасида назорат қилиш, тартибга солиш, ишончли ахборотлар асосида таҳлил қилиш ва яқун яшаш.

**Бошқарув** - ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда талабаларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништириш ва ўргатишга қаратилган.

**Бурч** - муайян ахлоқий мажбуриятларни ҳис қилиш, унинг зарурлигини англаш.

**Вазифа** - мақсад ва уни амалга ошириш босқичларининг ойдинлаштирилиши.

**Вербал** - ифодали, оғзаки.

**Гипноз** - психологик таъсир натижасида яқка шахс, гуруҳ ёки жамоанинг онг ва онг ости фаолиятига таъсир этиш тушунилади.

**Давлат ва жамият**-узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлиги таъминлайди.

**Давлат ва жамият**–таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари.

**Дидактика**-педагогиканинг таълим жараёнини умумий қонуниятларини ўргатувчи қисми бўлиб, “didasko” – “ўқитиш”, “didachol”-ўргатувчи деган маъноларни билдиради.

**ДТС (давлат таълим стандарти)**-таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари ва уларнинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди.

**Дунёқараш** - шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи қарашлар, эътиқод ва фикр-ўйлар тизими.

**Жамоа** - умумий мақсад йўлида шахснинг ўзаро муносабатлари, ташкилийлиги ва интилишлари билан бир-бирига монанд турғун социал (ижтимоий) гуруҳ.

**Идеал** - олий мақсад, бирор нарсанинг намунаси, шахс, гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари, интилишлари интиҳоси.

**Иерархия** - оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали талабаларни мантиқий, танқидий ва ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган.

**Иерархия техникаси** - мураббийларнинг шахсий ва касбий фазилатлари ҳамда мураббий фаолияти учун зарур бўлган фазилатларни тарбиялашга йўналтирилган.

**Изоҳлаш, тушунтириш** - оғзаки изоҳ, ёритилиши лозим бўлган . турли материалларни изоҳлаш, исботлаш, таҳлил қилиш.

**Илмий аспект**- педагогик технология педагогик фаннинг қисми сифатида таълим услублари, таркиби ва мақсадларини ишлаб чиқиб ўрганади, ҳамда шу билан бирга педагогик жараёнларини лойиҳалаштиради.

**ИМАК** (ишонтириш мактаби) - ишонтириш (муроса йўллари топиш, уни асослаб бериш), ташкилотчилик қобилиятини, ноанъанавий вазиятларда ўзини ва жамоани бошқара олиш ҳамда мумкин бўлган муаммоли вазиятларни олдиндан кўра билиш, уларни ҳал қилиш йўллари излаб топиш маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган.

**Индивидуаллик** - шахснинг бетакрор биоижтимоий хусусиятлари.

**Инсонпарварлик** - 1) инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати, унинг кадрини ҳурмат қилиш, киши манфаатлари учун қайғуриш ғоялари билан суғорилган ва кишилар ўртасидаги тенглик, ҳалоллик, инсоний муносабат тамойилларига асосланган дустона қараш; 2) инсонийлик, инсонларнинг бунёдкорлигига ишончи.

**Интеллект (ақл) - шахснинг** турли фаолият турларини муваффақият билан ўзлаштиришини бошлайдиган туғма ва ўзлаштирилган барча ақлий қобилиятлар тўплами.

**Интервью** - талабани саволни тўғри тузиш, савол бера олиш, саволга тўғри жавоб бериш, бошқаларни тинглай олиш маданиятига ўргатишга қаратилган.

**Ишонгира олиш** - ахборот оқимининг шахс томонидан танқиддан ҳоли, эркин равишда ўзлаштиришга эришишни кўзлаган руҳий таъсир этиш услубиёти.

**Ишонч ҳосил қилиш** - шахснинг муайян қоида ва талабларини онгли равишда ўзлаштириш воситасида тарбиялаш услубиёти. Тегишли маълумотлар ва далилларга асосланиб, шахснинг ўз ҳукми ва ҳулосалари тўғрилигига ишончни юзага келтириш жараёни ва натижалари.

**Ишлаб чиқариш** – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

**Ичиқоралик** - ўзгаларнинг муваффақиятсизлигидан севиниш.

**Ички ҳолат (мавқе)** - шахснинг кундалик эҳтиёжи билан узвий боғлиқ ва ҳаётининг муайян даври фаолиятининг асосий мазмуни ва йўналганлигини белгиловчи ижтимоий кўрсаткичлар тизими.

**Истиқболни белгилаш малакаси** - ижтимоий ва билиш жараёнларини режалаштириш ва бошқариш.

**Йўлдош алоқа тизимлари.** Кўплаб ер устидаги станцияларни ва ер сунъий йўлдошдаги ретренсляторларни ўз ичига олади.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**-1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат.

**Калокагатия** - гўзаллик ва олижаноблик ҳамда жисмоний ва маънавий бойликлар бирлиги.

**Касбий - педагогик мулоқот** - педагог ва тарбияланувчининг ўзаро зич ижтимоий - руҳий алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, мулоқот воситалари ёрдамида ўзаро муносабатларини ташкил этиш ҳисобланади.

**Касбий билимдонлик** - педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёрлик бирлиги.

**Касб таълими жараёни**-педагогик жараённинг муҳим қисми, у ўқитиш, билим бериш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш билан бирга касбга йўналтиради.

**Касб таълими методлари**-талабаларни бевосита касбга йўналтирувчи усуллар мажмуаси.

**Касбий таълим услубиёти**-талабаларни касбга йўналтиришнинг шакл, метод ва воситаларининг бирлиги.

**Келишув ва зиддият** - мантиқий ва танқидий фикрлаш, муросага кслиш маҳоратини шакллантириш ҳамда асосли баҳслашиш қоидалари билан таништириш, зиддиятларни ечишда ҳар кимнинг ўз услубларини топа олишларига кўмаклашишга йўналтирилган.

**Когнитив** - билиш жараёни.

**Компьютерлар** - компьютер техникаси ҳозирги вақтда тезкорлик билан ривожланмоқда. Бу энг, аввало, оператив хотира ҳажми, винчестерли дискеталар, ташқи хотираси ҳажми, компакт оптик дисклар ҳажми каби техник характеристикаларнинг яхшиланишига хос бўлиб, уларда тезкорлик ошмоқда. Кейинги вақтда турли оптик хотираловчи қурилмалар (видео-дисклар, оптик дисклар).

**Креативлик** - бетакрор кадриятлар яратувчи, ностандарт ечимлар қабул қилувчи шахснинг ботиний қобилияти.

**Кузатиш** - бирор педагогик ҳодиса бўйича аниқ далилий материал олиш мақсадини кузлаган ҳарок этиш шакли.

**КБИ** (кузатиш, баҳслашиш, ишонтириш) - фаол ҳаётий ҳолатни, сардорлик сифатларини, жамоада ишлаш кўникмаларини ҳамда ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда далиллаш, ишонтириш, асослаш, мунозара олиб бориш маҳоратини, мурасага келиш ва излаш қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган.

**Лойиха** - талабаларни мустақил фикрлаш, ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни эслаш, уларни ёзма баён этиш, фикрларни умумлаштиришга ўргатишга йўналтирилган.

**Масофавий ўқитиш** янги ва анча прогрессив бўлган ўқитиш шаклидир. Бу усулни турли хил муассасаларига татбиқи, хусусан иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳаларга тадбиқи талаба ва ўқитувчиларнинг илғор дунё илмий мактабларининг юқори сифатли ўқув услубий ишланмалари, замонавий ва сўнгги ахборотлардан қаерда бўлишидан қатъий назар тўғридан тўғри фойдаланиш имкониятларини беради. Буларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда олий ва ўрта таълим вазирлиги устоз фонди қиёфасида жаҳон институти билан олий таълимда масофавий ўқитиш усули компонентларини татбиқ қилиш ҳақида келишув тўзилди.

**Мафкура** – ғоя ва қарашлар тизими.

**Мақсад** — фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаш.

**Мақтов** - фойдали иш қилган шахсни ёки жамоани оғзаки таққирлаш.

**Маълумот**—таълим-тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуи.

**Мифология** – қадимги дунё халқларининг дунё ва табиат ҳодисалари, уларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги, худолар ва қаҳрамонлар ҳақидаги ривоятлари, афсоналари, бу афсонада қадимий халқларнинг дунё ва худолар ҳақидаги ибтидоий тасаввурларининг акс эттирилиши.

**Модуллик** - Ўқув курсига боғлиқ бўлмаган ҳолатда шахсий, ҳамда группа талабига жавоб берадиган ўқув режасини амалга оширади.

**Мотив** - маълум эҳтиёжларни қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни.

**Мотивация** - шахсни фаол хатти-ҳаракатларга ундовчи сабаблар, асослар тўплами бўлиб, у айна замонда киши хулқини физиологик ва психологик бошқаришнинг дивамик жараёнини ҳам билдиради ва фаолиятининг йўналишини, фаоллигини, уйғунлигини ва турғунлигини белгилайди.

**Муаммоли вазият** - ўқув вазияти бўлиб, у машаққат билан ҳал қилинадиган масала туфайли юзага келади.

**Мулоқот** - кишиларнинг ўзаро муомалаларида ахборотлар алмашиш тавсифи, талабаларни дарс жараёнида диққатини ўзига жалб этиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

**Мулоқотнинг етакчи тури** - ривожланишнинг маълум бир даврида атрофидаги кишилар билан муомалада етакчилик қиладиган мулоқот тури бўлиб, унинг натижасида шахснинг асосий сифатлари шаклланади.

**Мулоқот кўникмаси** - муомала қила олиш ва педагогик техника малака ва кўникмаси.

**Мулоқот фаолияти** - педагогнинг тарбияланувчилар, бошқа педагоглар, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар билан мақсадга мувофиқ ўрнатган муносабатлари

**Мунозара** - 1) матбуотда, суҳбатда бирор баҳсли масалани муҳокама қилиш, баҳс; 2) муайян муаммо бўйича фикр алмашишга асосланган таълим услубиёти.

**Мураббий ва жамоа** - мураббий ва жамоа билан ишлаш муаммолари моҳиятини аниқлаш малакасини шакллантириш, унинг ечимини излаш ва топишга йўналтирилган.

**Низо** (зиддият) - қарама-қарши қарашлар, фикрлар тўқнашуви, жиддий зиддият, қизғин баҳс.

**Низоли ҳолат (вазият)** - бир ёки бир неча киши ўртасидаги келишмовчиликларнинг юзага келиши.

**Одат** - кишининг маълум эътиқодлар, қадриятлар ёки ахлоқий меъёрлардан келиб чиқиб, амалга оширадиган онгли фаолияти.

**Педагог** — тарбиячи, ўқитувчи, дарс берувчи.

**Педагогика** - ёш авлод таълим ва тарбияси ҳақидаги фан.

**Педагогик жараён** - таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларюгаг мақсадли ўзаро муносабатлари.

**Педагогик масала** - педагогик жараённинг асосий бирлиги, ўзига хос тизимидир. У воқеликни билиш ва қайта яратиш зарурияти билан боғлиқ тафаккур қилинадиган педагогик вазиятдир. Таълим қатнашчиларининг маълум бир мақсадини кузлаган таълим ва тарбиядаги моддийлаштирилган вазиятдир.

**Педагогик маҳорат** - педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатда келтира олиш, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

**Педагогик такт** - ўқувчилар фаолиятининг турли доираларида улар билан мулоқотда бўлишнинг педагогик тамойили, ўлчови, талабалар билан уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, тўғри мулоқотда бўла олиш малакаси.

**Педагогик техника** - 1) ҳар бир таълим оловчига ва жамоага педагогик таъсир ўтказишда самарали қўллаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар мажмуаси; 2) ҳар бир таълим оловчи ва жамоанинг фаоллигини педагогик жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар.

**Педагогик технология** - таълим шакли, усули, услублари, тарбиявий воситаларнинг махсус йиғилишини аниқловчи психологик-педагогик кўрсатмаларнинг мажмуидир.

**Педагогик технология-бу** ўқув жараёнини амалга оширилишининг сермазмун техникасидир.

**Педагогик технология-ўқитишнинг** режалаштирилган натижаларига эришиш жараёнининг тавсифларидир.

**Педагогик технология** - бу ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилиши, ташкил этилиши, ўтказилиш бўйича барча тавсилотлари билан ўйлаб чиқилган жамоа педагогик фаолиятининг модели ҳисобланади, талаба ва ўқитувчиларга қулай шароитлар яратади.

**Педагогик технология** - бу таълим шакллари оптимизациясини ўзига мақсад қилиб олган инсон ҳамда техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услубларидир.

**Педагогик технология** - педагогик мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган шахсий, интеллектуал, услубий воситаларнинг амал қилиш тартибидир.

**Психология** - 1) шахснинг ҳақиқий борлиқни фаол акс эттириш жараёнини ўрганувчи фан; 2) маълум бир фаолият турининг ўзаро шартланган руҳий жараёнлар тўплами; 3) руҳият, табиат хусусияти, кўнгил хазинаси.

**Процессуал-тавсифий аспект** - таълимда режалаштирилган натижаларга эришиш учун жараённи тасвирлаш, мақсад, таркиб, услуб ва воситалар мажмуидир.

**Процессуал-амалий аспект** - педагогик (технологик) жараённинг амалга ошириши, барча педагогик методологик (услубий), инструментал воситаларига амал қилиш.

**Программа муаммолари** - булар таълим тизимида фойдаланиш учун программа таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди.

**Релаксация** - шахснинг мускул, асаб ва руҳий тизимини бўшаштириш тушунилади.

**Релаксопедия** - шахснинг мускул, асаб ва руҳий осойишталиги даврида унга билим, малака ва кўникмаларни сингдириш.

**Рефлексия** - такрорлаш, акс этиш, ўз ҳаракатлари ва ҳолатларини таҳлил қилиш.

**Роль ижро этиш** - қатнашувчиларнинг якка ва гуруҳ бўлиб турли ролларда (сахнада) чиқиши, образга кириши.

**Сардор** - гуруҳ аъзоларига лозим бўлган вазиятларда сезиларли таъсир ўтказа оладиган шу гуруҳнинг етакчи аъзоси.

**Суггестия** - уқтириш, тўла ишонч ҳосил қилиш.

**Сухбат** - кузатув чоғида етарли даражада аниқ бўлмаган зарур ахборотни олиш учун қўлланадиган тадқиқот услубиёти.

**Сунъий интеллект тизимлари** - Сунъий интеллект элементли ЭХМнинг одатдаги ЭХМдан фарқи шундаки, одатдаги ЭХМлар фақат статистик маълумотларни, сунъий интеллект тизимлари эса билимларни ишлаб чиқади.

**Сценарий (“Саҳна”)** - ижодий фикрлаштириш, ривожлантириш, тадбирнинг режа-сценарийсини тузиш кўникмаси ҳамда саҳна ва актерлик, маданият, режиссура, тадбирни ташкил қилиш, нотиқлик маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган.

**Танқид қилишни ўрганиш** - танқид кўринишларининг таснифи, уларни ишлатиш йўллари билан таништириш, танқидни тўғри қабул қилиш кўникмаси ва танқид қилиш маданиятини шакллантириш.

**Тазйиқ ўтказиш** - уятга қўйиш, айбдорлик ҳисси ёки кўнгил чўкканларнинг фикри, ҳиссиёти, интилиши ва майлини уларнинг онгидан халос қилиш.

**Тайёргарлик муаммолари** - булар ўқитувчи ва талабаларнинг ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш билан боғлиқ.

**Талқин қилиш** - бирор ҳодиса ёки нарсани изоҳдаш, тушунтириш.

**Такаббур** - ўз манфаатларини юқори қўювчи, манман шахс

**Тарбия** - 1) шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиш; 2) педагогик жараёнда таълим мақсадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти.

**Танишув** - талабаларни бир-бири билан таништириш, дўстона муносабат ва ижодий муҳит юзага келтириш, уларнинг ижодий имкониятлари ва шахсий сифатларини очиш, жамоада ишлаш умун қулай шароит вужудга келтириш ҳамда талабалар ўртасида психологик тўсиқларни енгишга йўналтирилган.

**Тарбиячининг инновацион фаолияти** - ижтимоий-педагогик феномен бўлиб, ижодий имкониятни акс эттириш, кундалик фаолиятдан четга чиқишдир.

**Тафаккур** - инсон акдий фаолиятининг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларни билиш жараёни, муҳим ҳаётий жараёнларни ҳис қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш, маълум бўлмаган воқеа-ҳодисаларни қидириш, келажакни қўра олиш. Тафаккур, тушунча, ҳукм, хулоса шаклларида намоён бўлади.

**Таълим тамойиллари** - умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ҳамда ўқитиш жараёнларининг йўналиши, талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим, малака ва кўникма ҳосил қилишнинг асосий қонун қоидалари йиғиндисидир.

**Таълим технологияси** - бу дидактик тизимнинг асосий процессуал қисмидир.

**Тежамкорлик** - Ўқув майдонлардан, техник воситалардан, транспорт воситалардан унумли фойдаланиш, ўқув ахборотларини тўпланган ва бир хилликка келтирилган ҳолда ифодалаш ҳамда уларга эришилган мутахассисларни тайёрлаш ҳаражатларни камайтиради.

**Телеконференциялар** - Телеконференциялар замонавий ахборот технологияларнинг амалга оширилишига мисол бўлаолмайди. Телеконференциялар ўтказиш учун қуйидаги аппаратуралар фойдаланилади: термиваллар, телевизия камералар, график дисплейлар, катта намоиш экранлари.

**Техник муаммолар**-булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уни қўлланиш хусусиятларини белгилайди;

**Темперамент** - 1) шахспинг руҳий фаолияти дивамикасининг турли жиҳатларини билдирадиган гургуҳ шахсий хусусиятларининг қонуний муносабатлари; 2) шахснинг динамик хусусиятлари: жадаллик, тезкорлик, даража, руҳий жараёнлар ва ҳолатлар ритми.

**Технология** - ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ашёнинг ҳолати, хусусияти, шаклини ўзгартириш услубиётлари тўплами.

**Технология** - бу бир ишда, маҳорат ва санъат қўлланиладиган усуллар йиғиндисидан иборат.

**Технологиклик** - Таълим бериш жараёнида инсонни жаҳон постиндустриал фазодаги мунособотларига имкон берадиган янги эришилган информацион ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш.

**Технологик жадвал** - технологик жараённинг шартли тасвири, унинг алоҳида функционал элементларига бўлиниши ва улар ўртасидаги мантиқий алоқаларнинг белгиланиши.

**Технологик ҳарита** - жараёни босқичма-босқич усулда ифодалаш, бунда мақбул бўлган воситалар кўрсатилади (бу одатда график шаклда ифодалавади).

**Технологик нюанслар** - илмий адабиётларда одатда педагогик тизим тушунчаси педагогик технология сифатида кўрсатилади. Лекин педагогик технология кенгроқ маънодаги тушунча бўлиб, ўзига хос педагогик фаолиятнинг объект ва субъектларини олади.

**Узлуксиз таълим** - малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

**Умумий педагогик даража** - умумпедагогик (умумдидактик, умумтарбия) технология берилган ҳудуддаги таълим масканида таълимнинг маълум даражасидаги тўлиқ умумтаълим жараёнини тавсифлайди.

**Услубиёт** - бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган услублар йиғиндиси.

**Учлик** (САН-самарали, ахлоқий, вазокатли) - безак ишлари, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ижодий тасаввурни ривожлантириш, ташкилотчилик қобилиятларини, турли бадий эскизларни тайёрлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган.

**Фан** – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи.

**Фаолият** - 1) онгли мақсад билан бошқариладиган кишининг ички (руҳий), ташқи (жисмоний) фаоллиги; 2) атроф-муҳитнинг кишилар томонидан мақсадга мувофиқ қайта бунёд этилиши.

**Хайрихоҳлик** - кишиларга очик кўнгил бўлиш, илтифотли, марҳаматли бўлиш.

**Чегараланган даража** - чегараланган технология-таълим-тарбия жараённинг алоҳида қисмларини ифодалаб, хусусий дидактик ва тарбия масалаларини ечади (фаолиятнинг алоҳида турларини технологияси, тушунчаларнинг шаклланиши, янги билимларни ўзлаштириш, материални назорат қилиш ва қайтариш технологияси).

**Шахс** – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи.

**Шахс** - 1) кишиларнинг ижтимоий хулқи, инсонлар орасида ўзини тутишини акс эттирадиган руҳий сифатлари мажмуини билдирувчи тушунча; 2) турли-туман сифатлар тизимидаги кишининг руҳий, маънавий моҳияти; 3) ижтимоий моҳият касб этган ва ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган киши.

**Шахсий фазилят** - шахс томонидан ўзининг ахлоқий-руҳий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиши.

**Эгилувчанлик** - Ўзига қулай вақтда, жойда ва шароитда ўқитиш имкониятини беради.

**Электрон почта** - Корреспонденцияларни алмашиши учун почтага ўхшаш равишда ахборот узатишда электрон усуллардан фойдаланиш, яъни босма материаллар, жадваллар ҳамда журналларни узатиш. Электрон почта қоғозсиз почта алоқалари хизматидан иборат бўлиб, аслида ҳужжатли хабарларни тўплаш, ишлаб чиқиш ва тақдим этиш ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари тизимидир.

**Эстетик тарбия** - гўзалликни ҳис қилиш, атроф-муҳитдаги гўзалликни пайқай олиш ва тушунишга бўлган қобилиятни тарбиялаш.

**Эътиқод** - шахс амал қиладиган билим, тамойил ва идеалларнинг ҳаққонийлигига қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-

муҳитга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига бўлган субъектив муносабати.

**Эҳтиёж** - шахснинг бирор нарса-ҳодисага муҳтожлиги ва кишининг руҳий қуввати ва фаоллиги манбаи ҳисобланадиган асосий хусусияти.

**ЭҲМ тармоқлари** - Ҳозирги вақтда билимларнинг барча соҳаларида ЭҲМ ёки компьютер (локал ёки глобал) тармоқлари кенг тарқалди.

**Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни** - 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат.

**Ўз-ўзини баҳолаш** - кишининг ўз руҳий сифатларини, ҳуққини, ютуқлари ва муваффақиятсизликларини, кадр-қимматини, камчиликларини баҳолай олиши.

**Ўз-ўзини тарбиялаш** - 1) шахсга хос бўлган маданиятнинг шаклланишига ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолияти; 2) шахснинг ўз жисмоний, руҳий ва ахлоқий сифатларини тинмай амалга ошириш.

**Ўйин** - у фаолиятнинг шундай бир турики, у ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришга ва бунёд этишга, ўз хатти-ҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

**Ўқитувчи шахси** - ўқитувчининг инновацион фаолиятини очиб берувчи «Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар» мавзусидаги мустақил фикрлашга қаратилган.

**Ўқитувчиларнинг янги вазифалари** - Масофавий ўқитиш ўқитувчининг вазифаларини кенгайтиради ва янгилайди. Ўқитилаётган курслари доимо такомиллаштириш, ижодий фаоллигини юксалтириш ва малакасини, киритилган янгиликлар ва инновацияларга мос билим жараёнини мувофиқлаштириши зарур.

**Ўқитиш мазмуни** - Ўқитиш жараёни, усуллари ва ташкилий тартибини амалга оширилиши унинг таркиби билан ифодаланади.

**Ўқитиш объекти** - Масофавий ўқитиш таълим хизматларидан фойдаланувчи ушбу усулда таълим олувчилар объектлари бўлади.

**Ўқитиш субъектлари** - Масофавий ўқитиш субъектлари ўқитувчилар ҳисобланади. Ўқитувчи таълим жараёнининг юқори самарасини таъминлашда асосий бўғиндир. Масофавий ўқитиш ўқитувчи фаолиятининг муҳим ихтисослигида компьютер терминини киритиш зарурлигини келтириб чиқаради. Бу - ўқитувчи маслаҳатчи, у фундаментал информатика ва телекоммуникациялар асосларини билиши керак.

**Ўқитиш усуллари** - Масофавий тартиб ўз ичига 5 та умумдидактик ўқитиш усуллари олади: информацион-рецептив, репродуктив муаммовий ифода этиш, эвристик ва тадқиқот. Улар ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ҳаракат педагогик актларнинг бутун тўпламларини ўзига қамраб олади.

**Ўқитиш усули** - Ўқитиш мақсадларига эришиш учун ўқитувчи ва талабалар ўзаро ҳаракати таъсири меёрлар тизими тўғрисида назарий тасаввурлаб берадиган дидактик туркумдир.

**Ўқитиш мазмуни** - Бу ўқув информациянинг таркиби, тузилиши ва маълумоти ҳамда масалалар, топшириқлар ва машғулотлар тўплами, улар касбий малака ҳамда ҳаракатларини шакллантиради, меҳнат фаолиятининг дастлабки тажрибасини йиғишга имкон беради.

**Ўқитиш воситалари** - Масофавий ўқитиш таълими жараёнида анъанавий таълим билан бирга инновацион ўқитиш воситаларидан фойдаланилади. Улар компьютер техникаси,

телекоммуникация қўллашга ҳамда таъминот технологияси соҳасида охириги эришилган натижаларга асосланган.

**Ўқув\_илмий моддий асоси** - Ўқув дастурларига мос бўлган, ўқитиш учун зарур моддий ва техникавий тўплам. У ўз ичига ўқув ва ўқув ёрдамчи жойларни, ўқитиш техник воситалари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ҳамда ўқув-услубий материалларни олади.

**Қисман педагогик даража** - қисман предметли педагогик технология “қисман методика” тушунчасини беради, яъни бир фан доирасида тарбия ва таълим, услуб ва воситалар мажмуидир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллик оstonасида. Т. Маънавият, 2011. -435 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.-176 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997. -64 б.
4. Каримов И.А. БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. //Ўзбекистон овози г., 2010 йил 23 сентябрь.
5. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи, 1992. -160 б.
6. Аҳмеджонова А. ва бошқ. Комил инсон давр талаби. Т. “Янги аср авлоди”, 2004, -150 бет.
7. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: Фан, 1990. - 170 б.
8. Бобобеков Х, Давлетшин М.Г., Ишмуҳамедов Р.Ж. в.б. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказиладиган удумлар ва асосий тадбирлар тизими (2-китоб) - Т.:Фан, 2005. - 90 б.
9. Зуннунов А., Хайруллаев М. Педагогика тарихи.- Т.: Шарқ, 2000. - 240 б.
10. Имомназаров М., Эшмуҳамедона М. Миллий маънавиятимиз асослари: (Олий ўқув юртлари учун маъруза матнлари)- Т. : Тошкент ислом университети, 2001.-432 б.
11. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2 китоб).—Т.: ТДПУ, 2009. - 108 б.
12. Ишмуҳамедов Р.Ж. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008. - 68 б.

13. Мухамедов Ғ.И., Тўракулов Х.А. Заъонавий педагогик тадқиқотларнинг илмий назарий асослари. Тошкент, “Фан”, 2004 - 230 б.
14. Маҳмудов Р. Дегонимни улусқа марғуб эт. - Т.: Ўзбекистон, 1992. - 88 б.
15. Мусурманова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 192 б.
16. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2011.- 482 б.
17. Педагогик атамалар луғати. Тошкент. “Фан”, 2008 – 231 б.
18. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: 2006. – 156 б.
19. Тўракулов О.Х. Ахборотлаштирилган таълим муҳитини яратишнинг методологик асослари. Тошкент, 2010 – 242 б.
20. Хикматнома. Тўплам //Тўпловчи Н.Эшонқулов - Т: Чўлпон, 1992. - 112 б.
21. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Маматкулов Р. Педагогика. Тошкент, 2005.-176 б.
22. Ғозиев Э. Психология (Ёш даврлари психологияси) /Қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 223 б.
23. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х.А., Алқаров И., Усманов Н.Ў. Педагогика. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2011.- 482 б.

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                            |           |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| Кириш_____                                                                                                 | 3         |
| <b>I МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОБ. БОСҚИЧИ ВА ПЕДАГОГИК МУАММОЛАР. ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ_____</b> | <b>6</b>  |
| 1.1. Таълимда инновация_____                                                                               | 6         |
| 1.2. Дарс услубиёти ва техникаси_____                                                                      | 18        |
| <b>II ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА БОБ. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ_____</b>                                 | <b>25</b> |
| 2.1. Ўқитувчининг инновацион фаолияти: маҳорат, ижодкорлик, новаторлик_____                                | 25        |
| 2.2. Бошқарув педагогикаси_____                                                                            | 35        |
| 2.3. Дарсга кириш ва уни таҳлил этиш зарурати_____                                                         | 41        |
| <b>III ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА БОБ. ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР_____</b>                             | <b>46</b> |
| 3.1. Педагогик технология ва интерфаол услублар – давр талаби_____                                         | 46        |
| 3.2. Ўқув жарёнини лойиҳалаш_____                                                                          | 49        |
| 3.3. Интерфаол таълим_____                                                                                 | 53        |
| 3.4. “Баҳслашув” интерфаол услуби_____                                                                     | 55        |
| <b>IV ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА СЕМИНАР БОБ. ЎТКАЗИШНИНГ УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАРИ_____</b>                         | <b>61</b> |
| 4.1. Таълим муассасаларида ўқув семинарларини тайёрлашнинг самарадорлиги_____                              | 61        |
| 4.2. Тренер маҳорати ва тренинг услубиёти_____                                                             | 66        |
| “ТАНИШУВ” ТЕХНОЛОГИЯСИ_____                                                                                | 75        |
| “ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” УСЛУБИ_____                                                                           | 77        |
| “БУМЕРАНГ” ТЕХНОЛОГИЯСИ_____                                                                               | 81        |
| “СЦЕНАРИЙ” ТЕХНОЛОГИЯСИ_____                                                                               | 85        |
| “ЗИНАМА - ЗИНА” ТЕХНОЛОГИЯСИ_____                                                                          | 90        |
| “РЕЗЮМЕ” ТЕХНОЛОГИЯСИ_____                                                                                 | 92        |
| “МУАММО” ТЕХНОЛОГИЯСИ_____                                                                                 | 94        |
| “АЖИЛ” (амалиётда жамоавий ижодий ишлар) ТЕХНОЛОГИЯСИ_____                                                 | 96        |
| “КОНСЕНСУС И КОНФРОНТАЦИЯ” РОЛЛИ-ИШЧАН ЎЙИН_____                                                           | 98        |
| “ЛАБИРИНТ” ТЕХНОЛОГИЯСИ_____                                                                               | 102       |
| “БЛИЦ-СЎРОВ”, “БЛИЦ-ЎЙИН” УСУЛИ_____                                                                       | 104       |
| “ФСМУ” ТЕХНОЛОГИЯСИ_____                                                                                   | 107       |
| ГЛОССАРИЙ (Изоҳли луғат) _____                                                                             | 109       |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ_____                                                                      | 126       |

